

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**“Факультетлараро ижтимоий-гуманитар фанлар”
кафедраси**

**“СОЦИОЛОГИЯ”
фанидан маъруза матни**

**доц. Э.Мўминов
тайёрлаган**

Тошкент -2005.

**1-мавзу: Социология фанининг предмети, объекти, таркиби,
тадқиқот усуллари ва услубиёти.
Социология ва ижтимоий-гуманитар фанлар
(2 соат)**

Режа:

1. Социология фанининг предмети, объекти, таркиби, тузилиши.
2. Социологиянинг тадқиқот усуллари ва услубиёти.
3. Социология ва ижтимоий-гуманитар фанлар.

Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар: Фаннинг ўрганиш объекти, ўзига хос предмети, мураккаб таркиби, мақсад-вазифалари, жамият ва ижтимоий муносабатларни тадқиқ этишдаги усуллари, уларнинг ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар тизимидаги объектив ўрни ва аҳамияти.

Мавзуга доир таянч сўз ва иборалар:

Социология – яхлит тизим сифатидаги жамият, ижтимоий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, жамият тузилмалари ҳамда ижтимоий муносабатларни ўрганувчи фан.

Жамият – инсонларнинг ўзаро ҳаракати услуби ва бир-бирига ҳар томонлама боғлиқлигини ифодаловчи бирлашмалар йиғиндиси.

Ижтимоий гуруҳ - индивидлар мажмуи.

Ижтимоий жараён – ижтимоий ўзгаришлар, инсон хатти-ҳаракати ҳолатининг мажмуи.

Ижтимоий муносабатлар – индивидлар, ижтимоий гуруҳлараро вужудга келадиган муносабатлар.

Социологик усул – жамият ва ижтимоий муносабатларни ўрганиш воситаси.

Адабиётлар: 1, 2,3,4,5,7,9,10 (1,3,6,14,15,16,20)

1. Социология фанининг предмети, объекти, таркиби, тузилиши.

Социология - лотинча “социатос” - жамият ва юнонча “логос” - таълимот, тушунча сўзларининг бирлигидан ташкил топган бўлиб, жамиятнинг динамик ривожланиши ҳақидаги, аниқроғи, жамият таркибига кирувчи алоҳида институтлар, тизимлар, гуруҳлар ва улар орасидаги ижтимоий муносабатлар тўғрисидаги фандир.

Социология - инсониятнинг бир неча йиллик тарихий тараққиёти давомида яратилган маданиятнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

XVIII асрда кишилик жамияти, унинг қонуниятларини ўрганувчи фан сифатида тарих фалсафаси шаклланди. Ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашуви ва илмий билимларнинг табақаланиши социологиянинг фалсафадан ажралиб, мустақил фанга айланишини муқаррар қилиб қўйди. XIX асргача социология фалсафанинг таркибий қисми бўлиб келди. XVIII-XIX аср классик фалсафаси ва адабиётининг ижтимоий воқеликка ноилмий муносабати социологиянинг фан сифатида шаклланишини тақозо этди. XIX аср бошларидан у фалсафадан ажралиб чиқиш имконига эга бўлди. Ушбу асрнинг 30-йилларида француз файласуфи Огюст Конт “социология” атамасини фанга киритди. У “Социология” фанининг асосчиси ҳисобланади. О.Конт фикрича социология бир бутун организм ҳисобланган жамият ҳақидаги барча билимларни бирлаштириш ва далилларни изчил ўрганиш орқали унга илмий асос бериши керак.

Шунинг учун ҳам социология ўз олдида қуйидаги вазифаларни кўяди:

- жамиятни бир бутун тизим сифатида ўрганиш;
- жамиятни илмий воситалар ёрдамида ўрганиш;
- ижтимоий муносабатларни ўрганиш.

Демак, социология жамият тўғрисидаги фан бўлиб, ижтимоий муносабатлар уларнинг, амал этиш қонуниятлари ҳамда истиқболларини ўрганади. Айти пайтда социология жамиятдаги меъёрий ва патологик ҳолатларни аниқлайди, натижада инсониятни нохуш ҳолатлар, қийинчиликлардан қутилиш йўлларини кўрсатади. XIX асрда социологияни социал гигиена деб тушунишган.

Социологиянинг жамиятда эгаллаган ўрни қуйидагича:

1. Социологик тафаккур жамиятни яхлит тизим сифатида ўз қонуниятлари ёрдамида фаолият кўрсатиши ва ривожланишини ўрганади, ижтимоий элементларнинг умумий социал тизимдан мустақил ҳолда ҳаракат қилишини инкор этади.

2. Реал мавжуд ижтимоий муносабатларни конкрет ўрганишни назарий ва амалий жиҳатдан асослайди.

3. Воқеликни ўрганишда амалий усулларга таянади, илмий-амалий асосланган хулосаларни илгари суради.

Демак, социология жамиятни далилларни таҳлил қилиш ва илмий умумлашмалар орқали эмас, балки мавҳум тарзда ўрганувчи фалсафадан,

шунингдек, ижтимоий хулқ-атвор ва ўзаро таъсирнинг типик гуруҳий эмас, балки индивидуал намоён бўлишида ўрганувчи психологиядан фарқ қилади.

Бугунги кунда икки хил - академик социология (жамият ҳақидаги умумназарий тизим) ва амалий социология (конкрет ижтимоий воқеа ва далилларни ўрганиш учун илмий аппарат) шаклланди. XX асрнинг иккинчи ярмидан мана шу икки хил социология уйғунлашиб, бирлашиб, айрим олинган ходиса ва жараёнларнинг ривожланишини аниқ далилларни назарий умумлаштириш усули ёрдамида баён этиш назарияси вужудга келди.

АҚШлик социолог Дж. Смелзер ўзининг “Социология” дарслигида “Социология - жамият тўғрисидаги фан” эканлигини таъкидлайди. О.Конт эса социологияни “жамият тўғрисидаги позитив фан”, деб баҳолайди. Француз мутафаккири Э.Дюркгейм эса “Социологиянинг предмети - ижтимоий фактлардан иборат” деб билган.

Немис социологи Г.Зиммель таърифича “Социология хусусий ижтимоий фанларнинг билиш назариясидир”. Немис социологи М.Вебер фикрича “Социология ижтимоий хулқ-атвор тўғрисидаги фандир”. У ижтимоий хулқ-атворни инсоний муносабатлардан иборат, деб билган. Инсоний хулқ-атвор эса ижтимоий моҳиятга эга.

Рус социологи П.Сорокин эса ушбу фан предмети - “жамият ёки ижтимоий ходисалардан иборат”, деб ҳисоблайди. В.Ядов фикрича “Социология жамиятнинг бир бутун организм эканлигини, ижтимоий муносабатларнинг бир бутунлигини ўрганади. Социолог Г.Осипов “Социология” деб номланган ўқув қўлланмасида “Социология ижтимоий тизимларнинг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши тўғрисидаги, умумий ва ўзига хос ижтимоий қонун ҳамда қонуниятларнинг шахс, ижтимоий бирликлар, синфлар, халқлар фаолиятида вужудга келиш ва амал қилиш шакллари тўғрисидаги фан”, деб таърифлаган.

Демак, социология инсон ҳаёт фаолияти ёки ижтимоий ташкилотларнинг ҳамкорликдаги шакллари ўрганувчи ва инсон ҳамжамиятининг ривожланиши ҳамда хулқ-атвори тўғрисидаги фандир.

Хулоса қилиб айтганда, социологиянинг **объекти** унинг нимани ўрганиши керак, деган саволга жавоб берса, **предмети** ўша объектнинг қай жиҳатларини ўрганади, деган саволга жавоб беради. Социологиянинг **объектини** жамиятни бошқарувчи тафаккур қонуниятлари, рационал воситалари ташкил этади.

Социология ижтимоий ҳаёт жараёнларини уч босқичда ўрганади:

- 1) аниқ-эмпирик;
- 2) махсус;
- 3) умумий.

Шунга мувофиқ равишда социология эмпирик, махсус ва умумсоциологик тадқиқот жараёнларини ўз ичига олади.

Социологиянинг вазифаси жамият тараққиётини таъминлайдиган энг қулай вариантларни, ижтимоий маданий моделларини топишдан иборат. Булар жамият ва инсоннинг ўз-ўзини такомиллаштиришга қаратилган қонуниятлардир.

Социологиянинг вазифаси мураккаб ижтимоий дунёни ташкил этувчи ўзаро бирикиб ҳаракат қилувчи тузилма ва механизмлар моҳиятини аниқлашдан ҳамда уларнинг ривожланиш тенденцияларини белгилашдан иборат.

Социологиянинг **тадқиқот предмети** таркибий тузилиш жиҳатидан қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Умумий социология - турли социал тизимларда учраб турадиган ижтимоий ҳаётга оид меъёрларни, бу тизимларнинг яшаш тарзи ва тараққиётининг энг умумий қонуниятларини ўрганади.

2. Махсус социология - ижтимоий фаолиятнинг алоҳида соҳаларини кўп омилли тизим сифатида тадқиқ этади. Махсус социологиянинг бир қанча тармоқлари бор: 1) индустриал социология; 2) шаҳар социологияси; 3) демографик социологияси ва б.

3. Бевосита эмпирик социологик тадқиқотлар - тадқиқ қилинаётган ходисалар, индивидлар билан бевосита алоқа ва уларнинг ҳаёт фаолиятларидаги фактлар тўплами бўлиб, сўроқ, кузатув, эксперимент ва ҳужжатларини ўрганиш усулларини тажриба ёрдамида билишдир.

Социологлар жамиятни икки даражада ўрганади: макро ва микродаражада.

Микросоциология - социологияда нисбатан катта бўлмаган ижтимоий тизимлардаги ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни таҳлил қилишга қаратилган, алоҳида олинган ҳодисаларнинг микродаражадаги (кичик) жараёнлар билан алоқасини индивидлар, кишилар хулқ-атворини шахслараро ўзаро таъсирда ўрганади.

Макросоциология - катта ижтимоий гуруҳлар ва тизимларни (масалан, жамият, цивилизация ва ҳ.,) жараёнларни, ҳаракатларни ва ходисаларни, шунингдек, гуруҳлар фаолиятини узоқ муддат давомида ўрганади. Бунда асосий эътибор ҳар қандай жамият моҳиятини тушунишга ёрдам берувчи хулқ-атвор моделига қаратилади. Ушбу модель ёки таркиблар оила, таълим, дин, иқтисодий ва асосий тузум каби ижтимоий институтларни ташкил этади. Макросоциология жамият турли қисмлари орасидаги ўзаро алоқа ва уларнинг ўзгариш динамикасини ўрганади.

Социология фани бизга нима беради, деган савол пайдо бўлиши мумкин. Бунга қуйидагича жавоб бера оламиз:

Социология катта амалий аҳамиятга эга. Амалий социал ислохотлар бир неча йўналишда боради. Улар, биринчидан, ижтимоий вазиятни тўғри тушуниш, уни назорат қилишга имкон беради; иккинчидан, социология ҳар қандай вазиятда маданий қадриятлар орасидаги тафовутни баҳолашга шароит яратади, бизнинг дунёни маданий қабуллашимизни ўстиради; учинчидан, биз ўзимизнинг муайян сиёсий дастурлар қабул қилиш (қасддан, ўйлаб, ўйламасдан шошма-шошарлик билан) фаолиятимизга баҳо бера оламиз; тўртинчидан социология инсоннинг ўз-ўзини билишига, ўрганишига ёрдам беради, индивидлар ва гуруҳларга ўз яшаш шароитларини ўзгартиришга имкон яратади.

2. Социологиянинг тадқиқот усуллари ва услубиёти.

Маълумки, усул билимга эришиш, информация олиш ва воқеликни тубдан ўзгартириш воситаси, мақсадга эришиш йўли, муайян тарзда тартибга солинган фаолият ҳисобланади. Усул билиш воситаси сифатида ўрганилаётган объектни тафаккурда қайта ҳосил қилади.

Ижтимоий реаллик ҳақида маълумот олиш усули охир оқибатда инсоннинг дунёқараши, фикри, баҳолари билан, кўпинча, “ёши”, “даромади”, “оилавий шароити”, “касби” билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам социологик билиш тадқиқот “объекти”нинг субъективлигини, тадқиқотчининг объектни таҳлил қилишдаги объективлигини ҳам эътиборга олади. Социологияда объективлик ва субъективликнинг ўзаро боғлиқлиги ўзига хос характерга эга, яъни, билиш жамиятни таҳлил қилиш даражасига, турли соҳа хусусиятларига, ички ва ташқи воқеалар, кузатилаётган ва кузатилмаётган жараёнларга” боғлиқ.

Услубиёт муайян фанда тадбиқ этиладиган тадқиқот усуллариининг мажмуидир. Социологик билишнинг ҳар қандай даражасида тадқиқотнинг ўз услубиёти мавжуд. **Эмпирик даражада** тадқиқ этилаётган социал воқелик тўғрисида аниқ ҳаққоний маълумот олиш мақсадида мантиқан изчил бўлган усулларни, услубий ва ташкилий-техник ишларни ўзида ифода этган социологик тадқиқотлар ўтказилади.

Назарий даражада социологлар социал реалликни бир бутунлик - жамиятни тизим сифатида, ёки инсонни ижтимоий хатти-ҳаракат субъекти сифатида тушунадилар.

Назарий усуллар. Социологияда структур-функционал усул катта аҳамият касб этади. Ушбу усул нуқтаи назаридан жамият барқарорликка эга бўлган функционал тизим сифатида қаралади. Бу барқарорлик қайта ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳисобига таъминланади. Структур функционал муносабат социал тизимлар-функционал фаолиятнинг умумий, универсал қонуниятларини ўрнатишга имкон беради. Ҳар қандай ижтимоий институт ёки ташкилот – давлат, партия, касаба уюшмаси кабилар тизим сифатида қаралиши мумкин.

Структур функционал муносабат куйидаги хусусиятларга эга:

- ижтимоий структуранинг фаолият кўрсатиши ва қайта ишлаб чиқариши билан боғлиқ муаммолар кишининг диққат марказида бўлади;
- структура ҳар томонлама интеграциялашган ва уйғунлашган тизим сифатида тушунилади;
- ижтимоий институтлар функцияси интеграцияга муносабат ёки ижтимоий структуранинг мувозанатига кўра белгиланади;
- социал структура динамикаси “консенсус принципи” - ижтимоий мувозанатининг сақланиши принциpidан келиб чиқиб изоҳланади.

Қиёсий усул ижтимоий хулқ-атвор намоён бўлишининг умумий қонуниятларига таянади, чунки турли халқларнинг ижтимоий ҳаёт, маданият, сиёсий тизимида умумий томонлар кўп. Қиёсий усул бир турдаги ижтимоий воқелик, яъни, ижтимоий структура, давлат тузилиши, оила шакли, ҳокимият,

анъаналар ва бошқаларни солиштириб, таққослаб кўради. Қиёсий усулни қўллаш тадқиқот доирасини кенгайтиради, бошқа мамлакат ва халқлар тажрибасидан фойдаланишга имкон беради.

Социологик тадқиқот усуллари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- 1) гипотезани илгари суриш ва текшириш;
- 2) ахборотни таҳлил қилиш;
- 3) социологик сўров;
- 4) социологик кузатиш ва эксперимент.

Гипотезани илгари суриш ва текшириш. Социологик тадқиқотда гипотеза бу ижтимоий объектлар структураси, шу объектни ташкил этган элементлар ва алоқалар характери, улар фаолияти ҳамда ривожланишининг механизми тўғрисида асосли илмий тахминдир.

Илмий гипотеза тадқиқот объектини олдиндан таҳлил қилиш натижасидагина шакилланади.

Гипотезанинг тўғри ёки нотўғрилигини белгилаш жараёни социологик тадқиқот пайтида уни текшириш ва эмпирик асослаш жараёни ҳисобланади. Гипотезани бундай текшириш натижасида назариялар тасдиқланади ёки инкор қилинади.

Ахборотни таҳлил қилиш. Социологга керак бўлган ахборот авваллари бирор жойда тартибсиз ёки бир тизимга солинган шаклда хужжат тарзида қайд этилган бўлиши мумкин. Шунинг учун тадқиқодчилар хужжатларни таҳлил этишнинг қуйидаги усулларида фойдаланадилар:

- 1) Хужжатларнинг сифат таҳлили (“Муаммоли” қидирув, тематик умумлашув);
- 2) Хужжатларнинг миқдорий таҳлили (контент-анализ).

Тадқиқотчи ўз манфаатлари ва қўйилган вазифанинг йўналишига боғлиқ равишда расмий ахборотни - хужжатлар, далиллар, расмий статистика ва бошқаларни таҳлил қилади, кейин экспертлар, респондентларнинг субъектив баҳо ҳамда фикрларини ўрганиб, уларни тўлдиради.

Социологик сўров. Дастлабки ахборот олишнинг энг кенг тарқалган усули сўров ҳисобланади. Унинг ёрдамида барча социологик маълумотларнинг 90%и олинади. Сўров ҳар доим бевосита иштирокчига мурожаатни тақазо этади ва тўғридан-тўғри тузатиш қийин бўлган жараёнда қаратилади. Шунинг учун ҳам сўров маълум бир шароитда, вазиятга бегона кўздан четда бўладиган ижтимоий, жамоа ва шахсий муносабатларни ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Ёппасига сўров ўтказиш аниқ маълумот беради. Танлов асосида сўров ўтказиш тежамли бўлса ҳам маълумотлар нисбатан ноаниқроқ бўлади. Агар барча аҳоли ёки унинг ўрганилаётган бир қисми асосий ва умумий мажмуъ деб олинса, танлов асосида сўров ўтказиладиганлар унинг аниқ, кичрайтирилган нусхасидир. Бунда хато ёки фарқ бир неча фоиздан ошмайди.

Демак, танлаб олинган мажмуъ асосий тадқиқот объектининг аниқ нусхаси бўлиши керак. Оригиналдан четга оғиш репрезентативлик хатоси дейилади. Репрезентативлик хатоси жуда катта бўлмаслиги лозим, акс ҳолда

социолог тадқиқот натижаларини эълон қилмаслиги керак бўлади. Репрезентация қилиш танлаб олинган (гуруҳ, элемент)лар ёрдамида асосий ва умумий мажмуъини аниқ акс эттириши талаб этилади. Математик статистика социологларни бу борада энг замонавий усуллар билан қуроллантирди. Бу ерда муҳим нарса шуки, социолог ким асосий мажмуъининг типик намоёндаси ҳисобланишини аниқлаш ва барча одамлар танлов гуруҳига тушиш имконига эга бўлишига эришиши лозим. Ким сўров қилинишини тасодиф ва математика ҳал қилади.

Танлов асосида тадқиқот ўтказиш социологиянинг анкета сўрови, интервью, кузатиш, эксперимент, ҳужжатлар таҳлили каби усулларининг асосини ташкил этади.

Социологик сўровнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

- анкета тўлдириш;
- интервью.

Анкета тўлдиришда сўроқ қилинувчи саволномани тўлдиради. Бу усул ўз шаклига кўра индивидуал ёки гуруҳий бўлиши мумкин.

Социологик кузатиш ва эксперимент. Тадқиқот объектини кузатиш ҳужжатли маълумотларни йиғиш шаклидагина эмас, махсус визуал маросим (процедура) шаклида ҳам бўлиши мумкин. У ижтимоий фактни амалга ошириш momentiда малакали қайд этиш имкониятини беради, жараённинг ўзига хос нозик томонларини эътиборга олади. Бевосита кузатиш кузатувчининг объект билан алоқа қилиш даражасига кўра фарқланади.

Ўрганилаётган вазиятнинг кузатувчиси ролига қараб, кузатишнинг 4 турини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) кузатувчининг вазиятда тўла иштирок этиши;
- 2) вазият иштирокчиси кузатувчи сифатида намоён бўлади;
- 3) кузатувчи иштирокчи сифатида фаолият кўрсатади;
- 4) кузатувчи жараёнда иштирок этмайди.

Вазиятда тўла иштирок этиш кузатувчини гуруҳнинг тўла аъзоси сифатида бўлишини тақозо этади. Бунда кузатувчининг ролини гуруҳ аъзолари билмайди. Бунга ёрқин мисол сифатида Г.Вамберининг Ўрта Осиёга сағҳати, У.Уайтнинг италян эмигрантлари ҳаётини ўрганиш учун 3 йил улар билан яшагани каби далилларни келтиришимиз мумкин. Ушбу усул қатор хусусиятларга эга: тадқиқотнинг биринчи босқичида муаммо кўйилади, тадқиқот гипотезаси илгари сурилади, натижалар яқунланади. Тадқиқот объекти ҳаётига кириб бориш натижасида кузатувчи субъективизмга берилиши мумкин, оқибатда воқеаларга баҳо беришда симпатия ёки антипатия ҳам маълум роль ўйнайди.

Очикдан-очик кузатиш яширинча кузатишдан кўра қатор афзалликларга эга: кузатувчи тадқиқот вазиятига осонлик билан киради; кузатилаётган коллектив кузатувчига тез мослашади, ижобий муносабат пайдо бўлганда унга маълумот йиғишда ёрдам ҳам беради.

Эксперимент ижтимоий билишда ўзига хос ҳолда амалга оширилади, чунки инсон, унинг руҳияти устида, шунингдек, жамият ҳаётида кенг миқёсда

эксперимент қилиш мумкин эмас. Шундай бўлса-да, меҳнат социологияси доирасида у тез-тез учраб туради, бунда фактлар, ўзгаришлар қиёсланади.

3. Социология ва ижтимоий-гуманитар фанлар.

Ижтимоий ҳаёт масалаларини ўрганиш доираси кенгайиб борар экан, социология фанининг ўрганиш объекти ҳам кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда. Социологиянинг кейинги йилларда “Фанлар социологияси”, “Маданият социологияси”, “Бошқарув социологияси” каби соҳалари шаклланди. Бозор муносабатлари таркиб топа бориши билан социологиянинг иқтисодиёт, фалсафа, ҳуқуқ фанлари, этика, психология, педагогика, тарих, экология каби фанлар билан алоқадорлиги ортиб бормоқда.

Социологиянинг **иқтисодиёт фанлари** каби алоқадорлиги моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол жараёнларини ўрганишда кўринади. Иқтисодиёт социологияси иқтисодий таъсирни ижтимоий таъсир шакли сифатида ўрганади. Иқтисодиёт социологияси иқтисодиёт фанлари билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида бўладиган муносабатларни ўрганади. Иқтисодий назариянинг илмий ғоялари иқтисодий социология учун услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Социология фани **фалсафа** билан ҳам узвий боғлиқ. Фалсафанинг қонун ва категориялари бевосита умумсоциологик назария ва концепцияларни ўз ичига олади, ҳамда социологик назариялар учун назарий ва методологик асос бўлади. Умумсоциологик ва махсус социологик назарияларнинг ривожланиши ўз навбатида муайян даврдаги ижтимоий фикрларни шакллантиради, унга назарий ва амалий манба бўлиб хизмат қилади. Социологик тадқиқотлар эмпирик маълумотлар ёрдамида ижтимоий тараққиётни чуқур таҳлил қилишга ёрдам беради.

Психология ҳам социология каби инсон фаолиятини ўрганади, фақат психология айрим индивид фаолиятига эътибор беради. Социал психология эса ҳам социология, ҳам психологиянинг бир қисми сифатида индивиднинг гуруҳдаги фаолиятини ўрганади. Унинг марказий тушунчаси бўлган “Мен” инсон гуруҳининг ижтимоийлашган шахсини англатади.

Сиёсий фан инсоннинг ўз-ўзини қандай бошқаришини тадқиқ этади. У расмий сиёсий ташкилотлар ва унда шаклланадиган сиёсий хатти-ҳаракатлар, шунингдек, ҳокимият фалсафаси, жамиятнинг ижтимоий структурасини ўрганади. Социология сиёсатшунослик учун жамиятда мавжуд бўлган группалар ўртасидаги муносабатларга доир кўплаб маълумотларни тўплайди.

Социология ва **тарих** фанлари жамият ҳаётини тадқиқ этишга изчил ёндошади. Тарихчи фақат ишонарли маълумотларни танлар экан, у ўтмиш ҳуқ-атвор ва ноғб воқеалар билан иш кўради. Тарихий фактларни тўплашда тарихчи социология усуллари билан ҳам кенг фойдаланади.

Шундай қилиб, хусусий ва умумий социологик фанлардан иборат бўлган замонавий социология барча ижтимоий фанлар билан боғлиқ. Социология ижтимоий гуманитар фанлар иерархиясида энг юқори босқични эгаллайди.

Фалсафа ва тарих билан биргаликда, у ижтимоий фанлар тизимининг умумуслубий негизини шакллантиради.

Ўз - ўзини текшириш учун муаммоли саволлар:

1. Социология атамасининг таърифи, объекти ва предмети.
2. Социология фанининг асосий йўналишлари.
3. Социология фанининг тадқиқот усуллари ва услубиёти.
4. Социология фанининг умумий таснифи.
5. Социология фанининг таркиби.
6. Социологиянинг ижтимоий-гуманитар фанлар таркибидаги ўрни.

2 – мавзу: Социологиянинг вужудга келиши ва таракқиёт босқичлари (2 соат)

Режа:

1. Социология фанининг вужудга келиш тарихи, назарий-амалий манбалари.
2. Қадим Турон ва Мовароуннахрдаги ижтимоий социологик қарашлар.
3. XIX аср ғарбий Оврўпада социологик таълимотлар тарихи.
4. XX асрда АҚШда социологик қарашлар ва таълимотлар ривожиди.

Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар: Фан юзага келишининг ижтимоий, маърифий эҳтиғжи ва унинг назарий-амалий сабаблари, омиллари. Шарқ мамлакатларига хос ижтимоий қарашлар ва уларнинг ғарбий Оврўпадаги социологик қарашлардан фарқи. Оврўпада социологиянинг фан сифатида шаклланиши ва XX аср бошларида социология фани марказининг АҚШга кўчиши.

Мавзуга доир таянч сўз ва иборалар:

Сўфийлик, мотуридия, жабарийлар, жамоавийлик, митраизм, макросоциология, микросоциология, социометрия, интеракция, «бирламчи гуруҳ», «иккиламчи гуруҳ» элита, омма, позитивизм.

Адабиётлар: 1,2,3, 4,5,6,10 (4,6,10,12,15,17,22,30)

1. Социология фанининг вужудга келиш тарихи, назарий-амалий манбалари.

Социология мустақил фан сифатида XX асрдагина ғарбий Оврўпада пайдо бўлган бўлса ҳам унинг илдизлари узоқ ўтмишига бориб тақалади. Одамзод ҳар доим ўз ҳатти-ҳаракатининг сабаблари билан қизиққан, уларни юзага чиқарувчи омилларни ўрганган. Шунинг учун ҳам энг қадимги фалсафий тизимлар ижтимоий ҳаётни ва тарихий таракқиёт тенденцияларини ўзига хос ҳолда тушунтирадиган бирон-бир ижтимоий фалсафани ўз ичига оларди.

Лекин минг йиллар давомида бу уринишлар тафаккурнинг авлоддан авлодга ўтиб келаётган ва диний тушунчаларга таянган анъанавий усулларига асосланади. Инсон ҳатти-ҳаракати ҳамда кишилиқ жамиятини муттасил равишда бир тизимга солиб ўрганиш асосан, кейинги 200-300 йиллар ичидаги ютуқлардан биридир.

«Социология» атамасини фанда биринчи бўлиб француз файласуфи Огюст Конт 1839 йилда қўлади. Унинг фикрича, социология бир бутун организм деб ҳисобланган жамият ҳақидаги билимларни бирлаштириши ва уларни далилларни ўрганиш орқали илмий асослаши лозим. Социологиянинг фан сифатида ривожланишини, албатта, социология сўзининг кашф этилиши билан боғлаш тўғри эмас. Аниқроғи, социологиянинг мустақил фан сифатида вужудга келиши Оврүпада «жамият» (societas-жамият, лот) сўзининг кенг миқёсда қўлланилиши, унинг назарий асосларининг ишлаб чиқилиши билан боғлиқ. XVIII асрда автоном фан сифатида тарих фалсафаси жамият тараққиёти қонунларини ва характерланувчи кучларини ўрганишга бағишланган эди.

Шунинг учун социология ўз олдига икки асосий вазифани қўйди:

- жамиятни бир бутун тизим сифатида ўрганиш;
- жамиятни позитив (илмий-воситавий) усуллар ёрдамида ўрганиш.

Социология фани жамиятни далиллар таҳлили ва илмий умумлашмалар орқали эмас, балки мавҳум муҳокама қилувчи фалсафадан фарқ қилган.

Шунингдек, ижтимоий хулқ-атвор ва ўзаро муносабатларнинг типик гуруҳий намоён бўлиши билан эмас, индивидлар хулқ-атворини ўрганувчи психологиядан фарқ қилиши керак эди.

Ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашуви ва илмий билимнинг табақаланиши социологиянинг фалсафадан ажралиб, мустақил фанга айланишини муқаррар қилиб қўяди. Социология ижтимоий муносабатларни назарий таҳлил қилишни ижтимоий (социал) далилларни эмпирик тадқиқ қилиш билан қўшиб олиб боровчи мустақил фанга айланди. XVIII асрда вужудга келган турли ижтимоий қарашлар ижтимоий ҳаёт таркибини, шу билан ижтимоий ҳодисаларнинг, гуруҳ ва индивиднинг ўзаро алоқадорлигини назарий таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Социология XVIII асрда маърифатпарварлик ғоялари асосида, шу билан бирга француз революциясига жавоб тариқасида вужудга келди. У муайян вақт ва жамиятнинг маҳсули бўлиб, кейинчалик ижтимоий воқеликка ўзи ҳам таъсир кўрсата бошлади. Социология ўз давридаги маънавий ва сиёсий оқимлар билан боғлиқ бўлса ҳам, ижтимоий фикр фақатгина социологияда ифодаланиб қолмаган. Кўплаб мутафаккирларнинг ўзларини социолог деб ҳисобламаганликлари бундан далолат беради.

XIX асрга келиб, социология сўзини ижтимоий тартиб ҳақидаги масалани интеллектуал асослаш муаммоси билан боғлаганлар. Социология фани ижтимоий тартиб ҳақидаги саволга жавоб тариқасида вужудга келди. Ижтимоий ҳаёт ҳақида янги махсус фан пайдо бўлган бўлса, ўзини «социология» деб ҳисоблаган, айна пайтда ижтимоий муаммоларни турли томондан ўрганаётган қатор соҳалар мавжуд эди. Хозирги пайтда социология муаммолари доираси кенгайди, йўналиш ёки парадигма деб ном олган кўплаб муқобил муносабатлар вужудга келди.

XX асрнинг 20-йилларидан жаҳон социологиясининг маркази ғарбий Оврүпадан АҚШга кўчди. Унинг фаолияти расмий тус олди. АҚШда социология фани олий ўқув юртларда ўрганила бошланди. 1892 йилда Чикаго университетида жаҳонда биринчи социология кафедраси ва факультети иш бошлади. 1901 йилдан бошлаб олий ўқув юртларда социология фан сифатида

ўқитилди. АҚШдаги социологиянинг тараққиёти янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ўтиш жараёнини тезлаштирди.

Социологиянинг мустақил фан сифатида шаклланишини қуйидаги шарт-шароитлар билан боғлаш мумкин:

1. ўз рационаллигига эга бўлган, шунинг учун ҳам сиёсий-институционал тартиби мавжуд бўлган давлатга бўйсунмайдиган, кўпинча унга қарама-қарши турувчи ва мустақил ҳисобланган табиий-ижтимоий тартиб ғояси билан;
2. бозор иқтисодиётининг ривожланиши билан;
3. нарсалар ва ҳодисаларни улар ривожланишида, уларни белгиловчи конкрет тарихий шарт-шароит билан алоқадорлигида билиш ғояси билан;
4. фан ва илмий прогресс замонавий концепциясининг ишлаб чиқилиши билан.

Шундай қилиб социология фани атиги бир аср муқаддам фалсафадан ажралиб, мустақил фан сифатида тараққий этган бўлса-да, уларнинг алоқаси узвийдир. Фалсафа социологиянинг назарий-услубий асосини ташкил этади.

Мутафаккирлар қадимги пайтлардан бери глобал ижтимоий жараёнларни ва кишиларнинг ўзаро таъсири механизмини бошқариш сирларини очишга ҳаракат қилдилар.

2. Қадим Турон ва Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-социологик қарашлар

Маълумки, социология фани расман ғарбий Оврупада юзага келган бўлса-да, унинг илдизлари шарққа бориб тақалади. Социологик тадқиқотлар методологияси мазмунини халқимизнинг тарихий, маънавий қадриятлари саналмиш Қуръони Карим, Ҳадиси Муборак, шарқнинг улуғ алломалари Фаробий, Ибн Сино, Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбандий, Ат-Термизий, Имом Ал-Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Захириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий ва бошқа улуғ мутафаккирлар асарларида илгари сурилган фикрлар ташкил этади.

Шарқ халқларининг ҳаётга бўлган социологик қарашлари моҳият эътиборига кўра ғарб социологларининг ижтимоий ёндошувларидан фарқ қилади. Қадимги шарқ кишиси учун ўзликни англаш, маънавий комилликка эришиш, озодлик тушунчаси моддий борлиқдан воз кечиш, ташқи дунё ташвишларини инкор этиш, ўзликда сокинлик топишга интилиш ҳаракатларидан иборатдир.

Шарқ кишиси учун индивидуализм ҳамиша ҳалокат, жамоада уйғунлашув эса сокинлик ва беҳавотирлик омили бўлиб келган. Жамоавий хавфсизликни таъминлаш эҳтиғжи шарқда жуда қадимги даврлардағқ давлатчилик тизимларини таркиб топтирди. Шунингдек, шарқда иқтисодий мураккабликлар, об-ҳаво, сув муаммоларининг кескинлиги, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг фақат суғориш воситасида етиштирилиши, уларни сақлаш масалалари муайян марказлашган идора тизимларини таркиб топтириш ҳамда бошқариш заруратини кун тартибига чиқарган. Бу эса э.о. III минг йилликнинг

ўрталаридан бошлаб Миср, Хиндистон, Месопатамия, Хитойда давлатчиликнинг мустаҳкам анъаналари юзага келишига сабаб бўлди. Шарқ давлатчилик негизида ижтимоий бирлик мутлоқлаштирилди, жамиятда жамоавий яхлитлик амал қилар, алоҳида шахсларнинг ўзлигини жамоа ихтиғридан ташқарида индивидуал намоён этиши маъқулланмас эди. Шахслараро сиёсий, иқтисодий, ахлоқий қарашлар бирлиги, мутлақ яқдиллик шарқ бирдамлиги ва ҳаётийлигининг маънавий асосини ифода этар эди.

Шарқ давлатларида худо давлат бошқарувчиси образида талқин этиб келинар эди. Ўша даврдаги кўплаб урф-одатлар ҳукмдорларни худо билан айнан бир хил воқелик, деб англашдан туғилган.

Қадим Турон ва Мовароуннаҳрдаги ижтимоий социологик қарашларнинг илдизлари зардуштийлик динига бориб тақалади. «Авесто» э.о. VII асрда яратилган бўлиб, Авесто сўзи «Упаста», яъни қонун-қоидалар, меъёрий асослар маъносини англатади. «Авесто»ни зардушт Спитамалик Пуришасп ўғли яратган ва ҳозир биз яшаётган ҳудудда яқка худоликка асос солган. Авесто асарида ифодаланган монотеистик диний-фалсафий категориялар ва тушунчалар, дунёни диний талқин этиш усуллари кейинги даврларда инсоният ҳаётига кириб келган ва такомиллашган конфессияларда мустаҳкам ўрин олиб келади. Яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш, ижтимоий жараёнларга конфликтологик ёндошув орқали ҳал этишга уринишлар митраизм (худо Митрага сажда қилиш билан боғлиқ бўлган дин) оқими шаклида ғарбий Оврупа ва бутун Рим империясидан тортиб Аҳмонийлар, Кушонлар ва Сомонийларнинг буюк империяси амал қилган даврларда ҳам ўз таъсирини ўтказиб келди.

Қадим Шарқ фалсафаси, унинг теологик асослари қадимги Мовароуннаҳр ҳудудида яшовчи халқларнинг ижтимоий жараёнларга муносабатлари ва фикрлаш тарзига бевосита ўз таъсирини кўрсатган. Хусусан, ўзбек халқи ва унинг бой маънавиятининг шаклланишига ислом динининг кириб келиши ва унинг халқ томонидан қабул қилиниши ўзига хос ходиса бўлди, деб ҳисоблаш мумкин. Ўзбек халқи ҳам Ислом динига ўз миллий хусусиятлари урф-одатлари, турмуш тарзи, анъаналари билан кириб келди. Бу эса қабул қилинган ислом теологияси назариясига тегишли аниқликлар ва тадрижий ўзгартиришлар киритилишини тақазо эта бошлади.

Мовароуннаҳр жамоатчилик фикри тарихини ўрганишда **Абу Мансур ал-Мотуридийнинг** ўрни беқиёсдир. Унинг асарларига нафақат диншунослик, балки жамият, жамоа, ижтимоий жараёнлар ва хусусан, шахс ҳақидаги таълимот сифатида ёндошиш, уларни Мовароуннаҳр халқлари ҳаёти тарзи менталитетига мувофиқ келувчи, уларни ғоявий, эътиқодий яқдилликка ундовчи яхлит илмий социологик концепция сифатида баҳолаш ва ҳар томонлама ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ал-Мотуридий қарашлари оқилона меъёр, инсон шаъни, мавқеига мос келувчи назариядир. Инсон шахси ва мавқеи масаласи, уни турли ижтимоий-сиёсий, керак бўлса, диний тазйиқлардан ҳимоя қилувчи Ал-Мотуридийнинг муросавий мувозанат концепциясини, исломни англаш жараёнларидаги ижобий жиҳатлар йиғиндисига эмас, балки Мовароуннаҳрдаги реал ижтимоий-сиёсий муҳит, халқ турмуш тарзи, менталитети, бой маданий тарихий тажрибаси билан

бойитилган инсоний ёндошувлар синтези, деб баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Ал-Мотуридий жамоа ва жамиятнинг воқелик моҳиятини рамзларда талқин этишга диққатини қаратади.

Ал-Мотуридий жабарийларнинг, инсоннинг ҳамма амаллари олдиндан унинг тақдирига ёзиб қўйилган, шу боис у ўзи қилаётган ишларга маъсул эмас, деган нуқтаи назарини ҳам, қадарийларнинг, Оллоҳ инсон фаолиятлари ва амалларининг ҳимоячиси эмас, деган нуқтаи назарини ҳам танқид қилиб, инсон яхши ва ёмон амалларни ўз эркига кўра танлаши ва бу йўлда Оллоҳнинг мададини олиши назариясини илгари суради. Ал-Мотуридий инсондаги ихтиёр, танлаш имконияти жамоага қарши йўналтирилмаслигини, шахс олдида давлат маъсул бўлгани каби, шахс ҳам давлат олдида маъсул бўлишини назарий асослайди. Шунингдек Ал-Мотуридий шахснинг танлаш ва ирода эркинлиги жамоавий ирода олдида устувор куч эмаслиги, жамоавий ирода шахсдан юқори туришини уқтиради.

Мовароуннаҳрда табиат ва жамиятни социологик англаш ва ўрганиш улуғ мутафаккир **Абу Наср Форобий** томонидан кенгайтирилди. У ўзининг «Фозил одамлар шахри» асарида инсондаги инсонийлик моҳияти ўзликни англашдан бошланиши, фозил шахс воқеа ва ходисаларнинг моҳиятини идрок эта билишини, моҳиятга интилиш ҳақни таниш эканлигини, инсонга берилган руҳ ақлни ривожлантиришга, унга қувват бағишлашга маъсул илоҳий куч эканлигини, ақл эса инсон томонидан нарсаларни моҳиятан танлаб фарқлашга кўмак беришини асослаб берди.

Форобий оламни англашда ворисийлик омилининг жуда катта кучга эга эканлигини алоҳида қайд этади. Унинг фикрича инсон барча ҳақиқатларни англашга, табиат ва жамиятнинг барча сиру-асрорларини тушуниб, идрок эта олишга қодир эмас. Шу боисдан у ўзидан олдинги аждодлари томонидан билдирилган фикрларни шубҳаланмай ўзлаштириши зарурлиги илм-маърифат бобида етук донишмандлар фикрига эргашиши лозимлигини алоҳида таъкидлайди. Форобий жамиятнинг бообрў шахслари, олимлари, оқил кишилари ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучларидир, деб ҳисоблайди. Форобий ўша пайтдағқ ижтимоий фикрнинг аҳамияти катта эканлигини чуқур англаб, замонавий социологияда кўп қўлланувчи экспертлар, яъни ўз даврининг етук донишмандлари фикрига таяниб иш тутиш зарурлигига урғу беради.

Улуғ бобокалонимиз **Абу Райҳон Беруний** ҳам социология назариясини ривожлантириш ишига улкан ҳисса қўшди. Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» деб номланган қомусий китобини тўла маънода инсоният тарихининг ўтган 5 минг йиллиги воқеалари таҳлили ва синтезига бағишланган мумтоз этносоциологик асар, деб баҳолаш мумкин. Ушбу китобда улуғ мутафаккир асар ёзилиши жараёнида олиб борган социологик тадқиқотлари қўллаган усуллари хусусида сўз юритиб, шундай ёзган:

«Мазкур асарни ёзиш асносида ўзимга ишонч ҳосил қилдимки, ақлий нарсалардан далил келтириш, кузатилган нарсаларга қиёс қилиш йўли билан ҳақиқий маълумотларга эга бўлиш мумкин эмас. Бунга фақат «китоб аҳллари» ва турли дин арбобларига, шу (эътиқодларга амал қилувчи ҳар хил маслак ва

ишонч эгаларига эргашиш, уларнинг тушунчаларини асос тутиш билан белгиланади. Сўнгра уларнинг исбот учун келтирган сўз ва эътиқодларини бири-бирига солиштириш билан билинади.»¹

Абу Райхон Беруний дунёнинг социологик манзараси эволюцион жараён натижасида таркиб топганлигини алоҳида қайд этади.

Айни чоғда Беруний оламни ижтимоий тараққиётга олиб келувчи куч зиддиятлар ва қарама - қаршиликлар эмас, балки турли ижтимоий даражадаги муроа ва консенсус эканлигини уқтиради. «қарама-қаршилиги равшан аён бўлган нарсага қандай ишониб бўлади»,² деб қарама-қаршиликлардан холи бўлган жараёнларда ўзгариш эҳтиёжини кучайишига ишора қилади.

Беруний социологиядаги ижтимоий табақаланиш ҳақида ҳам фикр юритиб, шундай дейди: «Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли хоҳишларни ифодалаш учун зарур бўлган сўзларга эҳтиёж туғилишидир. Узоқ замонлар ўтиши билан ҳалиги иборалар кўпайиб, ёдда сақланиши ва такрорланиши натижасида таркиб топиб, тартибга тушган»

Улуғ мутафаккир **Абу Али Ибн Сино**нинг ижтимоий қарашлари ўзининг илмий теранлиги, воқеликка хушёр баҳо бериш хусусияти билан ажралиб туради. Ибн Сино оламнинг барқарор амал қилиши жамият ва табиатнинг ўз-ўзини идора қилиш, мустақил бошқариш хусусиятининг ишга тушиши ва ҳаракатланиши билан изоҳланади, деб ҳисоблайди. Хамма нарсанинг юз беришида тақдири азалнинг роли, илоҳий ҳукмнинг мутлоқлашуви ғоясига қарши чиқиб, Ибн Сино дунё камолоти учун жамият аъзоларининг эркин фаолиятига ҳам катта эҳтиёж борлигини асослаб беради.

Юсуф Хос Хожибнинг XI асрда яратилган «Қутадғу билиг» асари ҳам ижтимоий қарашларга бой. Бу китоб ахлоқ-одоб таълим ва тарбия ҳамда маънавий камолотнинг йўл-йўриқларини, усулларини, чора-тадбирларини мужассамлаштириб, ўзида жам қилган буюк қомусий асардир.

Юсуф Хос Хожиб жамият ва табиат борасидаги барча баҳсларни таълим атрофида олиб борар экан, ўз даври, мавжуд ижтимоий-сиёсий тузум, маънавий-моддий ҳаёт жараёнлари хусусида муфассал маълумотлар беради. У ўша даврнинг турли ижтимоий табақалари, тоифалари ва гуруҳлари, уларнинг турмуш тарзи, расм-русумлари, қонун - қоидалари, хунар ва касбу-корлари, жамиятда тутган мавқелари, давлат тузумининг қандай асосларда қурилганлиги, ҳар бир табақанинг дунёқараши хусусида атрофлича социологик асосланган маълумотларни ўртага ташлайди.

Юсуф Хос Хожиб жамиятнинг том маънодаги камолоти фақат таълим воситасида амалга ошади, деб ҳисоблайди. Дунёдаги барча бойликлар муваққатдир, ўткинчидир, билим бойлиги қанча сарф этилса, шунча кўпаяверади, дейди улуғ мутафаккир.

Социологиянинг донишмандлик талаби юқори бўлган фан эканлиги учун ҳам улуғ аждодларимизнинг жамиятни бевосита ўрганишга доир вазмин

¹ А.Д. Аадоёёе. Оаёеааа апаёеаё, Ои1, О.; 1968, 406-аао.

² Оó адаа, 44-аао

Оó адаа, 231-аао.

умумлашмаларга, хулосавий мушоҳадаларга бой асарлари уларнинг маънавий-ақлий камолотга эришган йилларида, сермазмун умрларининг сўнги даврларида яратилгандир. Масалан, Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи», Алишер Навоийнинг «Мажолис ун нафоис», «Махбуб ул-кулуб» асарлари шулар жумласидандир.

3. XIX аср ғарбий Оврупадаги социологик таълимотлар тарихи.

Социология фанининг асосчиси француз **Огюст Конт** (1798-1857) ҳисобланади. Конт социологияси буржуазиянинг маънавий ва сиёсий ҳукмронлиги даврида вужудга келди. У ўзида саноат ва фаннинг юксалишини ифодалайди, аёл ёрдамида ижтимоий низоларни ҳал қилишга интилади. Конт ўз тадқиқотлари предмети - жамиятни ижтимоий муносабатларда тартиб ва прогресс соҳасида революциядан кейинги вазият билан боғлаган. Ўша даврда жамоатчилик антагонизм ва зиддият деб ҳисоблаган тангликни Конт бартараф этиб, ўз социологияси билан икки қутбни – тартиб ва прогрессни бирлаштирмоқчи бўлади. Тартиб бўлмаса прогресс анархияга айланади. Позитив (ижобий) сиёсатда тартиб ва прогресс бир тамойилнинг икки томонидир.

Социология Конт фикрича, ижтимоий статистика (жамиятда турғун бўлган тузилмалар) ва ижтимоий динамика (ижтимоий ўзгарувчанлик жараёни)дан иборат.

Конт тушунтиришича, фалсафа ва социологияни позитив деб аташнинг сабаби, улар фан маълумотларига эмас, балки илмий кузатувларга асосланади. Позитивизмда энг асосий талаб кераксиз тушунчалардан воз кечиш ҳамда табиий-илмий қарашларни исботловчи “позитив” (ижобий) ижтимоий назарияни яратишдир.

Конт табиатни билиш тарихини 3 босқичда бўлди: бу босқичлардан ҳар бири дунёқарашнинг муайян типига: теологик-ҳарбий ҳукмронлик; 2) метафизик-феодал ҳукмронлик; 3) позитив-саноат цивилизацияси турига мос келади. Биринчи, теологик паллада инсон аўлли ҳодисаларни илоҳиёт, илоҳий кучларнинг таъсири билан изохлашга уринган. Конт фикрича метафизик дунёқараш теологик дунёқарашнинг ўзгарган шаклидир. Метафизик дунёқарашга кўра барча ходисаларнинг асосини абстракт метафизик моҳиятлар ташкил этади. Теологик ва метафизик дунёқараш ўрнига Конт фикрича “позитив метод” келади ва у абсолют билимлардан (материализм ва объектив идеализм) воз кечишни талаб қилади.

Бу босқичлар кетма-кетликда келади, шунинг учун ижтимоий гуруҳлар орасидаги тенгсизлик тараққиётнинг муайян даражалари билан боғлиқ бўлади. Конт ўзининг уч ҳадли схемасидан фанларни туркумлаш учун, тарихни бир тизимга солиш учун фойдаланади. Унинг социологик таълимотининг асосий ғояси - революцион йўл билан ўзгартиришни бефойда деб ҳисоблашдан иборат. Конт фикрича капитализм инсоният тарихининг эволюциясини тугаллайди.

Конт олий худога сиғинишни тарғиб қилишни ижтимоий уйғунликни барқарор этиш воситаси деб ҳисоблайди.

Контнинг хизматлари шундаки, у социология фани дастурлари ва усулларини илмий изланишлар воситаси сифатида аниқлай олади. Унинг фикрига кўра социологиянинг предмети-бу ижтимоий ходисаларнинг моҳиятидир. Жамият тўғрисидаги фанлар табиий фанлар методологиясига таяниши керак: олимлар кузатув, қиёслаш, тарихий, генетик усулларни қўллай билиши лозим. Ушбу усуллар ичида тарихий ва қиёсий усуллар кенг тарқалган. Кузатув ва эксперимент усуллари эса XX асрга келиб қўлланила бошланди.

Конт таъкидлашича, жамиятдаги ижтимоий мувофиқлик-бу шахслар ва ижтимоий қатламлар манфаатларининг бир-бирига мослигидир. Контнинг жамиятни яхлит организм сифатида тушуниши, меҳнатнинг ижтимоий адолат асосида тақсимланиши, ижтимоий барқарорлик шартлари ва омиллари, турли гуруҳ ва қатламлар манфатларини мослаштиришда давлат ва шахсларининг ўрни тўғрисидаги фикрлари бугунги кунга ҳам муҳимдир.

Герберт Спенсер (1820-1903) - инглиз социологи, либерал индивидуализмнинг намоёндаси. Унинг “Асосий манбалари” (1862), “Социологиянинг яратилиши” (1876-1896), “Социология тадқиқот предмети сифатида”, “Этиканинг яратилиши” (1870-1873) асарлари социология тарихида муҳим ўрин туради.

Спенсер Конт изидан бориб, социология фанига ўзгариб турувчанлик ва “бир маромдаги” эволюционизм ғоясини киритди. Эволюция-бу оддий нарса ва кучларнинг оддий кўпайиш ёки камайишга олиб келувчи, ҳақиқий рақамли, сакраш ва танаффуслар кетма-кетлигидан маҳрум бўлган жараёндир. Спенсер таъкидлашича, исталган тизимнинг амал қилиш тарзи, ижтимоий организмнинг меъёрий ҳолати мувозанатидан иборатдир.

Спенсер фикрича, исталган объектнинг эволюцияси алоқасизликдан алоқадорликка, бир тоифаликдан ҳар хил тоифаликкача, ноаниқликдан аниқликкача бўлган даврни ўз ичига олади. Мувозанатнинг бузилиши асносида янги эволюцион жараёнга ўтувчи инқироз бошланади. Хамма воқеа ва ҳодисалар мана шу инқироз ва тараққиёт цикли орқали юз беради.

Спенсер фикрига кўра, социологиянинг вазифаси-бу алоҳида шахсларнинг хоҳиш ва интилишлари, уларнинг индивидуал жиҳатлари ва субъектив фикр-ўйларига қарамасдан амалга ошувчи эволюцион жараёнларнинг умумий қонуниятларини очиқ берувчи, ижтимоий мавжудликлар, омилларни ўрганишдан иборатдир.

Спенсер XIX аср социологлари ичида биринчи бўлиб ижтимоий тизим, ижтимоий институт, ижтимоий назорат атамаларини киритди. Ижтимоий институтлар инсонни жамоавий ҳаракатга кириша оладиган ижтимоий мавжудотга айланишини таъминлайди.

Спенсер ижтимоий тараққиёт таъсири остида ижтимоий институтларни бир неча турга бўлади:

- оила эволюцияси босқичларини ишлаб чиқувчи, оилавий муносабатлар ўзгаришини тадқиқ этувчи институтлар;

- урф-одат, анъана, ахлоў орқали инсонларнинг кундалик ҳаракатини бошқаришга йўналтирилган институтлар;

- жамият ҳамжиҳатлиги ва эътиқодий бирлигига таъсир этувчи диний институтлар;

- меҳнат тақсимланиши асосида келиб чиқувчи касб-ҳунар институтлари.

Спенсернинг эволюция концепцияси унинг социологик қарашларига, яъни жамиятнинг органик назарияси деб аталувчи қарашларига асос бўлган. Бу назариянинг хусусияти ижтимоий ҳаётни биологик терминлари асосида таҳлил қилишга уринишдан иборат эди.

Француз социологи **Эмиль Дюркгейм** (1858-1917) ҳам социология фанининг ривожига катта ҳисса қўшди. Контнинг давомчиси, Сорбонна университети профессори Дюркгейм фикрича социология жамиятни алоҳида руҳий реаллик сифатида ўрганиши лозим, чунки бу реаллик қонунлари индивидуал психика қонунларидан фарқ қилади. Хар қандай жамият умумқимматга эга бўлган коллектив тасаввурларга асосланади; олим ижтимоий омиллар, яъни коллектив тасаввурлар (ахлоқ, ҳуқуқ, дин, ҳиссиёт, одат ва ҳ) билан иш кўради, бу тасаввурларни ижтимоий муҳит инсон онгига жо қилади. Дюркгейм ижтимоий тараққиётни уч омилга: аҳоли зичлиги, алоқа йўллари ривожлантириш, коллектив онгга боғлаб изоҳлайди. Хар қандай жамиятни ижтимоий ҳамжиҳатлик билан характерлайди. Ибтидоий жамиятда ҳамжиҳатлик “механистик” бўлиб қон-қардошликка асосланади, ҳозирги дунёда эса ҳамжиҳатлик “узвий” бўлиб, меҳнат тақсимотига асосланади, деб ҳисоблайди.

Дюркгейм динни ижтимоий ҳаётнинг муҳим моменти, деб билади. Одамлар яшаб турар экан, дин ҳам жамиятнинг тараққиёт босқичларига мувофиқ равишда ўз шаклини ўзгартириб боради, деб ҳисоблайди.

Дюркгейм қарашлари асосини “социологизм” ғояси ташкил этади. Француз социологи одамлараро ишончнинг муҳимлигини таъкидлаб, кишилар ягона умумий ғоя атрофида бирлашишлари лозимлигини эътироф этади.

Дюркгейм социологияси қатор асосий вазифаларни ўзида ифодалайди, улар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Дюркгейм социологияни эмпирик ва қонун чиқарувчи фан, деб билади; социологиянинг илмий характери унинг усулларидан келиб чиқади. Ижтимоий далиллар жамият умумий алоқасининг маҳсули деб қаралади.

Италиялик **Вильфредо Парето** (1848-1923) ўзининг “Умумий социология тартиби” асари билан социологияга катта ҳисса қўшди. У ҳақиқийлик, ишонччилик ва илмий-эмпирик асосланганликни таъминлай оладиган социологик билимлар тузилиши жараёнларини ишлаб чиқишга интилди. Ижтимоий фанларнинг барчаси позитивизм ғояларига таянади, шунингдек, социологияни ҳуқуқ, иқтисодиёт, дин тарихи ва бошқа ижтимоий фанларнинг синтези деб ҳисоблади.

Парето томонидан ишлаб чиқилган позитив ёндошув концепцияси ўзининг моҳиятига кўра услубиёт хусусиятига эга бўлиб, битта мақсадга, яъни ижтимоий назарий тадқиқотларни мафкуравий моҳиятдан озод қилишга қаратилган эди. Паретонинг социологик тизимида элиталар назарияси муҳим

ўрин тутади. Жамиятнинг социологик тузилишини у икки гуруҳга бўлади: ўқимишли одамлардан иборат элита ҳамда ҳиссиётлар ва иккиланишларда яшовчи, бошқариладиган омма-қуйи қатлам.

Парето фикрича, сиёсий жараён элитанинг ҳокимият тепасига келиши билан боғлиқ, улардан биттаси жамиятни бошқариш имкониятларини йўқотса, унинг ўрнини бошқаси эгаллайди. Элитанинг ўрин алмашиш тартиботи исталган жамиятнинг универсал қонуниятларидан ҳисобланади. Сиёсий элитанинг яшаш қобиляти кичик қатламларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий имкониятларга, ижтимоий бошқариш ҳуқуқини берувчи сиёсий тузумга жамиятнинг нечоғли очиклигига боғлиқ.

ғарб социологларидан бири **Людвиг Гумплович** (1838-1909) социологияни муайян бир тизимга солишга интилди. У Спенсер асослаган биологик тушунчаларга қарши чиқди. Унинг фикрича социологияда биологик тушунчалар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, улар фақат қиёслаш учунгина хизмат қилиши мумкин, ижтимоий воқеликни таҳлил қилиб бера олмайди.

Гумплович «Ирқчилик кураши» (1883й.) ва «Социология асослари» (1885й.) асарларида социологияни тарих фалсафасининг давомчиси, деб ҳисоблади. У полинезияни асосий табиий ижтимоий қонун деб, яъни, аввал кўплаб этник гуруҳлар бўлган, кейинчалик улар йирикроқ жамоаларга бирлашди, деб такидлади.

Гумплович фикрича ижтимоий қонунлар асосига инсониятни қўйиб бўлмайди, инсониятнинг ривожланишини эволюция қонуни билан тушунтириш мумкин эмас, чунки бу ҳолда реал жараёнлар эътибордан четда қолиши мумкин. Эволюция қонунини ҳамма нарсага қўллаш мумкин, лекин у ҳеч нарсани тушунтирмайди, деб билади.

Шунингдек, у ижтимоий эволюцияни ижтимоий манфаатларнинг йўналиши жараёни сифатида «ижтимоий психологик» талқин этишга қарши.

Ижтимоий қонунларни гуруҳлар муносабати ва кишилар ҳамжамиятининг бир-бири билан муносабатига тегишли деб ҳисоблайди. Жамият унинг учун «давлатда шаклланган ижтимоий гуруҳлар, доиралар, синфлар ва қатламларнинг ўзаро муносабатидаги турли-туманликдир».

Гумплович фикрича индукция социология усули ҳисобланади, у социологияни қонунларни билишга қаратилган эмпирик фан деб ҳисоблайди. Унинг эмпирик асоси - тарихий ёки этнологик фактлардир. «Ижтимоий қонунларсиз ҳеч қандай социология бўлиши мумкин эмас.

Гумпловичнинг «Ирқий кураш» асарида «ирқ» сўзининг қўлланилиши англашмовчиликни келтириб чиқарди. Чунки у ирқ деганда этник-биологик таснифни эмас, балки этник, диний, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий бирлик асосида вужудга келадиган гуруҳлар ҳарактерини тушунади.

4. XX асрда АҚШда социологик қарашлар таълимоти ва ривож.

Социологиянинг АҚШдаги ривожланишига **Чарльз Хортон Кули** (1864-1929) катта ҳисса қўшди. Кули рамзий интеракционизм (жамиятнинг моҳиятини шахслараро ўзаро таъсирда, деб ҳисоблаш)нинг асосчиси ҳисобланади. «Инсон

табиати ва ижтимоий тартиби» (1902 й.), «Ижтимоий прогресс» (1918) каби асарларида ўз қарашларини ифодалади. У ижтимоий эволюцияни органик ижтимоий жараён деб ҳисоблади, бунда атроф-муҳитга самарали мослашув функционал хусусий тизимларда жамиятнинг ички тартибини мунтазам дифференциация қилган ҳолда юзага келади. Кули Спенсернинг иқтисодий либерализмда ифодаланган индивидуализминини инкор қилди.

Кули Америка жамиятидаги ижтимоий тенгсизликни таҳлил қилиб, уни 2 га ажратди:

1) табақа - бунда ижтимоий мақом мерос бўлиб қолади;

2) синф - ижтимоий мақом даромад олишдаги рақобат натижасида юзага келади.

Касб -хунар, даромад ва турмушни ушбу табақаланишнинг мезони, деб билди.

Кули инсон табиатини ўзига хос ҳолда тушунди. Инсон табиатни у айрим олинган инсоннинг коммуникацияси натижасида вужудга келади, деб ҳисоблади

Инсон шахсга айланиб, бошқа кишилар билан бўладиган интеракция жараёнида ўз «Мен»ини ривожлантиради деб билди. Шунинг учун у автоном, рационал индивидни инкор қилди.

Индивид ва жамият Кули учун бир-бирини тўлдиради, лекин бир-биридан устун эмас. Хар бир индивид ўз ҳолича ягонадир. Буни америка социологиясининг руҳий-ахлоқий асосларидан келиб чиқиб тушунтириш мумкин. Дюркгейм айтганидек, ижтимоийлик индивиднинг ажралган коллектив онги сифатида эмас, балки индивидларнинг бир-бирига қаратилган хатти-ҳаракати, интеракцияси сифатида мавжуд бўлади. Инсон табиати айни бир пайтда ҳам индивид, ҳам ижтимоийдир. Ушбу концепция замирида америка социологияси учун хос бўлган микро ва макроистикболнинг бирлашуви имкони ётади. Чунки «Мен»нинг ижтимоий генезиси индивидуаллик билан бир қаторда индивиднинг фаоллигини тақозо қилади, гуруҳнинг мақсад ва манфаатларини илгари суради.

Кули «Бирламчи гуруҳлар» назариясини ишлаб чиқди, унинг ижтимоийлашуви, жамият эволюцияси ва интеракциянинг рамзий хусусиятларини аниқлади.

«Бирламчи гуруҳлар» - ихтисослашувсиз тўғридан-тўғри муносабатлар асосида вужудга келадиган кичик гуруҳлар бўлиб, улар - оила, бир ўйиндаги болалар гуруҳи, қўшнилар. «Бирламчи гуруҳлар» ижтимоий генезис жараёнида асосий роль ўйнайди. Ҳозирги пайтда «Иккиламчи гуруҳлар» бирламчи гуруҳнинг аҳамиятини камайтирмоқда

«Иккиламчи гуруҳлар» - кишиларнинг йирик гуруҳлари бўлиб, шахсий бўлмаган муносабатларга асосланади. Хар бир индивид бундай институтларда бутун шахси билан эмас, балки унинг бир қисми билан иштирок этади. Агар «бирламчи гуруҳ» интеракцияси кишиларнинг эмоционал шахсий алоқалари асосида тўсатдан пайдо бўлса, «иккиламчи гуруҳлар» аввалдан белгиланган ишчан муносабатлар орқали шаклланади. Кули таъкидлашича «иккиламчи гуруҳлар» бирламчи гуруҳларга хавф солади.

Микросоциологиянинг яна бир намоёндаси **Жорж Герберт Мид** (1863-1931) бўлиб, унинг фикрича воқелик, табиат, физик предметларни онг, шахс каби ижтимоий ташкил этилган ёки интер субъективдир. Мид табиат бир-биридан мустақил предметлардан ташкил топмагани каби жамият ҳам кўплаб мустақил индивидлардан ташкил топмайди, дейди. Унингча, кишилик жамияти эволюцияси асосан, биргаллашиб ишлаш ҳамда шахсларнинг ўзаро ва предметлар билан бўладиган алоқаси орқали белгиланади. Ушбу эволюция жараёнида кишиларнинг интеллекти ҳозирги даражагача ривожланди. Бу жараён ҳозир ҳам давом этиб бормоқда. Ҳар бир индивид унда иштирок этади, фақат интеракция ва бошқалар билан алоқада «Мен»ини тараққий топтиради. Онг тафаккур ва тасаввур амалиётдагина вужудга келади, ўзгаради. Бу амалиёт эса индивидлар бир-бири, гуруҳлар жамият билан интрекцияда шаклланади. Шу билан бирга у ички тажрибага ҳам эътибор беради ва уни ижтимоий асосланган хатти-ҳаракат, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам Мид ўзини ижтимоий бихевиорист деб ҳисоблайди. Унинг фикрича ҳар қандай психология ижтимоий психология бўлади, чунки одамларнинг онги ва руҳияти ижтимоий ахлоқ ва хатти-ҳаракатдан ажралмасдир.

Руҳ, нутқ, тафаккур, интеллект - ижтимоий ходисалар бўлиб, «мулоҳазалар дунёси», коммуникациялар жараёни уларнинг умумий манбаи ҳисобланади. Унинг воситаси имо-ишорадир. Тафаккур Мид учун индивиднинг ўз-ўзи билан сигнификатив рамзлар ёрдамидаги ички коммуникациясидир. Мид интеракцияни барча иштирокчиларнинг бошқа одамларнинг хатти-ҳаракатларга тайёргарлигини, уларнинг имо-ишораларига ўзларининг муносабати, деб ҳисобланади.

Социометрия. Амалий микросоциология бўлиб, Дж. Морено (1892-1974) унинг ривожига катта ҳисса қўшди.

Социометрия - кичик гуруҳларда шахслараро муносабат таркибини ўрганишдир. Амалий социология, яъни социологияни ривожлантирганлардан бири Дж. Морено (1892-1974) дир. Социометрия эмпирик социологиянинг оддий усуллари ёрдамида кичик гуруҳларда психологик ўзаро муносабатларни ўрганади. У микросоциологиядаги алоҳида йўналиш сифатида С.Ж. Морено мактабидан иборат. АҚШда социометриянинг махсус маркази - Морено институти мавжуд бўлиб, у «Социометрия» журналини нашр этади. Морено ва унинг мухлислари социометрияга кичик гуруҳларни шундай қайта группалаш йўли билан ижтимоий уйғунликка эришиш воситаси, деб қарайдилар, бунинг натижасида гўғ мазкур кичик группаларда бирлашган кишиларнинг истаклари ва хис-туйғулари бирлиги барқарор бўлар эмиш.

Морено ўз қарашларини психотерапиядан келтириб чиқаради. Унинг фикрича психотерапия усуллари уч революцияни вужудга келтиради: **гипноз** (Меслер қўллаганидек), **психоанализ** (Фрейд бўйича) ва психодрама (Морено ишлаб чиққан, театр ўйинларининг таъсири). Терапия ушбу шаклининг драматик таркиби социодрамани вужудга келтиради.

Морено фикрича жамиятда уч ўлчов мавжуд:

1. Ташқи жамият, яъни, барча билиш мумкин бўлган (макроскопик) гуруҳлар;

2. Социометрик матрица, яъни социометрик усуллар билан аниқланадиган микроскопик структуралар;

3. Жамият ва социологик матрицани у ижтимоий воқеликдан фарқ қилади, деб ҳисоблади.

Толкотт Парсонс (1902-1979) АҚШ социологи, функционал мактабнинг асосчиси. Социологияда «умумий назария»ни қидириб топиш Парсонс номи билан боғлиқ, унинг «Социал амалиёт структураси» (1936), «Соф ва амалий социологик назария очерклари» (1949), «Социал система» (1951) ва бошқа асарларида баён этган **«социал амалиёт назарияси»** шундай назариялардан беридир. У структур - функционал таҳлил усулидан фойдаланиб, ижтимоий тизим моделини тузишга интилди, индивидларнинг ўзаро таъсири амалиёти бу тизимнинг бошланғич нуктаси бўлиб ҳисобланади. Парсонс фикрича, абстракт индивидларнинг амалиётидаги мосликни аниқлашга ва уларга жамият томонидан буюрилган ролларнинг бажарилишига ёрдам берадиган ва умум қабул қилган хатти - ҳаракат меъёрларини, стандартларини ўзлаштиришдан, уларни фаолиятнинг ички мотивига айлантиришдан иборат. Парсонсда ғоявий омиллар (аввало ижтимоий онгнинг меъёрий - қимматли структураси) кишиларнинг хатти - ҳаракатини ҳам белгиловчи омил бўлиб юзага чиқади. Парсонс мувоzanатни ижтимоий тизим нормал ҳолатининг энг муҳим белгиси, деб қараб, жамиятни жанжаллар ва кескин ўзгаришлардан сақлаши лозим бўлган бу ҳолатни тартибга солиш жараёнларига, уларни ижтимоий назорат қилиб туриш воситаларига (сиёсий ва ҳуқуқий органларнинг фаолияти, кишиларнинг юриш-туришига теvarак-атрофдагиларнинг муносабати) катта эътибор беради. У эволюционизм ғояларидан фойдаланиб, ижтимоий тизимлар тасвирига уларнинг ўзгаришлари таҳлилини киритишга уринди. Жамиятда содир бўлаётган жараёнларга консерватив муносабатда бўлди. Ўзгаришлар деганда у бир тизимнинг бошқа тизим шаклига киришини эмас, балки тизимнинг мослашувчанлигини кучайтирувчи ички табақаланишни тушунди.

Структуравий функционал таҳлил-тизимли объектларни, аввало ижтимоий тизимларни тадқиқ қилиш усули. Ижтимоий ҳаёт турли шакллариининг структуравий функционал таҳлили ижтимоий тизимларда структураларни ташкил этувчи тизимларни ва уларнинг бир-бирига нисбатан ролини ажратиб кўрсатиш асосида қурилади. Парсонс ва Мертон ўз асарларида умумий антропология доирасида алоҳида услубий йўналиш сифатида шаклланган илк функционализм ғояларини ривожлантирди. Парсонс структур категориялар (қимматлар тизими, ижтимоий меъёрлар, умумиятларнинг турлари ва уларда қатнашувчиларнинг роли) билан функционал категориялар (ўз-ўзини сақлаш, интеграция, мақсадга эришиш ва адаптация) ўртасидаги тафовутни таҳлилга асос қилиб қўяди. У жамиятга идеалистик муносабатда бўлиб, ижтимоий структурани мустаҳкамлайдиган қимматлар ва меъёрлар тизимини ижтимоий муносабатларнинг асосий-тартибга солувчи омили деб қарайди.

Структуравий функционализм ижтимоий тенгсизликни асослаш учун ўзига хос концепцияни илгари суради. Ижтимоий структура ижтимоий тузумнинг эволюцион ривожланишидаги горизонтал ва вертикал дифференциация жараёнининг натижасидир.

XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб «фанда системали ҳаракат» бошланди ва у системанинг умумий назариясини яратиш учун турли фан вакиллари ўзаро бирлаштирди. Бу ҳаракат социологияни ҳам четлаб ўтмади ва унда системали принцип ишлаб чиқиладиган бошланди. Лекин системали йўналиш ғояси, жамиятни системали асосда тадқиқ қилиш илгарироқ амалга оширилган эди.

Системали ва функционал ёндошишлар ғоясини америкалик олим Парсонс ўзининг социал-ҳаракат назариясида ишлаб чиқди. У система тушунчасини ижтимоий яхлитликнинг турли даражасидаги ҳаракатнинг натижаси сифатида қаради. У қандай қилиб яқин ҳаракатлар бир-бирлари билан боғланган ва бу алоқаларни қандай концептуал шаклда намоён қилиш мумкин, деган саволга шундай жавоб беради: «Шахс, маданият ва жамиятнинг системали сифатлари институционаллаш жараёнида намоён бўлади. Ана шу институционализация ўзаро ҳаракатнинг уюшган моделининг кўриниши бўлиб, у социал структурани ташкил этади. Тизим социал ҳаракат интеграция механизмлари фаолият кўрсатиши туфайли мавжуд бўлади.

Функционал усулни такомиллаштирган олим **Роберт Мертон** (1910). У «Социал назария ва социал структура» (1949) асарида функционализмнинг (структур-функционал анализ) асосий қоидаларини бир тизимга солишга уринди. Мертон **функциялар** (кишиларнинг хатти-ҳаракати, унинг ижтимоий яхлитлик учун қулай бўлган объектив оқибатлари) **билан дисфункциялар** (хатти-ҳаракатнинг умум қабул қилган қоидалари, стандартларидан ҳар хил йўл билан четга чиқиш, тизимнинг бирлиги ва яхлитлигини бузадиган низолар ва ш.к.) ўртасида тафовут жорий қилади. Мертон кишилар фаолиятининг беғараз оқибатларини (пинҳон функциялар) аниқлашни социологик анализнинг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди.

«Четга чикувчи хатти-ҳаракатни менсимаслик ёки унга фақат «номатлуб» нарса деб баҳо бериш, Мертон фикрича шунга олиб келадиги, ижтимоий ҳаётнинг ўзгаришлари, динамикаси социологнинг назаридан тушиб қолади. Мертон ҳам «четга чиқишлар»ни кўпинча ахлоқий психологик, руҳий-қадрият йўсинидаги ходисалар жумласига киритади, уларни ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан ажратиб қўяди. Мертон функционализмнинг услубий томонига катта эътибор бериб, социологиядаги сийқа эмпиризмни танқид қилади ва эмпирик тадқиқотларни назария билан қўшиш тарафдори бўлиб майдонга чиқади. Бироқ назария деганда у асосан «ўрта даража» назарияларни кўзда тутди. «Ўрта даража» назариялари эмпирик ишчи гипотезалари билан умумий қамраб олувчи назариялар орасида ўрин олган. «Ўрта даража» назарияларининг асосий тушунчалари-охирги гуруҳлар, аномия ва бюрократиядир.

Ўз-ўзини текшириш учун муаммоли саволлар:

1. Социология фанининг бошқа ижтимоий фанлардан фарқи.
2. Социология фанининг назарий-амалий манбалари.
3. Қадим Туронда ижтимоий қарашлар.
4. Социологиянинг фан сифатида шаклланишидаги шарт-шароит.

5. Шарқдаги ижтимоий-социологик қарашларнинг ғарбий Оврупадаги социологик қарашлардан фарқи.
6. О. Конт социологияси.
7. Спенсернинг социологик таълимоти.
8. Э. Дюркгейм ва Л. Гумпловичнинг социология фани ривожига кўшган хиссаси.
9. Ч. Х. Кули интеракционизми.
10. Т. Парсонс таълимоти.

**3 – мавзу: Жамият динамик тизим сифатида.
Ижтимоий стратификация.
(2 соат)**

Режа:

1. Жамият ва тизим тушунчаси. Жамият ва тараққиёт тўғрисида ривожланиш назариялари.
2. Жамиятларнинг турлари.
3. Ижтимоий стратификация тушунчаси ва турлари.

Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар: Жамиятнинг динамик тизим эканлиги, анъанавий ва замонавий жамиятлар характеристикаси, жамоа ва унинг жамият билан муносабати, жамиятларни яшаш учун зарур восита олиш усулига кўра тадқиқ этиш, жамият ҳақидаги ривожланиш назариялари, ижтимоий стратификация тушунчаси ва унинг моҳияти, Ўзбекистондаги ижтимоий қатламлар.

Мавзуга доир таянч сўз ва иборалар: Жамият, жамоа, динамик тизим, анъанавий ва замонавий жамиятлар, постиндустриал жамият, ижтимоий стратификация, табақалар, тоифалар.

Адабиётлар:

1. Жамият ва тизим тушунчаси. Жамият ва тараққиёт тўғрисида ривожланиш назариялари.

Замонавий социологиянинг диққат марказида жамият тушунчаси туради. У мамлакатнинг ижтимоий ташкил этилишини характерлайди. Социолог Н. Смелзер жамият ҳақида шундай дейди: «Муайян географик чегара, умумий қонунчилик тизими ва муайян миллий (ижтимоий-маданий) тенгликка эга бўлган кишилар бирлашмаси жамият ҳисобланади».

Социологияда жамият анъанавий ва замонавий жамиятга ажратиб ўрганилади.

Анъанавий жамият қуйидаги хусусиятларга эга:

- 1) меҳнат табиий тақсимланади ва ихтисослашади (асосан, ёш ва жинс белгиларига кўра);
- 2) шахслараро муносабат бевосита индивидлар орқали намоён бўлади;
- 3) ўзаро алоқалар норасмий равишда тартибга солинади, (дин ва ахлоқ қонунлари ёрдамида);
- 4) жамият аъзолари қариндошчилик алоқалари билан боғлиқ бўлади;
- 5) ҳамжамият оддий бошқарув тизимига эга (ҳокимиятнинг мерос бўлиб қолиши, оқсоқоллар бошқаруви).

Кўриниб турибдики, анъанавий жамиятда инсоннинг яратувчилик, моддий қобилияти анча чекланган эди. Чунки анъанавий жамиятда меҳнатнинг табиий тақсимланиши ва ихтисослашуви, шахслараро муносабатларнинг

табақалашуви, ижтимоий алоқалар ва муносабатларни норасмий мувофиқлаштириш, жамият аъзоларининг бир-бирига тобелик, уруғчилик ва қон-қариндошлик муносабатлари билан боғлиқлиги, бошқарувдаги примитив тизимлар имтиғзсиз жамият аъзоларининг фаоллигини чеклаб қўйган бўлиб, бу ҳолат шахснинг ижодий фаолият кўрсатиш ва фикр юритишини ривожлантиришга йўл бермас, ўзаро муносабатларнинг эса биқик бўлишини тақозо этарди.

Анъанавий жамият каби замонавий жамият ҳам бир қатор хусусиятларга эгадир:

- 1) ўзаро таъсир расмий характерга эга (кишиларнинг хулқ-атвори ва интилишлари ижтимоий мақом ва индивидларнинг ижтимоий функциялари билан белгиланади);
- 2) меҳнат тақсимооти чуқур амалга ошади (таълим ва иш тажрибаси билан боғлиқ касб-малака асосида);
- 3) муносабатлар расмий тизимда тартибга солинади (қонун, тартиб, битимлар асосида);
- 4) ижтимоий бошқарув мураккаб тизимга эга (бошқарув институти, бошқаришнинг махсус органлари);
- 5) дин бошқарув тизимидан ажралган ;
- 6) кўплаб ижтимоий институтлар мавжуд.

Демак, ҳозирги пайтда **жамият** кишилараро муносабатларнинг расмийлашувига олиб келувчи ижтимоий алоқалар тизимининг мураккаблашуви билан характерланувчи ижтимоий ташкилотнинг замонавий шаклидир. Умуман олганда, шахслараро муносабат ва ҳис-туйғуларнинг боғланиши жамиятни ифодалайди.

Жамият тушунчасига атрофлича ёндошув «жамоа» ва «ҳамжамият» (ижтимоий гуруҳ) тушунчаларига тўхталишни тақозо этади.

Жамоа - бу анъанавий жамиятдир. Жамоа ва жамият ўртасидаги алоқалар асосида 3 гипотеза ётади:

- эволюцион ўсиб ўтиш (жамоа ривожланиб, мураккаблашиб, жамиятга айланади);
- интеграциявий қўшилув (турли даражада бўлган тизимларнинг ўзаро таъсирида архаик ижтимоий ташкилот замонавийлашиб боради);
- параллель бирга мавжуд бўлиш (турли-туман жамоалар интеграциялашмайди, балки ўз хусусиятларини сақлаган ҳолда замонавий жамият таркибида алоҳида-алоҳида бўлади).

Демак, **жамоа** уруғчилик алоқалари асосида вужудга келган ва ижтимоий муносабатларнинг бевосита тури билан характерланувчи ижтимоий ташкилотнинг дастлабки шаклидир.

«Жамият» тушунчаси (Э.Шилзга кўра) ни агар у қуйидаги талабларга жавоб берса, кишилар бирлашмасига нисбатан қўллаш мумкин:

- 1) бирлашма катта бир тизим (жамият) нинг бир қисми бўлмаса;
- 2) никоҳ ушбу бирлашма намояндалари орасида тузилса;
- 3) бирлашма болалар туғилиши билан тўлдириб борилса;
- 4) шахсий ҳисобланган ҳудудга эгалик қилинганда;

- 5) ўз номи ва тарихига эга бўлиш;
- 6) ўз бошқарув тизимига эга бўлиш;
- 7) бирлашма кадриятларнинг умумий тизими (урф-одат, анъана меъёрлар, қонун-қоидалар) - маданият асосида ташкил топади.

Социология жамиятни тизим сифатида унинг структураси, функциялари ва тизими элементларини ўрганади. Жамиятга нисбатан тизимли муносабатнинг моҳиятини аниқлаш учун, аввало, тизим нима эканлигига тўхталишимиз керак.

Тизим - ўзаро бир-бири билан боғлиқ ва функционал муносабатлар ҳамда алоқаларда бўлган элементларнинг бир бутун мажмуидир.

Ижтимоий тизим - ўз ичига айрим индивидлар, гуруҳлар, ташкилотлар, институтлар, ҳамжамятларнинг ижтимоий алоқа ва муносабатларда бирлашган, тартибга солинган бир бутунликдир.

Тизимларнинг умумий назариясида (Л. фон. Бергаланфига кўра) жамият мураккаб, бир бутун ташкил этилган тизим сифатида талқин қилинади.

Социологияда, одатда, ижтимоий тизим 4 аспектда ўрганилади:

- 1) индивидларнинг ўзаро таъсири;
- 2) гуруҳларнинг ўзаро таъсири;
- 3) ижтимоий мақомлар иерархияси;
- 4) индивидлар хулқ-атворини белгилайдиган ижтимоий меъёр ва кадриятларнинг мажмуи.

Ижтимоий тизим динамикаси. Тизимнинг тинч ҳолатини баён қилиш у ҳақда тўла маълумот бермайди. Тизим динамикаси унга йўналиши, хусусиятларининг ўзгариш суръати, шунингдек, ривожланиш тенденцияларини ўрганишни тақозо қилади. Тизимларнинг турли-туманлиги, тўғри чизиқли ва тўғри чизиқли бўлмаган динамик тизимлар, ривожланиш манбаи ҳамда ҳаракатлантирувчи кучлари тизимли динамиканинг тадқиқот предмети ҳисобланади.

Демак, ижтимоий тизим динамикаси тушунчаси ижтимоий воқеликни ўрганишдаги турли муносабатларни ифодалайди. Ижтимоий тизим динамикаси воқелик ўзгаришидаги жараёнларни, уларнинг боғлиқлиги, йўналиши ва оқибатларини ўрганади. Унинг доирасида бу ўзгаришларга таъсир қилувчи омиллар, ижтимоий муносабатларга индивидларнинг мослашиш қонуниятлари киради.

Табиатшуносликда динамик тизим деганда, тизимнинг ҳолатини аниқлаш мумкин бўлган ҳар қандай объект ёки жараён тушунилади.

Динамик тизимлар тўғри чизиқли ёки циклли бўлади.

Тўғри чизиқли динамик тизим ҳатти-ҳаракати бир жойда турадиган нарса атрофида (масалан, маятникнинг тебраниши) бўлади, у вақтга боғлиқ эмас.

Тўғри чизиқли бўлмаган тизим барқарор ва беқарор стационар ҳолатга эга. Барқарор стационар ҳолат тизимнинг ўзига хос, беқарор стационар ҳолат тизимдаги ўзгаришларни кўрсатади.

Тўғри чизиқли бўлмаган тизим тушунчаси кўп вариантликни, тараққиётни ва орқага қайтмасликни ўз ичига олади.

Жамият ривожининг асосий манбаи кишиларнинг хатти-ҳаракатида мужассамланган энергиядир. У жамиятнинг институционал ва маданий тизимида ўзгаришларга сабаб бўлади. Бу ўзгаришлар ички ўз-ўзини тартибга солиш ва назорат қилиш механизми ёрдамида амалга оширилади.

Мураккаб тизимларда эволюция ва инволюция, интеграция ва дезинтеграция намоён бўлади. Масалан, қадимги цивилизациялар асрлар давомида гуллаб-яшнади ва ҳалокатга учради. А. Тойнби сўнгги 3000 йил ичида бўлган 21 цивилизацияни ўрганиб, ўртача прогрессив тараққиёт ўртача регрессив тараққиётга ўтишни кўрсатади. Цивилизациялар, уларнинг ривожланиши, инқирози тўхтовсиз ва тўпланиб борадиган тарзда намоён бўлади.

2. Жамиятларнинг турлари

Барча жамиятлар турли нуқтаи назарлардан келиб чиқиб, бир неча турларга бўлинади. Масалан, марксистик анъана бўйича жамият ишлаб чиқариш усулига қараб турларга бўлинади, яъни ибтидоий жамоа тузуми, кулдорлик, феодал, капиталистик ва коммунистик тузумлар.

Жамиятни таснифлаш ундаги ҳукмрон динлар (масалан, ислом жамияти), ёки тилига кўра (инглиз тилида ёки француз тилида сўзлашувчи жамият) амалга оширилиши мумкин.

1970 йил Г. Ленски ва Дж. Ленскилар жамиятни яшаш учун зарур восита олиш усулига кўра тасниф қилади:

а) **овчилик ва йиғиш билан шуғулланувчи жамият**. Бундай жамиятлар (асосан, Африка қабилалари, Австралия аборигенлари) да ижтимоий ҳаёт қариндошчилик алоқаларига асосланади. Уларда сиёсий структура деярли йўқ, жамоага оқсоқол, йўлбошчи бош бўлади. Меҳнат қуроллари тошболта, пичоқлар.

б) **боғбончилик билан шуғулланувчи жамиятлар**, дастлаб, яқин шарқда вужудга келди, кейин Хитойдан Европагача ёйилди. Меҳнат қуроллари – омов, оддий буюмлар. Сиёсий структура икки, баъзан тўрт ижтимоий қатламдан иборат. Уруғчилик алоқалари ижтимоий структуранинг асосини ташкил этади. Уруғ жамоаси ўзига хос қоида асосида никоҳ муносабатларини тартибга солади.

в) **аграр жамиятлар** даставвал Мисрда ташкил топди, улар омов ва ҳайвонлардан ишчи кучи сифатида фойдаланишни йўлга қўйдилар. Уларнинг ишлаб чиқаришдаги маҳсулдорлиги ҳам юқори бўлган. Аграр жамиятда қўшимча маҳсулотнинг тўпланиши натижасида давлат вужудга келди, маъмурий аппарат ва армия ташкил топди. ёзув кашф қилинди, пул тизими шаклланди, савдо кенгайди. Нисбатан мураккаб сиёсий ташкилотлар таркиб топди, уруғ алоқалари жамият ижтимоий структурасининг асоси бўлмай қолди. Шундай бўлса, уруғчилик муносабатлари сиёсий ҳаётда муҳим роль ўйнади: фуқаролик ва ҳарбий амаллар отадан мерос бўлиб қоларди.

г) **саноат (индустриал) жамиятлари**. XVIII аср охиридагина Буюк Британияда индустриализациянинг вужудга келиши натижасида барпо бўлди. Энг замонавий саноат жамиятлари Шимолий Америка, Европа, Шарқий Осиёда

ташқил топди. Технологиянинг такомиллашувчи, энергиянинг янги манбаларидан фойдаланиш саноат жамиятлари ривожланишида асосий роль ўйнади. Саноат ишлаб чиқариши ушбу жараёни бошқариш учун зарур бўлган илмий билимларнинг қўлланилиши билан боғлиқ; инсон ва ҳайвоннинг иш кучи ўрнига иссиқлик энергиясидан (аввал тош кўмирни ёқиш орқали), кейинчалик электр ва атом энергиясидан фойдаланилади.

XX асрга келиб энг такомиллашган ва замонавий кишилик бирликлари фуқаролик жамияти, деб атала бошланди.

Фуқаролик жамияти шахс учун кенг имкониятлар яратиб, унда ҳар бир шахс бошқалар билан бирлашиши ёки бошқалар билан ҳамкорликда фаолият кўрсата олиши мумкин. Фуқаролик жамияти шу тарзда инсон улуғворлигини юксакликка кўтаради. Фуқаролик жамиятининг барқарорлигини таъминловчи шарт-шароитлар ҳам борки, уларсиз бу жамиятнинг институтлари ривожланмайди. Булар жумласига жамиятдаги ижтимоий қатламларнинг турлича манфаатларини ифода этувчи ривожланган ижтимоий структуралар мавжуд бўлиши лозимлиги киради. Қолаверса, жамият аъзоларининг тўла мустақиллиги билан фаолият кўрсата олиш қобилияти, уларнинг энг ривожланган даражадаги, интеллектуал, руҳий жиҳатлардан юксалиши содир бўлиши ҳам тақозо қилинади. Кўриниб турибдики, демократик жамиятнинг асосини ўз-ўзини бошқариш ва жамият ташкилотлари ўзаро муносабатларининг мажмуаси ташқил қилинади.

Фуқаролик жамиятида давлат ва ҳукуматнинг алоҳида ўз вазифалари, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўз вазифалари ҳам бўладики, улар бири-бирини тўлдириб, юксак ривожланган демократик жамиятнинг яшовчанлигини таъминлайди. Давлатнинг ҳам, нодавлат ташкилотларининг ҳам ўз ҳаракат доирасини ўзлари учун белгиланган фаолияти у ёки бу томонга озгина ўзгарганда ҳам бундай ижтимоий-сиёсий мувозанатлар бузилиб, демократик меъёрдан чекиниш ёхуд четга чиқиб кетиши рўй бериши мумкинлигини асримизнинг сўнгги даврдаги ривожланиш амалиёти кўрсатди.

3. Ижтимоий стратификация тушунчаси ва турлари.

Ижтимоий тенгсизликни тушунтириш учун ижтимоий социологияда стратификация атамаси ишлатилади. Стратификация сўзи геология соҳасидан олинган бўлиб, “қатлам” деган маънони англатади. Ушбу атамани фанга америкалик социолог Питирим Сорокин киритган.

Ижтимоий стратификация ижтимоий қатламни тартибга солишни ва муайян бир мезон (ҳокимият, бойлик, касбий, сулолавий ва ҳ.) га кўра табақалаш, таснифлашни англатади.

Жамият таркибида синфлар, ижтимоий гуруҳларнинг бўлиши, турли хил табақалар тузиш, миллат ва тоифаларга ажратиш ҳамда шу орқали бошқариш тажрибаси инсоният тарихидан маълум. Қадим Туронда аҳоли уруғ-қабилавий келиб-чиқиши, касбий мансублиги, диний-эътиқодий қарашлари, сулолавий келиб чиқишига қараб тасниф этилган. Бу эса ҳар бир ижтимоий гуруҳнинг ижтимоий-сиёсий ўрни ва ролини объектив белгилашга, улардан самарали фойдаланишга ва сиёсий бошқаришга имкон берган.

Жамиятнинг ривожланиши билан бирга уни ўрганиш тамойиллари ҳам ўзгариб боради. Совет тузуми даврида ижтимоий тараққиётнинг сабабини синфий курашда деб ҳисобланганлиги сабабли жамиятдаги муаммоларга умумий нуқтаи назардан ёндошилган. Ижтимоий гуруҳлардан табиий амал қилиш ҳолати бўлган муаммо ва зиддиятларнинг синфлараро зиддиятларга кўчиши, зиддиятларнинг ижтимоийлашуви, синфлараро, давлатлараро урушларга олиб келган. Бундай ёндошув кишиларнинг воқеликнинг ўзгариш моҳиятини билишга имкон бермасдан, ижтимоий мулкка нисбатан юлғичлик, боқимандалик кайфиятини таркиб топтирди.

Стратификация кишилар орасидаги маълум ижтимоий тафовут иерархик кўринишда бўлишини билдиради. Булар қандай тафовутлар? Маълумки, одамлар бир-биридан кўп жиҳатлари билан фарқ қиладилар, лекин бу тафовутларнинг ҳаммаси ҳам жамият аъзолари ўртасида тенгсизликни келтириб чиқармайди. Тенгсизлик энг умумий кўринишда моддий ва маънавий ресурслардан бир хилда фойдалана ололмасликларини кўрсатади.

Ижтимоий стратификация масаласини таҳлил қилишни айрим олинган бир шахсни бошқа кишилар даврасидаги ўрнини ўрганишдан бошлаш керак. Хар қандай одам жамиятда кўплаб мавқеларга эга бўлиши мумкин. Мисол тариқасида студентни кўрамиз: студент, ёш йигит, ўғил, спортсмен. Бу мавқеларнинг хар бири одамнинг ўзи учун қандайдир бир аҳамиятга эга. Атрофдагилар ҳам уларни конкрет индивидга нисбатан турлича баҳолашлари мумкин. Яхши спортсменни ижтимоий жиҳатдан атрофдагилар худди шу мавқеига кўра баҳолайдилар. Унинг студент ва кимнингдир ўғли эканлиги ва бошқалар, атрофдагилар учун аҳамиятли эмас.

Стратификация назариясида доимо тенглик - тенгсизлик муаммоси муҳокама этилади. Тенглик тушунчасини қуйидагича тасниф этиш мумкин:

- 1) шахслар тенглиги;
- 2) имкониятлар тенглиги;
- 3) яшаш учун шароитлар тенглиги;
- 4) натижалар тенглиги.

Шунга мувофиқ равишда тенгсизликни а) шахслар тенгсизлиги; б) имкониятлар тенгсизлиги; в) яшаш шароитлари тенгсизлиги; г) натижалар тенгсизлиги кўринишида таснифлаймиз. Амалиётда социологиялар даромадлар ва фаровонликнинг тақсимланишига, таълимнинг давомийлиги ва сифатидаги тафовутга, хокимият структурасида сиёсий ҳаётда иштирок этишга, мулк эгаси бўлишига катта эътибор берадилар.

Хар қандай тараққиёт табиий равишда, бир томондан, шахснинг индивидуаллашув жараёнларини, ўзликка уйғунлашув ҳолатларини кучайтириб, шахсларнинг якка тарзда алоҳида фаолият билан машғуллик даражаларини оширса, иккинчи жиҳатдан, жамият аъзоларининг мулк, касб, ирқ, миллат, жинс, ҳудуд, майл, мақсадлар, дидлар асосида табақаланиш жараёнларига кучли туртки беради. Шу боисдан ҳам страталар кўплиги жамиятнинг ўз-ўзини ички бошқаруви маҳсули ва цивилизация жараёнларининг табиий ифодасидир.

Ижтимоий ўзгарувчанлик қуйидагича турланади:

1. Репродуктив.
2. Статусли — хизмат пиллапояларидан юксалиш, ҳаёт даражаларининг фаровонлашуви.
3. Худудий — қишлоқдан шаҳарга, давлатдан давлатга кўчишлар.
4. Маънавий қадриятлар, фикрлар, тушунчалар, гоёлар, ҳис-туйғуларнинг ўзгариши.
5. Жамиятнинг сиёсий-ижтимоий идора этилиши моҳиятига кўра ўзгаришлар.
6. Илмий-техникавий ўзгаришлар. Устувор тараққиёт мезони сифатида юксак технологиялар, информацион бошқарув соҳаларининг тобора мустаҳкамроқ ўрин тута бошлаши.

Страталарни ўрганиш халқимиз таркибидаги ранг-барангликни аниқлаш имконини беради, зеро, ўз тарихини авлод-аждодлари китобига киритган, шажаравий тизимни ёзиш анъаналари соҳиблари — саййидлар, эшонлар, сўфийлар, подшоҳзодалар, хўжалар умуман олганда, миллатимиз ўтмишини ҳам акс эттирганлар. Халқимиз ўз страталарини ҳимоя қилиб ҳам келган, зеро, бу ҳимоя нафақат қавмлар, шаклланган касб ва ижтимоий гуруҳлар мавқеини муҳофаза этиш шаклларида, балки ахлоқий ёндошувлар тизимини, турмуш тарзи яхлитлигини, халқ урф-одат ва анъаналарини сақлаш учун кураш лавҳаларида ҳам намоён бўлиб келган. Масалан, ўзбек халқи бутун яхлитлигича эркаклар ва аёллар стратасига бўлинади. Ўзбек аёллари ўзбек эркакларидан бир макон ва бир замонда истиқомат қилишларидан қатъий назар, турмуш тарзи, фаолият йўналишлари, эстетик қарашлари ва урф-одатларига кўра маълум даражада ажралиб турадиларлар.

Ўзбек халқи страталарининг таркиби ва тизими таҳлили этно-регионал хусусиятларни ҳам ҳисобга олади. Маълумки, ўзбек халқи тарихан шаклланган 92 уруғ-этноэлемент маҳсулидир. Бу этно — тасниф таркибидаги ҳар бир уруғ, хоҳ у манғит бўлсин, хоҳ у барлос бўлсин, ёки кўнғирот, ёвмит бўлсин, алоҳида стратификацион тадқиқот талаб этувчи этник бирликлардир. Мазкур уруғларнинг ижтимоий-тарихий ўрни таҳлил этилганда, унинг нафақат ўзбек халқи этногенезисини ўрганишдаги аҳамияти ойдинлашади, балки унинг умумтуркий макроэтносида тутган тарихий ўрни ва ижтимоий мавқеи юзага чиқади.

Ўзбекистонда кенг тармоқли яхлит стратификацион тадқиқот ишларини амалга ошириш зарурияти ва долзарблиги бугунги кунда ўзбек халқи миллий ўзлигини тўғри идрок этиш, миллий менталитет имкониятларидан самаралироқ фойдаланишга йўл очади. Ўзбекистон ижтимоий жараёнлар таркиби ва тизимини характерловчи стратификацион тизимлар типини ажратиш кўрсатиш мумкин. Улар қуйидагилар:

- ижтимоий-касбий таснифга кўра типлар;
- қавм-сулолавий асосларга кўра типлар;
- маданий-эстетик даражаларга кўра типлар;
- ёш даврларига кура типлар;
- жинсий таснифга кура типлар;
- этно — худудий типлар; -

диний — конфессионал типлар;
партиявий ва эътиқодий фарқларга кўра типлар;
уруғ-қабилавий типлар;
муайян манфаатлар доирасида уюшган корпоратив типлар;
ҳуқуқбузарликка мойилликка кўра типлар;
маданий-рамзий интилишларга, қизиқишларга кўра аҳоли типлари.

Ўзбекистондаги ижтимоий стратификация жараёнларни ўрганишда конкрет социологик тадқиқот методлари, хусусан, анкета, интервью, тест, ҳужжатларни ўрганиш усулларига реал ҳолатлар тақозоси асосида ёндашилади ва улар орқали олинган бирламчи маълумотлар контент-анализ усулида қайта ишланади. Шунингдек, тадқиқот давомида илмий-амалий экспедициялар уюштириш, ҳудудларнинг обрўли кишиларидан иборат экспертлар гуруҳи фикрларини тўплаш, Давлат статистика қўмитаси манбаларидан фойдаланиш ҳам кўзда тутилади.

Жамиятдаги ижтимоий табақаларни ўрганишнинг асосий тамойиллари мавжуд бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- тадқиқот давомида ижтимоий страталарга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уларнинг ижтимоий таркиб ва тузумдаги ўрни ва мавқеини ҳурмат қилиш;

- страталар ижтимоий статикаси ва динамикаси жараёнларини илмий баҳолашда тизимий ва яхлит ёндашиш;

- Ўзбекистондаги ижтимоий страталарнинг миллий менталитети, ҳудудий хусусиятларини алоҳида эътиборга олиш;

- ижтимоий страталар таркиб топишига сезиларли таъсир ўтказувчи сиёсий-иқтисодий, ижтимоий, диний-конфессионал, мафкуравий омилларни ўрганиш;

- ижтимоий страталар таснифини тузишда қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланиш.

Жамиятдаги ижтимоий страталар моҳиятини ўрганиш, пировард натижада “турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос орзу-интилишларини уйғунлаштирувчи ғоя – Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, барча юртдошларимиз учун муқаддас мақсадга айланишига” назарий жиҳатдан кўмак беради.

Ўз-ўзини текшириш учун муаммоли саволлар:

1. Жамият ва ижтимоий динамик тизим.
2. Жамият ва тараққиёт ҳақидаги рифожланиш назариялари.
3. Анъанавий ва замонавий жамиятнинг хусусиятлари.
4. Жамиятнинг турлари.
5. Ижтимоий стратификация тушунчаси.
6. Ижтимоий стратификация турлари.
7. Страталарни ўрганишнинг аҳамияти.

8. Ўзбек халқ страталарининг таркиби.

9. Жамиятда ижтимоий табақаларни ўрганиш тамойиллари.

4 – мавзу: Индивидлар ва гуруҳлараро ижтимоий муносабатлар ҳамда алоқалар (2 соат)

Режа:

1. Ижтимоий алоқалар ва муносабатлар.
2. Шахслараро ўзаро таъсир назарияси. Низолар.
3. Ижтимоий гуруҳдаги ўзаро таъсир турлари ва хусусиятлари.
4. Ижтимоий ҳаракатлар.

Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар: Ижтимоийлашув, ижтимоий алоқа ва муносабатлар, шахслараро ўзаро таъсир назариялари, ижтимоий фаолиятнинг кенг тарқалган шакли бўлган низолар ва уларнинг турлари, ижтимоий гуруҳларда вужудга келадиган ўзаро таъсир турлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий ҳаракатлар ва ижтимоий бетинчлик.

Мавзуга доир таянч сўз ва иборалар: Ижтимоийлашув, ижтимоий алоқалар ва муносабатлар, интеракция, конформлик, суггестия, алмашув нвзврияси, кадрият вазияти, қўллаб-қувватлаш вазияти, низолар, реалистик ва нореалистик низолар, жамоатчилик фикри.

Адабиётлар: 1,3,4,5,6,7,10 (5,6,10,14,15,29)

1. Ижтимоий алоқалар ва муносабатлар.

Ижтимоий алоқа ва муносабатлар шахснинг ижтимоийлашувини тақозо этади.

Ижтимоий муҳит таъсирида шахс шаклланиб борар экан, шу жараёни тавсифлаш учун “ижтимоийлашув” тушунчаси ишлатилади. Дастлаб бу тушунча фанда XIX асрнинг охирида пайдо бўлди. “Ижтимоийлашув” деганда шахснинг ўз ҳаёти мобайнида ўзи мансуб бўлган жамиятнинг ижтимоий меъёрлари ва маданий кадриятларини ўзлаштириш жараёни тушунилади. “Ижтимоийлашув” тушунчаси “шахсни тарбиялаш”, “шахсни шакллантириш” тушунчалари билан боғлиқ, бироқ у кенгроқ бўлиб, инсонга қаратилган барча таъсирларни қамраб олади.

Ижтимоийлашув жараёнидаги ижтимоий муносабатларни таҳлил қилиш 2 – рухий ва мантикий аспектга эга. Хар қандай ижтимоий ўзаро таъсирни шу 2 нуқтаи назардан ўрганиш мумкин бўлгани учун, таҳлил қилишни ижтимоий

ўзаро муносабатларнинг энг умумий ва фундаментал шаклларида бошлаб, ундан махсус – иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзаро таъсирнинг бошқа шаклларига ўтиш мақсадга мувофиқ.

Ижтимоий ўзаро таъсирни социологик нуқтаи назардан тадқиқ этишнинг 2 асосий даражаси мавжуд: микродаража ва макродаража. Кишиларнинг бири-бири билан ўзаро таъсири, кичик гуруҳлараро ўзаро алоқалар ва интеракция **микродаражада** ўрганилади.

Ижтимоий алоқаларнинг **макродаражаси** ўз ичига йирик ижтимоий структураларни, жамиятнинг асосий институтлари дин, оила, иқтисодиётни олади.

Одамларнинг бири-бири билан боғлиқ бўлиши натижасида ижтимоий ҳаёт вужудга келади.

Ижтимоий алоқа – одамларнинг ижтимоий таъсири орқали амалга ошириладиган боғлиқлиги бўлиб, у одамнинг бошқалардан худди шундай муносабатни кутишига асосланади. Ижтимоий алоқа қуйидагиларни ўз ичига олади:

- алоқа субъектлари (иккита ёки минглаб бўлиши мумкин);
- алоқа предмети (нима сабабдан алоқа амалга ошириляпти);
- ўзаро муносабатларни тартибга солиш механизми.

Ижтимоий алоқа қуйида кўринишда бўлади:

а) ижтимоий контакт (одамлар орасидаги алоқа юзаки, тез ўтиб кетадиган, объектни бошқаси билан алмаштириш мумкин);

б) ижтимоий ўзаро таъсир (кишиларнинг бири-бирига қаратилган доимий, мунтазам ижтимоий таъсири бўлиб, бунда бир томон иккинчисидан жавоб реакциясини кутади). Ижтимоий ўзаро таъсир ижтимоий муносабатлар, ижтимоий институтлар, ижтимоий умумийлик кўринишида намоён бўлади.

Ижтимоий муносабатлар - ҳамкорларнинг барқарор ўзаро таъсиридир.

Шахслараро ўзаро таъсирни микродаражада, аввал, икки киши орасида, кейин гуруҳ ичида кўриб чиқамиз.

П.Сорокин таъкидлаганидек, руҳий ва ижтимоий ўзаро таъсир қуйидаги ҳолларда амалга ошади:

- руҳият ва сезги органлари мавжудлигида (одамнинг кечинмаси ва фикрини билиш учун унинг юз ва кўз ифодасини кўриш, овози ва гапини эшитиш керак).

- ўзаро таъсир қилувчи одамлар бир хил руҳий кечинмага эга бўлганда руҳий ижтимоий ўзаро таъсир амалга ошади.

Икки ва ундан ортиқ одамнинг контакти турли шаклларда бўлиши мумкин:

- 1) оддий биргаликда иштирок этиш;
- 2) ахборот алмашув;
- 3) ҳамкорликдаги фаолият;
- 4) тенг фаоллик (ижтимоий таъсир, ҳамкорлик, рақобат, низо ва ҳоказо).

Берн таъкидлаганидек, “Бир гуруҳда бўлган одамлар беихтиёр бири-бирлари билан сўзлашадилар, ёки бири-бирларининг борлигидан

хабардорликларини билдирадilar. Бу эса ўзаро муносабатни вужудга келтиради”.

Ўзаро таъсир натижасида бир одамнинг бирон бир муаммога нисбатан берган қайта жавоби бошқа одамнинг жавобига яқин бўлса, кишиларнинг хулқ-атвори ҳам ўхшаш бўла боради ва у ижтимоий таъсирни англатади.

Ижтимоий таъсир муаммоси билан боғлиқ конформлик ва ишонтириш, ёки суггестияни ажратиб кўрсатамиз.

Конформлик – бу гуруҳнинг таъсирига берилиш, бошқа шахслар таъсирида ўз хатти-ҳаракатини ўзгартириш, атрофдагилар билан низога киришмаслик учун онгли равишда уларга ён босиш.

Ишонтириш, ёки суггестия – шахснинг бошқа одамлар ёки гуруҳ таъсирига беихтиёр берилиши бўлиб, бунда одам ўз қарашлари ёки фикрининг ўзгарганини сезмай ҳам қолади.

Ижтимоий бирдамлик тушунчаси ижтимоий муносабатлар тизимида муҳим ўрин тутади. Чунки бирдамлик – бу кўпгина маънавий омиллар мажмуасидан ташкил топган социологик категория бўлиб, у ижтимоий ҳаётда фаолият кўрсатаётган инсонларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларини ҳал қилишларидаги ҳамкорлигининг кўринишидир. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, социология фанига ижтимоий жипслашувни билдирадиган тушунча сифатида бу терминни биринчи бўлиб О.Конт киритган эди. Бу муаммога кўпгина мутафаккирлар ўзларининг эътиборларини қаратганлар. Айниқса, Э.Дюркгейм, Г.Спенсерлар бу муаммони чуқур таҳлил қилганлар. Лекин улар ўз тадқиқотларини турли хил йўналишларда олиб бордилар. Э.Дюркгеймнинг фикрича, ижтимоий бирдамлик бу ахлоқий тамойил ва олий универсал қадрият бўлиб, у жамиятнинг ҳар бир аъзоси томонидан тан олинади. О.Конт ва Г.Спенсерларнинг тадқиқотларида ижтимоий ҳамжиҳатликнинг асосини иқтисодий манфаатлар ташкил қилиши марказий ўрин эгаллайди. Г.Спенсер ўзининг бирдамлик таълимотида мажбурий ва кўнгилли ҳамжиҳатликни кўрсатади. Унинг фикрича, кишилик жамияти ўзининг ривожланиш йўлида икки даврга - ҳарбий ва саноат даврларига бўлинади. Ҳарбий турдаги жамият иерархик тартиби ва кучли марказлашган назорати билан характерланади. Саноат туридаги жамият эса осойишта ижтимоий ҳамкорликнинг эркин шакллари ифода этади. Муаммони иккита жиҳатга ажратиб таҳлил қилишни Э.Дюркгеймнинг илмий фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Юқорида эътироф этилганидек, у ўз таълимотида ҳамжиҳатликнинг механик ва органик турларини ажратади.

Социологияда бегоналашув муаммоси муҳим масалалардан ҳисобланади. Замонавий жамият ҳаётида бегоналашувнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

- 1) иқтисодий;
- 2) сиёсий;
- 3) маданий;
- 4) ижтимоий;
- 5) психологик.

Ушбу бегоналашув турлари ўзларининг маълум бир шаклларига эгадирлар. Масалан, иқтисодий бегоналашув учта шаклга эга: а) фаолиятдан бегоналашув; б) фаолият бошқарувидан бегоналашув; в) фаолият натижаларидан бегоналашув.

Сиёсий бегоналашув сиёсий ҳокимиятдан бегоналашишдир; маданий бегоналашув маданиятдан ва маънавиятдан бегоналашиш бўлса, ижтимоий бегоналашув мулоқотдан, инсонларнинг бир-биридан узоқлашиши; психологик бегоналашув одамнинг ўз-ўзидан бегоналашишидан иборат бўлади.

Бегоналашув жараёни ва таназул бир-бирига боғлиқ ҳодисалардир. Агар жамиятда ишлаб чиқариш суръатлари кескин пасайса, хўжалик алоқалари узилса, пулнинг қадри тушиб кетиб, нархлар тез суръатда ошиб кетса, бошқарув тузилмалари издан чиқса ва сиёсий тангликлар вужудга келса, бир жамиятнинг ҳамма соҳалари таназулга учраган, деган фикрга келишимиз мумкин.

2. Шахслараро ўзаро таъсир назарияси. Низолар.

Одамларнинг бир-бири билан контактга киришиши, яъни алоқада бўлиши, ёки алоқани узишига нима таъсир кўрсатади?

Шахслараро ўзаро таъсирнинг бир қанча назариялари мавжуд:

- алмашув назарияси (Дж. Хоманс, П. Блау);
- рамзий интеракционизм назарияси (Дж. Мид, Т. Блумер);
- таассуротларни бошқариш назарияси (Э. Гофман);
- психоаналитик назария (З. Фрейд) ва бошқалар.

Алмашув назарияси ижтимоий хулқ-атворни бир-бири билан моддий ва номоддий узлуксиз руҳий бихевиоризмга асосланган алмашув жараёнида бўлган кишиларнинг ўзаро таъсири деб билади. Бихевиоризмга биноан инсоннинг хатти-ҳаракати қуйидаги асосий қонунга бўйсунди: шахснинг ижтимоий фаолияти қанчалик кўп тақдирланса, у шу фаолиятни шунчалик кўп амалга оширишга ҳаракат қилади. Агар шахс бошқа бир шахс билан бўладиган ўзаро таъсирдан ўзига ижобий натижа кутса, у контакт (алоқа)ни давом эттиради, қутилган натижага эришмаса алоқани тўхтатади. Контакт муайян сарф-ҳаражатлар билан кечади. Агар одам алоқадан ҳаражатдан кўра кўпроқ ижобий натижага эришса, муносабатлар барқарор бўлади (М. Дойч).

Қадрият вазияти шуни кўрсатадики, шахс учун маълум бир натижага эришиш қанчалик қимматли бўлса, у натижага эришишга шунчалик кўп интилади.

“Тўйиш – очлик” вазияти инсоннинг ўтмишда қанчалик кўп тақдирланса, унинг яна тақдирланиши шунчалик кам қийматга эга бўлишини кўрсатади.

“Агрессия ва қўллаб-қувватлаш” вазиятига кўра инсон ўзи кутган мукофотни олмаса ёки жазоланса (кутилмаганда), у агрессивлигини намоён қилади, бундай хатти-ҳаракат натижаси шу шахс учун қимматлидир. Шундай қилиб, ижтимоий алоқа қуйидагилар асосида ўрнатилади ва қўллаб-қувватланади:

1) агар ижтимоий алоқа шахсий мақсадга мувофиқликка мос бўлса ва сарфланган ҳаракат тақдирланишдан ортиқ бўлмаса;

2) ўзаро битимга келиш мумкин бўлса ҳамда тўлов мезони ва ижтимоий ўзаро таъсир барча иштирокчиларининг тақдирланиши бирлиги таъминланганда. Томонлардан бирининг манфаатлари тазйиқ остига олинганда, у бу алоқаларни қайтадан кўриб чиқишга интилади, уларни янгидан тартибга солишга ҳаракат қилади, натижада низолар учун асос пайдо бўлади.

Ушбу вазиятлар кишиларнинг ўзаро таъсири ўзаро фойдали ва симметрик бўлгандаги хатти-ҳаракатини тушунтириш учун қўл келади, лекин бу назария орқали ҳокимият, зўрлик, ижтимоий тенгсизликни тушунтириш қийин.

Носимметрик муносабатларни тушунтириш учун Хоманс **энг кам манфаат тамойилини** илгари суради. Унга кўра, энг кам манфаатдор бўлган шахс вазиятнинг бошқа иштирокчиларига алмашув (алоқа) шартларини бажаришга мажбурлаши мумкин.

Натижада ҳукмронлик вужудга келади. Чунки бир киши алоқада бошқаларни кўпроқ тақдирлаш имконига эга. Хоманс бундай муносабатларни алоқанинг носимметрик кўриниши дейди.

Низолар – ижтимоий фаолиятнинг кенг тарқалган шаклидир. Низолар асосида одамларнинг бир-бири билан келиша олмаслиги, зиддиятлар, шунингдек, талаб, манфаат, мақсадлари турлича бўлган курашувчи томонларнинг мавжудлиги ётади. Бунда бир томоннинг мақсадлари бошқаларнинг ўз мақсадига эришишига халақит беради, яъни рақобат низоли вазиятнинг таркибий қисмини ташкил қилади.

Низолар куйидаги турларга бўлинади:

когнитив низо (кишиларнинг нуқтаи назари кураши) **шахслараро, шахслар ва гуруҳлараро**, сўнгра гуруҳлараро ва **ижтимоий** низо (турли ижтимоий ҳамжамиятлар–синфлар, миллатлар, давлатлар, ижтимоий институтлар тўқнашуви)га ўсиб ўтиши мумкин.

Низолар реалистик ва нореалистик бўлиши мумкин. **Реалистик** низолар конкрет натижаларга эришишга қаратилган бўлиб, улар иштирокчиларнинг баъзи бир нотўғри талаблари ёки муайян имтиғларнинг ноҳақ тақсимланиши ва ресурсларнинг чекланиши (ҳокимият, бойлик, ҳудуд) билан вужудга келади.

Нореалистик низолар тўпланиб қолган салбий эмоция, хафагарчилик, душманликнинг ифодаланишидир, бунда кучли низоли ўзаро таъсир натижага эришиш воситаси эмас, балки ёлғиз мақсад бўлиб қолади.

Низолар яна куйидаги гуруҳга ажралади:

- деструктив низо самарали ўзаро таъсирни издан чиқариб, икки томонга зарар келтиради;
- конструктив низо зиддиятларни аниқлаш, уларни хал қилиш, илгари ҳаракат қилиш, ривожланишга туртки бўлади.

А.Козер фикрича, низо фақат ижобий, ёки фақат салбий оқибатга эга бўлмайди, балки бир пайтнинг ўзида ҳам салбий, ҳам ижобий оқибатга эга бўлиши мумкин. Низо ижтимоий ўзаро таъсир шакли сифатида ижтимоий структурани шакллантириш, стандартлаштириш ва қўллаб-қувватлаш воситаси ҳисобланади.

Арасту, Гоббс, Гегель, Вебер, Дарендорф каби мутафаккир ва сиЁсатчиларнинг кўплаб асарларида низолар меъёрдан четга оғиш эмас, балки ижтимоий муносабатлар меъёри, жамиятнинг нормал ҳолати деб таърифланади.

Низолар назарияси низони ижтимоий ривожланиш манбаи, ижтимоий дунёни ўзаро курашаётган жанг майдони деб қарайди.

Ҳокимият эгалари уни сақлаб қолишга, бошқалар эса вазиятни ўзгартиришга интилади. Дарендорф фикрича роллар таркиби айти бир пайтнинг ўзида ҳам ҳамкор, ҳам низоли манфаатларни келтириб чиқаради.

Социолог Джон Рекс ижтимоий тартиб тақсимоти устидан назорат ўрнатувчи айрим гуруҳларнинг шахсий ҳокимиятини ҳимоя қилишнинг онгли натижаси, деган хулосага келади.

Ҳар қандай ижтимоий тизим ресурсларни чеклаш билан тўқнашади ва уларни тақсимлаш механизмига эга бўлади:

- иқтисодий тақсимот;
- ҳокимият муносабатлари иқтисодий тақсимот тизимидаги ҳар қандай тартибсизликнинг олдини олади;
- кадриятлар ҳокимият тақсимотининг қонунийлигини ҳимоя қилади;
- диний эътиқод ва маросимлар кадриятларга қатъий бўйсунуш маҳсули сифатида намоён бўлади.

Интеграция ва ижтимоий тартиб тақсимот жараёнининг натижаси ҳисобланади.

3. Ижтимоий гуруҳдаги ўзаро таъсир турлари ва хусусиятлари.

Ижтимоий ўзаро таъсирнинг умумий шаклларида бири **ижтимоий гуруҳдир**. Унда ҳар бир одамнинг хатти-ҳаракати ва ижтимоий мақоми шу гуруҳ бошқа аъзоларининг фаолияти ва мавжудлиги билан боғлиқ.

Ўзаро таъсирда томонларнинг бир-бири билан боғлиқлиги тенг бўлиши ёки бир томон иккинчисига кучли таъсирда бўлиши мумкин. Бунда **бир томонлама** ёки **икки томонлама интеракцияни** ажратиб кўрсатамиз. Интеракция инсон фаолиятининг барча соҳалари қамраб олиши (тотал интеракция), ёки маълум бир фаолият тармоғида бўлиши мумкин.

Интеракциянинг интенсивлиги ўзаро таъсирга киришган одамларнинг фаоллиги ва руҳий тажрибасининг нисбатини билдиради.

Ўзаро таъсирнинг интенсивлиги ҳаётий фаолиятнинг ўзаро муносабатларга қай даражада боғлиқлигини кўрсатади: у максимал ва минимал катталиклар орасида бўлиши мумкин. Интеракция соҳалари қанчалик экстенсив ёки интенсив бўлса, ўзаро таъсирга киришувчи томонларнинг ҳаёти, хатти-ҳаракати, руҳияти шунчалик қарам бўлади.

Бир одамнинг бошқа бир одамга таъсири ҳар қандай интеракцияни вужудга келтиради. Мана шу таъсир мавжуд бўлар экан интеракция давом

этади. Бир томоннинг мавжудлиги ҳақидаги фикр бошқа одамга таъсир қилмай қўйгандагина интеракция тўхтайди.

Ўзаро таъсирлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- ташкил этилган интеракция;
- ташкил этилмаган интеракция.

Томонларнинг муносабати, фаолияти муайян ҳуқуқ, мажбурият ва функция структурасини вужудга келтирса ва маълум бир қадриятлар тизимига таянса **интеракция ташкил этилган** ҳисобланади.

Муносабатлар ва қадриятлар уюшмаган, мубҳам бўлса, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ижтимоий мавқеалар аниқланмаса **интеракция ташкил** этилмаган ҳисобланади. П.Сорокин ижтимоий ўзаро таъсирнинг қуйидаги типларини ажратиб кўрсатади:

- интеракциянинг **ташкил этилган антагонистик** тизими мавжуд бўлиб, у мажбурлашга асосланади;
- интеракциянинг **ташкил этилган бирдамлик тизими эса** ихтиёрий аъзоликка асосланади.
- ташкил этилган-аралаш, **ҳамкор антагонистик тизим**, қисман, мажбурлаш, қисман шаклланган қадриятлар ва муносабатларни ихтиёрий қўллаб-қувватлаш билан бошқарилади.

Кўплаб ташкил этилган ижтимоий интерактив тизимлар – оиладан тортиб давлатгача **ташкил этилган аралаш турига** киради.

Мавжуд ташкил этилган гуруҳларда ўзаро муносабатларнинг

3 турини кўрсатиш мумкин:

- оилавий тури;
- келишилган тури;
- мажбурий тури.

Бирлаштирувчи қадриятлардан келиб чиқиб қуйидаги гуруҳларни кўрсатиш мумкин:

- “бир томонлама” гуруҳлар (биосоциал гуруҳлар - ирқий, жинсий, ёш, социомаданий гуруҳлар: авлод, тил группаси, диний гуруҳлар, касбий ва сиёсий, илмий уюшмалар) тузилиши асосий қадриятлар қаторига асосланади.

- “кўп томонлама” гуруҳлар бир қанча қадриятлар қаторининг бирлашувига асосланади: оила, жамоа, миллат, ижтимоий синф.

Гуруҳлар фаолияти қуйидаги динамик жараёнлар асосида амалга ошади:

- гуруҳ аъзоларига таъсир ўтказиш, мажбурлаш;
- ижтимоий ролларнинг шаклланиши, ролларнинг тақсимланиши;
- жамият аъзолари фаоллигининг ўзгариши (**фацилитация** – кишилар даврасида одам энергиясининг ошиши (спортда) ингибиция – кишилар даврасида одам фаолиятининг пасайиши);
- гуруҳ аъзолари фикри, баҳоси хатти-ҳаракати меъёрларининг ўзгариши: **“гуруҳий меъёрлашув”** феномени меъёр - ўртача гуруҳий стандартнинг шаклланиши; **“гуруҳий қутбларга** ажралиш, экстремизация” - гуруҳдаги умумий фикрнинг барча гуруҳий фикрларга, жумладан, гуруҳнинг фикри индивиднинг фикридан қалтис бўлса, шу қалтис фикрга яқинлашуви; **“авторитетга бўйсунуш”** феномени **“масъулият белгиси”** феномени

билан биргаликда масъулиятни ўзидан бошқа барча кишиларга, раҳбарга юклаш.

Ижтимоий фацилитация шуни кўрсатадики, бошқаларнинг хузурида одамнинг доминантлик реакцияси ошади, натижада у оддий ва ўзига яхши таниш бўлган ҳаракатни самаралироқ бажаради. Масалан, спортсменлар мусабакда, курашда кўпроқ натижага эришади. Мураккаб вазифаларда эса кишиларнинг хузурида нотўғри реакция натижасида самара пасаяди, яъни **ингибиция** вужудга келади. Масалан, имтиҳонда билганини айтиб беролмаслик, ёки саҳнада матнни эсдан чиқариб қўйиш ҳоллари учрайди.

Н. Кострелл фикрича кўра, одамлар қандай баҳо берар экан, деган тушунча таъсирида ҳаяжонланиш фацилитация ва ингибицияни вужудга келтиради. Мусобақа ижтимоий ўзаро таъсирнинг бир кўриниши сифатида ижтимоий фацилитацияга, бошқалар билан ўзини солиштирганда натижаларнинг яхшиланишига мисол бўлади. Лекин шуниси аниқки, ҳар бир одамнинг шахсий ҳаракат қилиши индивидуал баҳоланганда ижтимоий фацилитация намоён бўлади. Агар одамлар умумий мақсад учун ўз саъйи-ҳаракатларини бирлаштирсалар ва бунда ҳар бир одам ҳамкорликдаги натижа учун жавобгар бўлмаса, иш натижаси индивидуал баҳоланмаса одамлар астойдил ишламасликлари мумкин, яъни **ижтимоий дангасалик** намоён бўлади. Оқибатда, гуруҳнинг жамоадаги иш қобилияти гуруҳ аъзолари умумий иш қобилиятининг ярмидан ҳам ошмайди. Фаолият гуруҳий вазиятининг баҳоланишидан кўрқиб туйғусини камайтириш, “бошқалар орқасига беркиниш”га имкон бериши гуруҳ аъзоларининг фаоллигини сусайтиради. Агар гуруҳий вазифа мураккаб, жозибали, марокли, шунингдек, гуруҳ аъзолари ўзаро дўст бўлса ва ҳар бир шахснинг ҳиссаси эътиборга олинса, одам ўзининг ҳиссасини фойдали, тенгсиз деб билади.

Ижтимоий фацилитация масаласи муайян гуруҳ одамни таъсирлантиришини, ижтимоий дангасалик эса гуруҳда масъулиятнинг пасайишини кўрсатади. Масъулиятнинг пасайиши ва таъсирланиш бирлашса меъёрий вазминлик, ўз-ўзини тута билиш сусаяди, шунинг учун ҳам гуруҳда одам бир ўзи қолганда қилмайдиган ишни, хатто жиноятни ҳам амалга ошириши мумкин: **деиндивидуализация феномени** - анонимликни таъминлайдиган ва алоҳида ҳар бир одамга диққатни қаратмайдиган вазият вужудга келганда ўз-ўзинг англаб етиш ҳамда шахсий масъулият хиссининг йўқолиши шаклланади.

4. Ижтимоий ҳаракатлар

Ташкил этилмаган гуруҳларда, оломон ичида одамларнинг фаолияти жамиятнинг шаклланган тартибига зид туради. Кишиларнинг жамоадаги ҳуқ-атворининг элементар шакллари нисбатан стихияли бўлиб, ноаниқ вазиятда ва хавф-хатарда бу хатти-ҳаракатни олдиндан айтиш мумкин эмас. Жамоа (коллектив) хатти-ҳаракати табиатини **айланма реакция** ёрдамида тушуниш

мумкин. Ижтимоий ўзаро таъсирнинг бу шаклида кишилар бир-бирларининг кайфияти, хис-ҳаяжонини ифодалайди.

Ижтимоий бетинчлик - кўплаб кишиларнинг ички кескинлиги, таранглиги бўлиб, у фаолиятининг тартибсизлиги ва мувофиқлаштирилмаганлигида ифодаланади. У айланма реакцияга жалб этилиб, бошқаларга ҳам таъсир кўрсатади.

Одамларнинг бир-бирига нисбатан таъсирчанлиги ошганда, шунингдек, шаклланган турмуш тарзи бузилган пайтларда ва кишилар биргаликда уни бошидан ўтказганда ижтимоий бетинчлик пайдо бўлади. У инқилобий бесаранжамлик, норозиликлар, диний ҳаяжонлар, меҳнат низолари пайтида кўп учрайди.

Ижтимоий бетинчлик қуйидаги хусусиятларга эга:

- хулқ-атворнинг тартибсиз характери. У кишилар танглик ва оғир аҳволда қолиб, фаолият кўрсатишларига кучли эҳтиёж вужудга келганда, лекин аниқ бир мақсадлари бўлмаганда намоён бўлади;
- кучли ташвиш, хавотир, ваҳима, қўрқув, ишончсизлик, агрессивлик туйғулари;
- таъсирланувчанлик, бирон нарсага ишониш, руҳий беқарорлик ва йўлбошчилар фикрига берилиш.

Жамоада ҳаяжонланиш, кўзғалиш кенг тарқалганда ижтимоий инфекция (юқумлилик) ошади яъни бирон бир кайфият, хатти-ҳаракат (чайқовчилик, молиявий вас-васа, ватанпарварлик жазаваси) вужудга келади.

Элементар жамоа гуруҳларининг тўрт турини ажратиб кўрсатиш мумкин (Г. Блумерга кўра):

- ҳаракатдаги оломон (агрессив оломон);
- экспессив оломон (мас, диний секталарда рақсга тушаётган, жазавадаги оломон);
- омма (оммавий хатти-ҳаракатда иштирок этадиган, лекин ҳеч қандай ижтимоий ташкилотга эга бўлмаган, бир-бирини танимайдиган кишилар);
- жамоатчилик (бирон-бир муаммо бўйича турли фикрга эга бўлган кишилар гуруҳи).

Бу ижтимоий гуруҳлар ташқи таъсир натижасида эмас, балки ички бир сабаб воситасида вужудга келади. Уларнинг фаолияти мавжуд маданий меъёрлар орқали белгиланмайди.

Умуман олганда, жамият қуйидаги буйруқ, фармойишлар ёрдамида фаолият кўрсатади:

- оломон алоқа ўрнатиш орқали ҳаракат қилади (одамларнинг бир-бирига нисбатан таъсирчанлиги юқори бўлади, кайфиятга онгли бўлмаган ҳолда жавоб беради, биргаликда фаолиятга ички бир туртки ёрдамида киришади).
- оммадаги индивидуал танлаш, қарашларнинг мос келиши орқали жамоатчилик ўзига хос бирликни ташкил қилади ва муайян умумий қарорнинг бажарилиши ёки жамоатчилик фикрининг ташкил топиши учун ҳаракат қилади.

Жамоатчилик фикри жамоа махсули бўлиб, уни ўзида ифодалайди.

Жамоатчилик фикрининг шаклланиши бир неча йўллар билан амалга ошади, масалан:

- манфаатдор гуруҳлар манфаатдор бўлмаган гуруҳларга нисбатан бошқалар фикрини бахс-мунозаралар орқали шакллантиради;
- одамларни муайян нуқтаи назарни қабул қилдиришга қаратилган ташвиқотлар орқали ҳам жамоатчилик фикри шаклланади.

Юқорида кўрсатилган жамоа гуруҳлари ижтимоий ўзгаришлардан далолат беради. Улар янги жамоа хулқ-атвори, янги ижтимоий ҳаёт шакллариининг ривожланиши, янги ижтимоий тартибларнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Ижтимоий ҳаракат дастлаб бошланган пайтда яхши ташкил этилмаган бўлади. У ривожланиши билан ташкилотга, анъаналар, мустаҳкамланган раҳбарлик, ижтимоий тартиб ва кадриятларга эга бўла боради. Ижтимоий ҳаракат қуйидаги механизмлар ёрдамида ривожланиб, ташкил этилиши мумкин:

- одамларнинг бир-бири билан бирдамлиги ва ҳамкорлиги туйғусининг ташкил этилиш жараёни, муайян ижтимоий ҳаракат тарафдорлари орасида ўзаро хайрихоҳликнинг шаклланиши келишилган хатти-ҳаракатни вужудга келтиради;
- гуруҳлар ичида ва гуруҳлараро муносабатларнинг ривожланиши, ҳаракат аъзоларининг ўз фаолияти ҳаққонийлигига ишониши уларни ўз мақсадлари атрофида бирлаштиради, душманнинг борлигини тан олиш ҳаракат бирдамлигини таъминлайди;
- тантанали маросим ва урф-одатлардан фойдаланиш: оммавий митинг, парад, юбилей тантаналари, шиорлар, кўшиқлар, шеърлар, байроқлар ва ҳақозолар ижтимоий ҳаракатни ривожлантириб мустаҳкамлайди, шу маросимларнинг ҳар бир иштирокчиси ўз-ўзига баҳо беради, натижада у ўзини муҳим бир шахс деб ҳисоблайди;
- ҳаракатга барқарорлик ва муайянлик берадиган гуруҳ ахлоқининг шаклланиши: ҳаракат мақсадининг ҳаққонийлиги ва одиллигига ҳамда мақсадга эришишга ишониш;
- ҳаракат мақсади ва вазифалари шаклланадиган таълимотлар тўплами - гуруҳ мафкурасининг ривожланиши.

Ижтимоий ҳаракатнинг муваффақиятли ривожланиши юқорида кўрсатилган механизмга, ижтимоий оқибат эса ижтимоий ҳаракат характериға (инқилобий ёки ислоҳот ҳаракати) боғлиқ.

Ўз-ўзини текшириш учун муаммоли саволлар:

1. “Ижтимоийлашув” тушунчаси нимани англатади?
2. Ижтимоий алоқанинг моҳияти.
3. Ижтимоий муносабатларнинг моҳияти.
4. Конформлик ва суггестия деганда нимани тушунаси?
5. Шахслараро ўзаро таъсир қандай юз беради?

6. Хоманснинг “энг кам манфаат” тамойили.
7. Низолар қандай юзага келади?
8. Низоларнинг деструктив ва конструктив турлари қандай келиб чиқади.
9. Ижтимоий гуруҳ жамиятда қандай вазифани бажаради.
10. Ўзаро таъсир турлари ва унинг шакллари.
11. Ижтимоий бетинчликнинг намоён бўлиши.

5 – мавзу: Соҳалар социологияси
Сиёсий ва иқтисодий соҳалар социологияси.
(2 соат)

Режа:

1. Сиёсий социология. Ҳокимият, ҳукмронлик ва авторитет.
2. Сиёсий фаолият ва сиёсий ҳатти-ҳаракат. Сиёсий ҳукмронлик.
3. Иқтисодий ҳаёт социологияси.
4. Ижтимоий ташкилотлар социологияси. Ташкилотларнинг турлари ва вазифалари.

Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар: Сиёсий социологиянинг моҳияти ва унинг сиёсатшунослик фанидан фарқи, ижтимоий ҳукмронлик, ҳокимият ва авторитет тушунчалари, сиёсий фаолият ва сиёсий ҳатти-ҳаракат ҳамда уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, иқтисодий ҳаёт социологияси ва унинг иқтисодиёт фанларидан фарқи, ижтимоий ташкилотларнинг турлари ва вазифалари.

Мавзуга доир таянч сўз ва иборалар: Сиёсий социология, ҳокимият, ҳукмронлик, авторитет, сиёсий фаолият, сиёсий ҳатти-ҳаракат, иқтисодий ҳаёт социологияси, ташкилотлар социологияси, расмий ва норасмий ташкилотлар, ижтимоий уюшма, ижтимоий муҳит.

Адабиётлар: 1,2,3,4,5,6,10 (7,9,14,15,16,24,25,28)

1. Сиёсий социология. Ҳокимият, ҳукмронлик ва авторитет.

Сиёсий социология – социологик назариянинг бир бўлиб, ҳокимият учун кураш ва ҳокимиятни амалга ошириш каби ҳодисаларни ўрганади. Липсетнинг фикрича, сиёсий социологияга жамият ва давлат ўртасидаги, ижтимоий тузум ва сиёсий институтлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганувчи фан, - деб таъриф бериш мумкин. Сиёсий социология сиёсий фанлардан фарқ қилади. Уларнинг фарқи ўрганиш предметида ифодаланади. Сиёсатшунослик жамиятнинг сиёсий ҳаётини, яъни давлат ҳокимияти, уни эгаллаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган сиёсий тизимдаги муносабатларни ўрганади.

Сиёсий социология жамиятнинг давлат, партиялар, ижтимоий-сиёсий ташкилот ва индивидларга таъсири, уларнинг сиёсий хулқ-атворини ўрганади. «Сиёсий социология кенг маънода, - деб ёзади О.Берг-Шлоссер, - барча ижтимоий нодир ҳодисалар билан шуғулланадиган бу ҳодисалар сиёсий жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Обьектив соҳада бу авваламбор турли шаклдаги жамият структуралари ва бу структураларга таъсир қилувчи омиллардир. Обьектив соҳада у сиёсий муҳим бўлаётган ижтимоий назария ва хулқ-атвор

намуналарини тадқиқ қилади, тор маънода, сиёсий социология объекти – аниқ сиёсий жиҳатдан муҳим гуруҳва жараёнларни тадқиқ қилишдир». Демак, сиёсат ҳақидаги фан давлат бошқаруви билан боғлиқ бўлса ва унинг жамиятга таъсирини ўрганса. у вақтда сиёсий социология жамиятдан келиб чиқади ҳамда унинг давлатга қандай таъсир кўрсатишини, яъни ҳокимиятни тақсимлашга ва уни амалга оширишга хизмат қилувчи расмий институтларга таъсирини ўрганади. Шундай қилиб, сиёсий социологиянинг предмети ижтимоий структуралар ва жараёнларнинг сиёсий соҳа билан ўзаро таъсир механизми ҳисобланади.

Сиёсий социология ўз ичига қуйидагиларни олади:

- сиёсатнинг умумий назарияси (сиёсий ҳокимият, унинг бошқа ижтимоий воқеликлардан фарқи ва алоқаси);
- сиёсатнинг ижтимоий аспекти (манфаатлар, талаблар, шахслар ва гуруҳ, институтлар фаолияти).

Сиёсий ҳаёт социологияси ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг 3 даражасини ўрганади:

- ижтимоий-сиёсий тизимлар фаолият кўрсатишининг умумий қонунлари;
- айрим олинган мамлакатларда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари;
- сиёсий фаолиятнинг айрим турлари.

Ҳокимият ва ҳукмронлик тушунчалари сиёсатдан бошқа соҳаларда ҳам ишлатилади. Улар, аввало сиёсий феноменларни таҳлил қилишда қўлланилади. “Авторитет” тушунчаси аксарият сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатишда ишлатилади.

“Ҳокимият”, “ҳукмронлик” ва “авторитет” тушунчалари кўп ўлчамли ва тенг бўлмаган ижтимоий муносабатларнинг таркибий қисмларини англатади. Улар ўзида 3 аспекти ифода қилади:

Биринчидан, ижтимоий муносабатлар вазият билан боғлиқ бўлади. Айрим олинган вазиятни белгилаш вазиятнинг узлуксиз изчиллигидан иборат.

Ҳокимият сиёсий социологиянинг асосий ўрганиш предмети ҳисобланади. Нима учун бир одам бошқасига бўйсунмади. Чунки у ё кучлироқ, ё ақллироқ, тажрибалироқ ёки бошлиқ бўлгани учун буйруқ бериш имконига эга. Демак, бўйсунуш асосида 2 хил тенгсизлик ётади:

- табиий тенгсизлик (физиологик, интеллектуал);
- ижтимоий (мақомий, иқтисодий, таълим бўйича ва ҳ.к.)

Табиий тенгсизлик асосида вужудга келган ҳокимият шахслараро ўзаро таъсир характерига эга. Бунда шу вазиятда конкрет одамга бўйсунмади. Агар янги вазиятда у ўз устунлигини намоён этолмаса, унинг буйруқларига бўйсунмайди.

Ижтимоий тенгсизлик асосидаги ҳокимият шахсий хусусиятга эга эмас. Масалан, хизмат пайтида раҳбар бизга ёкиш ёки ёқмаслигидан қатъий назар унга бўйсунмади. Бундай ҳокимият барқарор характерга эга, бунинг сабаби унинг институционаллашганидир.

Социология фани ушбу тушунчаларнинг ижтимоий муносабатлардаги барқарорлигини ўрганади. Шунинг учун ҳам биз “ҳокимият, ҳукмронлик ва авторитет” тушунчаларининг муносабатларини ўрганишимиз керак. Иккинчидан, ушбу муносабатлар жамловчи ҳисобланади. “Ҳокимият” муносабатлари бошқа компонентларни, жумладан, “авторитет” тушунчасини ҳам ўз ичига олади. Ҳукмронлик муносабатлари, асосан, регламентни белгилайдиган, “ҳукмронлар” билан жуда тор доирада алоқада бўлишга имкон берадиган ижтимоий институтлар ёрдамида амалга оширилади. Учинчидан, ушбу тушунчалардан бирининг бошқаларига таъсири кучлироқ бўлиши мумкин.

Ҳокимият кўплаб ижтимоий муносабатлар таркиби сифатида намоён бўлади. Бунда шахс бошқаларнинг қаршилигига қарамай ўз ҳукмронлигини амалга ошириш имконига эга бўлади. Бир одам иккинчисига бўйсунди, у муайян меъёр ва санкцияларга асосланади. М.Вебер бу ҳақда шундай деган: “ҳокимият ижтимоий муносабатларда ўз иродасини қаршиликларга қарамай амалга ошириш имкониятини англатади”. (“Хўжалик ва жамият”)

Бу ерда фақат ижтимоий ҳокимият, яъни кишилар устидан ҳукмронлик назарда тутилади. Бу ерда табиат ёки нарсалар устидан ҳокимият ҳақида гап бормайди, чунки нарсалар устидан ҳукмронлик айна пайтда кишилар устидан ҳокимиятнинг ҳам ўрнатилишини билдиради.

Макс Вебер ҳокимият тушунчасининг “аморф” характерга эга эканлигини таъкидлайди. Гап иқтисодий ҳукмронлик ҳақида ҳам бўлиши мумкин (масалан, бозордаги ҳокимлик ва ҳ.к).

Ҳокимлик, шунингдек жисмоний куч ишлатишдаги устунликдан ҳам келиб чиқиши мумкин (масалан, қуролга эга бўлиш). Зўравонлик билан кўрқитиш зўравонликка қараганда катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Ҳокимлик, шунингдек бошқаларга ҳам керак бўлган ахборотга эга бўлишда ҳам кўринади. Муайян билим ёки информацияга эга бўлиш ҳар доим ҳам ҳокимият манбаи бўла олмайди. Информация эгаларига унинг шериклари бўйсунганда ёки моддий рағбатлантирилганда, уларнинг ҳокимияти мустаҳкамланади, у иқтисодий ҳукмронликни амалга оширишга ёрдам беради.

Шу муносабат билан оммавий ахборот воситалари устидан ҳукмронлик ўрнатиш ҳақида гапириш мумкин. Ушбу гуруҳнинг ҳукмронлиги оммалаштириши керак бўлган ахборот сир тутилгандагина амалга оширилади.

Демак, ҳокимлик турли шаклларда ифодаланиши мумкин. У нисбатан мустаҳкам, ёки обрўсиз, қисман ёки тотал, расмий ёки норасмий бўлади. Айрим ҳолларда у кучайиб, мустаҳкамланади, ҳукмронликда намоён бўлади. Ҳукмронлик ҳокимиятнинг ўзига хос кўринишидир.

Кўча ҳаракатини тартибга солувчи ҳукмронлик қилмайди. Корхона раҳбари ҳукмронлик қиладими, йўқми деган саволга айрим ҳолларда жавоб бериш қийин. Корхона раҳбари ўзи ҳукмронлик қилиши шарт эмас, у ҳукмронликни амалга оширишга ёрдам беради.

Ҳукмронлик муайян барқарорликка эга. У бўйсунуш орқали амалга оширилади, бунда шахс ўз иродасига қарама-қарши ўлароқ бўйсунди. Одатда, ҳукмронлик қилувчилар бўйсунувчилар томонидан ўз устунликлари ижобий

баҳоланишини хоҳлайдилар. Улар шу тариқа авторитет (обрў, нуфуз)га эга бўлишга ҳам интиладилар. Ўзидан кучли бўлганга вақти-вақти билан бўйсунуш ҳукмронликнинг эмас, балки ҳокимиятнинг кўринишидир.

Ҳукмронлик қилувчилар ўз ҳукмронликларининг қонуний тан олиншига интиладилар. Легитимлик (тан олиш) ва авторитет бир нарса эмас (айтиб ўтиш керакки, легитимлик авторитет туфайли амалга ошади). Мажбурлаш воситаларидан фойдаланишни қонунлаштирмайдиган авторитет ҳам мавжуд бўлиб, у ҳукмронликнинг ҳар қандай муносабатларига хосдир. Социологияда легитим ҳукмронлик ҳақида гап боради, бунда тобе кишилар ҳукмронлик, бўйсунушни ва ҳукмрон шахсларнинг мажбурлашини жамиятда мавжуд бўлган меъёрларнинг ифодаланиши деб ҳисоблайди.

М.Вебер ҳукмронлик нолеgitим ҳам бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди. Ҳар қандай ҳукмронлик ўзининг легитимлигини тан олишларига ҳаракат қилади. Ҳар қандай ҳукмронлик сиёсий ҳукмронлик бўлавермайди. Сиёсий ҳукмронлик юқори даражада тартибга солинадиган жамиятнинг гетероген институционаллашган системачалари мажмуида бўйсунушнинг амалга оширилишидир. У ижтимоий соҳада кўплаб системачалар ва институтларнинг ташкил этилган тизими зарурлигини тақазо этади. Улар қуйидаги институтлар бўлиши мумкин:

1) коммуникатив институтлар алоқа учун хизмат қилади. Ҳукмрон гуруҳлар ҳар доим бўйсундириш йўллари, воситалари, имкониятларига эга. Улар мавжуд вазият ҳақида ахборот олишга интиладилар ва ундан бўйсундиришда фойдаланадилар.

2) бўйсунушга мажбурлаш институтлари (масалан, жисмоний куч ишлата оладиган, шунингдек, сиёсий ҳокимият ҳавфсизлигига таҳдид соладиган таъсирдан муҳофаза қилувчи ташкилотлар).

Авторитет муайян шахс, гуруҳ, институтларнинг устунлигини кўпчилик томонидан тан олинши туфайли вужудга келадиган ижтимоий таъсирдир. Бундай устунликни тан олиш ўз-ўзини белгилаш ҳуқуқидан воз кечишни ҳам билдиради. Бунда индивиднинг мустақил қарорлар қабул қила олишдаги савияси ёки муайян масалалар юзасидан ўз фикрига эга бўлиш, ёки муайян хатти-ҳаракатни амалга ошира олиш хусусияти гумон остига олинади. Авторитет эгасининг устунлигини тан олиш атрофдагиларнинг фаолиятини белгилаш имконини беради. Бундай таъсир авторитет эгасининг қатъий ҳаракатсиз амалга ошади.

Авторитетни шу авторитет эгаси бўлган шахснинг хусусияти деб билиш тўғри эмас, балки унинг бошқа шахсларга бўлган муносабатини англатади. Шахс авторитетни шакллантирувчи кўплаб хусусиятларга эга бўлиши мумкин (ақл, жисмоний куч, нотиклик ва ҳ.к.). бундай хусусиятлар авторитетнинг намоён бўлишига биргаликда ёки айрим-айримликда сабаб бўлади. Бошқа шахслар ҳузурида устунлик тан олинганда муайян хулқ-атворнинг ўрнатилиши авторитетнинг намоён бўлишига сабаб бўлади.

Онгли хатти-ҳаракат ёрдамида авторитетга эришиш қийин. Авторитетни “авторитар хатти-ҳаракат” билан адаштирмаслик керак. Авторитет етишмаган

жойда авторитар хатти-ҳаракат ўрин олади. Авторитет эгасининг иродаси, хоҳиш-истагидан қатъий назар авторитет юзага келади.

“Авторитет” тушунчаси “ҳокимият” тушунчасидан фарқ қилади, ижтимоий воқеликда улар узвий боғлиқ. Агар ҳокимият учун кишилар қаршилигини енгиш хос бўлса, авторитетга ҳурмат билан қарашни кутиш шарт эмас. Агар авторитет яна қаршилиқни енгишни талаб қилса, бунда авторитет билан ҳокимият бир қаторда турганини кўрамай.

Замонавий буйруқбозлик (бюрократия) асосида ташкил этилган давлат қисқа муддат ичида ҳукмронликни амалга оширишга имкон беради. Барча жараёнларнинг ҳужжатлаштирилганлиги ҳукмрон доираларга уларнинг иродаси куйида қандай бажарилаётганлигини назорат қилиш имконини беради. Агар замонавий давлат мавжуд ҳукмронлик механизми самарасиз эканлигини кўрса, бу ҳокимият воситалари етарли эмаслигида эмас, балки улар кенгайиб, фойдаланиш учун ноқулай ҳолга келганидан далолат беради.

2. Сиёсий фаолият ва сиёсий хатти-ҳаракатлар.

Сиёсий ҳукмронлик.

Сиёсат давлатнинг моҳиятини ифодалайди, ёки у билан боғлиқ фаолият деган фикр кенг тарқалган. Сиёсий хатти-ҳаракат давлат органлари фаолияти ёки давлат ташкилотлари фаолиятига таъсир кўрсатишдир, деган фикрлар ҳам мавжуд. Сиёсат ҳақидаги бундай фикр анча тор. Чунки, биринчидан, давлат ҳозирги маънода ҳар доим ҳам мавжуд бўлган эмас. Давлат тарихан шаклланиб келди ва ҳозирги кўринишга эга бўлди. Иккинчи томондан, давлатнинг ҳар қандай хатти-ҳаракати сиёсий бўла олмайди. Давлат бошқаруви сиёсат ва сиёсий таъсирга йўналтирилган бўлса ҳам у сиёсатнинг ўзи эмас. Жамиятда бўладиган ҳар қандай жараённи сиёсат деб билиш тўғри бўлмайди. Сиёсий шарт-шароит ёки сиёсий қарорлар билан боғлиқ бўлмаган ҳаёт соҳасини топиш мумкин эмас. Қайд этилаётган ижтимоий хатти-ҳаракат типик сиёсий бўлса, соҳаларни сиёсий ёки сиёсийлаштирилган, деб қараш керак. Бунда гап сиёсий релевантлик (сиёсий аҳамиятга молик) ҳақида кетади. Масалан, кўп оилаларнинг ҳаёти сиёсий эмас, лекин оилаларда бўладиган кўп жараёнлар сиёсий аҳамиятга эга. Сиёсий қарорлардан келиб чиқадиган мактаб ислохотлари оилавий битимга тўғри келмаслиги мумкин.

Сиёсий фаолият айрим индивид ва кишилар гуруҳининг ўз манфаат ва идеалларига мослаштириш мақсадида ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимига онгли равишда таъсир кўрсатишидир. У ўзида конкрет сиёсий хатти-ҳаракатлар мажмуини ифодалайди. Сиёсий хатти-ҳаракат эса индивид ёки кишилар гуруҳи томонидан у ёки бу натижага эришиш мақсадида амалга ошириладиган акциялар, қадамлардир. Сиёсий фаолият ва сиёсий хатти-ҳаракат мотиви (сабаби) деганда, кишиларни бу ишга нима ундаётганига эътиборимизни қаратишимиз керак. Кишилар ижтимоий фаоллигининг асосий сабаби уларнинг ҳаётий талаб ҳамда манфаатларидадир. Ҳар қандай сиёсий фаолият ва хатти-ҳаракатда ижтимоий гуруҳ ва индивидларнинг аниқ ва яшириш шаклдаги реал талаб ҳамда манфаатлари ифодаланади.

Қандай хатти-ҳаракатни сиёсий хатти-ҳаракат деб ҳисоблаш кераклигини аниқлаб олишимиз лозим. Бунда, ижтимоий соҳанинг сиёсий фаолият юритишга имкон берадиган муайян ўзига хослигига эътибор берилади. Лекин қандай соҳалар ҳақида гап кетаётганини қатъий белгилаш мумкин эмас. Чунки ижтимоий ҳаётнинг айрим соҳалари вақт ўтиши билан сиёсийлашади, яъни ўзининг аввалги носий сиёсий характерини йўқотади, аксинча бўлиши ҳам мумкин.

Сиёсий хатти-ҳаракат сиёсий хулқ-атворнинг махсус шакли ҳисобланади. Сиёсий хатти-ҳаракат унда иштирок этаётган системачаларнинг бир-бирига муносабати динамик бўлишини тақозо этади. Сиёсий хатти-ҳаракат консерватив бўлиши ёки бирон-бир нарсани ўзгартиришга интилиши мумкин. Тўла равишда йўналтириш, тартибга солиш мумкин бўлмаган макон бор ерда сиёсат вужудга келади. Тўла институционаллашган бюрократик аппаратда сиёсий қарорларни бажариш сиёсий хатти-ҳаракат эмас, лекин у сиёсий аҳамиятга эга.

Сиёсий хатти-ҳаракат ўз моҳиятига кўра, гуруҳнинг фаолияти, яъни турли даражадаги институционаллашган гуруҳлар ва системачалар орасидаги хатти-ҳаракатдир. Демак у конкрет гуруҳ манфаатлари, қадриятлари меъёрлари орқали ифодаланмайди. Сиёсий хатти-ҳаракат айрим гуруҳ ва системачаларни фаолиятдаги субъект деб билмаса ҳам, кўплаб манфаатлар, қадриятлар, меъёрларга таяниши лозим. Чунки сиёсий хатти-ҳаракат турли мақсад ва қадриятларга эга кўплаб кишилар мавжуд бўлган ижтимоий соҳада амалга ошади, системачаларнинг бир-бирига бўлган муносабатига таъсир ҳокимиятдан ташқарида вужудга келмайди.

Сиёсий хатти-ҳаракатда мақсадлар, одатда, бир маротабалик ҳаракат орқали амалга ошмайди, у узлуксиз характерга эга бўлиши керак. Мақсадга яқинлаштирувчи айрим қадамлар мақсадга мувофиқ тарзда режалаштирилиши лозим. Ушбу соҳада доимо турли мақсадга эга бошқа кишилар ва гуруҳларнинг хатти-ҳаракати билан ҳисоблашиш талаб қилинади.

Сиёсий хатти-ҳаракат амалий бўлиб, ўз моҳияти билан амалга ошириш мумкин бўлган нарсаларга таянади. “Сиёсат бу имкониятлар санъати”,- деган эди О.Бисмарк.

Сиёсий хатти-ҳаракат кўпинча ноҳуш, гуманизм чегарасидан ўтадиган мавҳумлик соҳасида юз беради. Профессинал сиёсатчи бениҳоя кўп кишиларни шахсан билиши, уларнинг исмини эсда сақлаши лозим. Шунга қарамай, у “аноним”лар, давлатлар, партиялар, ташкилотлар, ҳаракатлар, қонунлар, ижтимоий фикр, алоқалар билан тўқнаш келади. Юқоридагилар ҳақидаги тасаввур шахслар, айрим кишилар тақдирининг ўзига хослигини доирадан ташқарига чиқишга мажбур қилади. Бу ҳам индивидуал эркинлик ва кўплаб кишиларнинг шахсий имкониятларини амалга оширишга халақит беради.

“Сиёсат” тушунчасининг “сиёсий хатти-ҳаракат” тушунчаси билан боғлиқлигидан келиб чиқиб, «сиёсат» сўзининг учта маъносини кўрсатамиз:

1) Сиёсат сиёсий хатти-ҳаракатни ўз ичига олувчи вазият ҳисобланади. Бу алоқа, кўпинча интеракция характерига эга. У аксарият ҳолларда бир-бирига даҳлдор, лекин бир-бирига ўзаро таъсири бўлмаган стратегик ориентация

натижаси бўлиб қолади. Уни “кимдир сиёсат билан шуғуллана бошляпти”, деган ибора билан ифодалаш мумкин.

2) Сиёсат индивид ёки гуруҳлар сиёсий хатти-ҳаракатининг айрим вазиятларига тарқалади. Бу ҳақда “кимдир сиёсат билан шуғулланаяпти” дейиш мумкин.

3) Сиёсат муайян мақсадга йўналтирилган, мувофиқлаштирилган сиёсий хатти-ҳаракатнинг изчиллигидир. Бундай вазият “кимдир сиёсатни амалга оширяпти”, деб ифодаланади.

Сиёсатнинг бундай уч таърифи сиёсий хатти-ҳаракатга бориб тақалади.

3. Иқтисодий ҳаёт социологияси.

Иқтисодий ҳаёт социологияси XX асрнинг 50-йилларида АҚШда фан сифатида шаклланди. ғарб давлатларида иқтисодиёт фанининг ижтимоийлашуви тенденцияси кучайиши натижасида иқтисодий социологиянинг имкониятлари ортиб борди.

Иқтисодий соҳа деб, одатда инсонлар турмуш учун зарур ҳисобланган ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол учун маъсулиятли бўлган жамиятнинг яхлит системачаси тушунилади.

Иқтисодий ҳаёт социологияси инсон фаолияти туфайли иқтисодиётда юз берадиган иқтисодий-ижтимоий жараёнларнинг ўзгаришларини ўрганишдир. Иқтисодий ҳаёт социологияси муносабатлар системасига тааллуқли ва бир-бирлари билан ўзаро ҳаракат қилувчи гуруҳларни ўрганади. Унинг объекти бўлиб ижтимоий жараёнлар сифатида махсус нуктаи назардан қаралувчи иқтисодиёт намоён бўлади.

Хозирги даврдаги иқтисодий ҳаётнинг маълум концепцияларсиз мафкуравий мақсадларга асосланмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Шунга кўра, И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтишининг 5 тамойилидан бири бўлган иқтисодиётнинг сиёсатдан устун бўлиш тамойили иқтисодий ҳаётнинг маъмурий буйруқбозлик мафкурасидан ҳоли бўлишини, иқтисодиётни эркинлаштиришни кўзда тутди. Бизда бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари маълум концепцияларга, ғоявий йўналишларга асосланган ҳолда мавжуд бўлади, ривожланади. Иқтисодий ҳаёт инсон маънавий ҳаёти билан узвий боғлиқдир. Зеро Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек: “бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделimiz республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётни ҳар ғқлама, бесўнақай ривожлантиришнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланди.” Иқтисодий назариялар ва қарашлар ҳамда тасаввурларга иқтисодий муносабатлар ҳам айнан мувофиқ бўлавермайди. Иқтисодий қарашлар ва назариялар баъзида ишлаб чиқариш муносабатларига шубҳа билан қарайди. Уни ўзгартириш, такомиллаштириш учун маълум тавсиялар, йўриқлар мажмуини илгари суради.

Иқтисодий ҳаётни ижтимоий талқин этишга биринчи бор Ф.Тейлор эътибор берди. У ишчиларнинг меҳнатга бўлган қизиқишини ўрганди ва 1894

йили меҳнатга ҳақ тўлаш тизимига асосланган назариясини ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этди. Бу ғоя асосида “иқтисодий одам” концепцияси ва унинг хусусиятлари пайдо бўлди. Бу ғоянинг асосини қуйидагилар ташкил этади:

1. Энг қисқа вақтда ишчи қанча кўп ҳажмда иш бажарса, унга шунча ҳақ тўлаш.

2. Ишнинг ҳажмини эмас, балки самарадорлигини ва яхшилигини рағбатлантириш.

3. Ишчиларга кам иш ҳақи бериш ва кўп бериш барабар зарарлидир.

Тейлор концепцияси Америка саноатида Форд томонидан ишлаб чиқаришга тадбиқ этилди, конвейер ишлаб чиқариш шароитида меҳнатнинг самарадорлиги рағбатлантирилди.

Хозирги даврда иқтисодий социологияни таҳлил қилишда асримизнинг 70-йилларида вужудга келган иқтисодий реалликни ҳисобга олиш зарур. Бу ўзгаришлар иқтисодий соҳада кенг кўламда бурилиш ҳосил қилиши билан белгиланади. Хозирги кўплаб социологлар ва иқтисодчилар жамиятнинг яна бир таснифини ҳам бермоқдалар:

1) анъанавий жамият;

2) индустриал жамият;

3) постиндустриал жамият.

Агар анъанавий жамиятда ерга бўлган мулкчилик асосий ўринни эгалласа, индустриал жамиятда мулкнинг барча кўринишларига бўлган муносабат шаклланади. Постиндустриал жамиятда эса интеллектуал мулк, инсоннинг ақл-заковати, билими асосий ўринга чиқади.

Индустриал жамиятни йирик машина ишлаб чиқариши, кўл меҳнати ўрнига юксак меҳнат унумдорлигига асосланган ишлаб чиқариш изоҳлайди. Бир меъёрда ишлайдиган автоматик ишлаб чиқариш вужудга келади. Оммавий ишлаб чиқариш энг муҳим белгилувчи хусусиятга айланади. Ишлаб чиқаришда юксак малакали ишчиларнинг роли ортиб боради, ихтисослашув чуқурлашади. Натижада машина ёрдамида стандартлашган операциялар бажарилади. Хўжалик соҳасида саноат ва молиявий капитал устунлик қилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар оммавий, стандартлашган характерга эга бўлади, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар асосан товар характерига эга бўлиб, бозор учун мўлжалланади. Товар муносабатлари миллий иқтисодиётнинг дунё иқтисодиёти билан узвий ривожланишини тақозо қилади. Натижада дунё хўжалик тизимининг шаклланишига имкон яратилади.

Индустриал жамиятни иқтисодий жамият, деб ҳам аташ мумкин. Чунки, реал борлиқ иқтисодиётга қаратилган бўлади, иқтисодиётга мўлжалланган ишлар устун равишда ривожланади.

Миллий давлатларнинг шаклланиши демократик, фуқаролик жамиятини барпо этиш, миллий манфаатларни химоя қилиш асосида, эркин халқаро ижтимоий, сиёсий иқтисодий ҳамкорлик кўламларига чиқиш имкониятларига эга бўлдилар.

XX аср ўрталаридан қатор ғарб мамлакатлари жамиятнинг учинчи босқичи—постиндустриал жамиятга ўтмоқда. Бугунги социологияда унинг

номи ҳар хил, жумладан «информацион» жамият «постиндустриал жамият», каби атамалар билан ифодаланмоқда. Булар оммавий ахборотларни вужудга келтиради, сақлайди ва қайта ишлаб чиқаради. Коммуникация тизимида шундай ўзгариш юз берадики, хўжалик тизими тубдан ўзгаради.

Табиат манбаларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш айниқса металлургия, қишлоқ хўжалиги қисқара бошлайди. Ўз навбатида маиший хизмат кўлами кенгаяди, аҳолининг деярли 50% шу соҳада банд бўлади. Шунинг учун баъзида постиндустриал жамият — маиший хизмат қилиш жамияти деб ҳам юритилади. Ишлаб чиқариш (молиявий, банк, суғурта, савдо, илмий маслаҳат, дастур) ва ноишлаб чиқариш соҳаларида хизматлар (фан, таълим ва б.) ўсиб боради. Бунда урбанизация жараёни индустриал жамиятга нисбатан тескари равишда юз беради, қишлоққа саноат кириб боради.

Ф.Тейлорнинг меҳнатни ташкил қилиш усули бошқа қулай усуллар билан алмашади. Саноатда ёлланма меҳнатнинг ҳажми камаяди, маълумотли, билимдон одамлар ишлаб чиқаришда кўплаб иштирок этади. Моддий нарсалар омилидан кўра интеллектуал омил биринчи ўринга чиқади. Инсон юксак капитал эмас, балки ўз моҳиятини, билими, иқтидорини, кадриятларини намоён қилувчи ижтимоий кучга айланади. Билимларнинг структураси, мақсадлари ҳам ўзгаради. Бундай ахборотни ўрганиш, қайта ишлаш, илмий башоратлар бериш, дастурларни ишлаб чиқариш борган сари ортиб боради.

Демак, анъанавий жамиятда бойлик ташқи манбалар асосида қурилган бўлиб, табиат манбаларини эгаллаш ва уни ўзлаштиришга қаратилган.

Индустриал жамиятда ишлаб чиқаришнинг ички манбалари ишга тушади. Ишлаб чиқаришда бўлган имкониятлар рўёбга чиқади. Тадбиркорлик ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз ривожланишига олиб келади.

Юқоридагилардан шундай хулоса келиб чиқади: анъанавий жамиятда иқтисодий масалалар инсоннинг табиатга бевосита муносабати орқали ҳал қилинган бўлса, индустриал жамиятда инсон томонидан яратилган сунъий ишлаб чиқариш воситалари иқтисодиётнинг асосини ташкил этади. Шунинг учун бундай жамият иқтисодий жамият деб аталади.

Иқтисодий жамиятда иқтисодий муносабатлар жамиятдаги конкрет. гуруҳнинг мавқеи ҳал қилувчи омил сифатида иқтисодий муносабатлар тизимлари орқали белгиланади. Иқтисодий муносабатлар тизими ва бир-бирлари билан ўзаро ҳаракат қилувчи гуруҳларни иқтисодий социология ўрганади.

4. Ижтимоий ташкилотлар социологияси. Ташкилотларнинг турлари ва вазифалари.

Ташкилот ўзаро боғланган ва ўзига хос мақсадларга эришишга йўналтирилган ижтимоий гуруҳдир. Ҳар қандай ташкилот аъзоларининг хатти-ҳаракатини маълум маънода умумий натижага эришиш учун уйғунлаштира олса, бундай ташкилот мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Рус социологи А.И.Пригожин ташкилот атамасига 3 хил маъно беради:

1. Ташкилот - муайян гуруҳ доирасида янги меъёрларни ишлаб чиқиш, барқарор алоқалар ўрнатиш, ижтимоий гуруҳ аъзоларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришга қаратилган уюшма.

2. Ташкилот деганда, бирор-бир объектнинг белгиси, унинг тартибга солинган структурага эга бўлиш хусусияти назарда тутилади.

3. Ташкилот деганда маълум ижтимоий вазифани бажарадиган ижтимоий гуруҳ тушунилади.

Ташкилотларнинг қатор хусусиятлари мавжуд:

1. Ҳар қандай ташкилот ўз мақсадига эга.

2. Ташкилот аъзолари ўзига хос роль ва мақомлар бўйича тақсимланади.

3. Ташкилот меҳнат тақсимооти ва уни ихтисослаштириш асосида вужудга келади.

4. Бошқарув тизими ташкилот фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш учун ўзига хос воситаларга эга.

Ташкилот тушунчаси турли фан ва фаолият соҳаларида қўлланилади. Ижтимоий гуруҳлар мавжудлигининг реаллиги ижтимоий ташкилотлар (ишлаб чиқариш, диний, миллий, илмий бирлашмалар, сиёсий партиялар ва ҳ.к. шаклида) доирасида намоён бўлади. Ижтимоий ташкилот ижтимоий гуруҳларни жамоа (коллектив) сифатида шакллантиради. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ижтимоий меҳнат тақсимоотидаги аҳволини ифодаловчи ўз мавқеига эга бўлади. Масалан, корхона ташкилоти турли касб ва ёшдаги ишчи ва инженер-техник ходимларни ўзида бирлаштиради. У ижтимоий тизим томонидан интегратив функцияни бажаради.

Ташкилот ижтимоий тизим ривожланишининг олий даражасидир. Ижтимоий объектларга нисбатан “ташкилот” ёки бирлашма атамаси қуйидаги маънода қўлланади: Жамиятда муайян ўрин эгаллаган, маълум бир функцияни бажаришга қаратилган, институционал характердаги сунъий бирлашма ташкилот дейилади. Бунга корхона, ҳокимият органи, ихтиғрий уюшма кабилар мисол бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасида шундай дейилади: “- қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.”¹

Ижтимоий ташкилотлар хусусиятларини тушуниш учун А.И.Пригожин қуйидаги омилларни келтиради:

- ташкилот муайян мақсадни амалга ошириш учун ташкил этилади, улар кишилар бирлашмаси функциясини амалга ошириш воситасидир;

- ижтимоий ташкилотда роль ва мақомлар иерархик поғонага кўра тақсимланади, яъни ташкилот аъзоларининг ижтимоий вазифалари ва эгаллаган ўрни ўзаро боғлиқ бўлиб, у мураккаб тизимни ифодалайди. Бунда индивид конкрет ижтимоий ташкилотда қабул қилинган меъёрлар ва одамнинг ижтимоий мақоми белгилайдиган талаб, манфаатларни амалга оширади;

- ташкилот вертикал ва горизонтал тузилишга эга. Вертикал структурада бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимлар мавжуд. Бошқарувчи тизим горизонтал структуранинг фаолиятини мувофиқлаштиради. Ташкилотнинг вертикал тизимини мақсадга эришишга имкон беради, фаолият кўрсатишда барқарорлик ва самарадорликни таъминлайди;

- ташкилотнинг бошқарув тизимлари ташкилот элементларининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш механизми ҳамда воситаларини шакллантиради.

Ташкилотлар юқорида келтирилган характерли хусусиятларга эга бўлиш билан қуйидаги типологияга ҳам эга, яъни расмий ва норасмий ташкилотлар мавжуд.

Расмий ташкилот асосида зарур ихтисослашиш натижаси сифатида вужудга келган меҳнат тақсимоли ётади. Расмий ташкилот ишчан, керакли маълумотнинг боришини таъминлайди. У хизмат хулқ-атворидаги меъёрларни, фаолият дастурини, тақдирланиш принципларини ўз ичига олади. Расмий ташкилот рационалдир, яъни унинг асосида мақсадга мувофиқлик ётади.

Ижтимоий ташкилотлар ўзига хос шаклга ҳам эга. Қуйида улардан намуналар келтирамиз:

1. Ишчан ташкилотлар - тижорат мақсадида ёки нисбатан кенгрок ташкилий тизимлар томонидан айрим вазифаларни хал қилиш учун вужудга келтирилган фирма ва идоралар.

2. Ижтимоий уюшмалар, оммавий ташкилотларнинг мақсади “ичкарида” ишлаб чиқилади ва иштирокчилар индивидуал мақсадининг муносабатини ифодалайди. Бошқариш, тартибга солиш биргаликда қабул қилинган устав орқали амалга оширилади.

3. Ташкилотларнинг оралиқ шакллари, масалан кооперативлар (қишлоқ хўжалиги, балиқчилик жамоалари, артеллар) тадбиркорлик вазифасини бажаради.

4. Ассоциатив ташкилотлар оила, илмий мактаб, норасмий гуруҳлардан иборат. Уларнинг таркибий қисми, иерархияси, роллар тақсимоли, умумий қарор қабул қилиш нисбатан барқарор.

Ижтимоий ташкилот фаолиятининг ўзагини бошқариш ташкил этади. Бошқаришни социология нуқтаи назаридан таҳлил қилиш унинг уч элементи (даражаси)ни ажратиб кўрсатишни тақозо этади:

- а) мақсадга йўналтирилган бошқарув;
- б) ижтимоий ўз-ўзини ташкил қилиш;
- в) ташкил қилиш тартиби.

Ушбу элементларнинг муносабати мавжуд имкониятлардан фойдаланиш, уларнинг амал қилиш доирасини ва зиддиятларни бартараф этиш асосида интеграциялашади.

Бошқариш жараёни ўзига мувофиқ усуллардан фойдаланишни тақозо этади.

Ташкилотнинг айрим олинган ходимига нисбатан ижтимоий бошқаришнинг турли усулларини қўллаш мумкин.

- тўғридан-тўғри таъсир (буйруқ бериш);

- талаблар орқали (рағбатлантириш);
- қадриятлар тизими орқали (тарбия, таълим);
- ижтимоий муҳит орқали.

Ижтимоий гуруҳга нисбатан қуйидаги усуллар қўлланилади.

- гуруҳ таркибини мақсадга мувофиқ ҳолда шаклантириш. (малакаси, демографик хусусиятлари, психологик белгиси, ишчи ўринларни жойлаштириш кабилар);

- жипслаштирувчи гуруҳлар (мусобақалар, раҳбарлик усулини такомиллаштириш, ижтимоий-психологик омиллардан фойдаланиш кабилар).

Ижтимоий ўз-ўзини ташкил қилишда қуйидаги усуллардан фойдаланилади.

- расмий ва норасмий структуранинг мувофиқлиги (режалаштирилган алоқа ва меъёрлар орасидаги зиддиятни бартараф этиш);

- бошқаришни демократлаштириш (ижтимоий ташкилотлар ролини ошириш, қарорлар қабул қилишга ходимларни жалб этиш, меҳнат фаолиятини ошириш кабилар);

- ижтимоий режалаштиришни (ходимлар малакасини ошириш, жамоа ижтимоий структурасини такомиллаштириш, фаровонликни ошириш).

Бошқариш жараёни фақат бошқарувчи ва бошқарилувчи муносабатни билдирмайди. Ташкилотларда ўз-ўзини ташкил қилиш ҳам мавжуд бўлади. Бунда ташкилотнинг барча аъзолари умумий қарорлар қабул қилишда иштирок этади. Ўз-ўзини ташкил қилиш бу - оммавий, жамоа ва гуруҳ миқёсида ижтимоий ўзаро таъсирнинг маҳсули ҳисобланади.

Ўз-ўзини текшириш учун муаммоли саволлар:

1. Сиёсий сиоциологиянинг моҳияти нимада?
2. Сиёсий ҳаёт сиоциологиясининг сиёсатшуносликдан фарқи нимада?
3. Хоқимият ва ҳукмронликнинг нисбатини тушунтиринг.
4. Хоқимликнинг ифодаланиш шакллари қайсилар?
5. Сиёсий хатти-ҳаракатнинг моҳияти.
6. Иқтисодий соҳа сиоциологияси.
7. Ижтимоий ташкилотлар таркибига қайси бирлашмалар киради?
8. Ташкилотнинг вертикал ва горизонтал тузилиши.
9. Ижтимоий ташкилот шакллари.
10. Ижтимоий ташкилот қандай функцияларни бажаради?

6-мавзу: Соҳалар социологияси
Таълим-тарбия ва оила социологияси.
Жамоатчилик фикри социологияси
(2 соат)

Режа:

1. Таълим - тарбия социологияси.
2. Оила социологияси. Оиланинг вазифалари, тарихий ривожланиши, турлари.
3. Жамоатчилик фикри социологияси.

Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар: Таълим-тарбия социологиясининг вужудга келиши, унинг моҳияти ва вазифалари, таълим соҳасидан фарқи, Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ижроси, оила социологияси, унинг вазифалари, оиланинг вужудга келиши ҳамда ривожланиш тарихи, жамоатчилик фикрининг шаклланиши ва ижтимоий муносабатлардаги роли

Мавзуга доир таянч сўз ва иборалар: Таълим-тарбия социологияси, таълим структураси, оила социологияси, промискуитет, пуналуаль оила, моногам оила, жамоатчилик фикри.

Адабиётлар: 1,2,3,4,5,6,7,10 (1,2,3,4,5,7,14,15,16)

1. Таълим-тарбия социологияси.

Таълим-тарбия социологиясининг мустақил тармоқ бўлиб ривожланиши Э. Дюркгейм асарлари билан боғлиқ. Шундан бери у ғарб социологлари (Америкада К. Дженис, Дж. Коулмен, Францияда П.Бурдьё, Англияда Дж.Флауд ва бошқалар)нинг илмий ишларини бойитди.

Таълим - шахснинг яшаш фаолияти ва ижтимоий-лаштиришнинг турли табақалари ривожланиши ва шаклланишида бошланғич омил бўлгани учун зарур аҳамият касб этади.

Таълим социологиясининг объекти бўлиб, ижтимоий институт сифатида олинган таълим тизими, бутун бир жамиятда ва шу жамият ҳаётидаги соҳалар ва бошқа ижтимоий институтлар билан ўзаро ҳаракати ва ўзаро алоқаси ҳисобланади. Таълим социологияси социологиянинг шундай соҳасики, у таълимни ижтимоий институт (унинг жамиятдаги функциялари, бошқа институтлар билан ўзаро алоқаси) сифатида, унинг идоралари (мактаб, олий

ўқув юрти ва ҳоказо)ни ижтимоий ташкилотлар сифатида, шунингдек таълим соҳасидаги ижтимоий сиёсатни ўрғанади.

Таълим институтининг алоҳида ажралиши индустриаллаштирилган жамиятгача меҳнат ижтимоий тақсмотининг чуқурлашуви ва кенгайиши асосида, табақавий тенгсизлик ривожланиши ва давлат тизими жамиятнинг имтиғзли қатламлари вакиллари махсус тайёргарлик билан таъминлаш мақсадида бошланади.

Хозирги замон илғор индустриал давлатларнинг таълим тизими - шахснинг ижтимоийлашуви, унинг у ёки бу ижтимоий мақомни олишга тайёргарликда ва ижтимоий тизимларни такомиллаштиришда, интеграцияси ва барқарорлашувида муҳим ролни бажарувчи жамият аъзолари билимлари ва маҳоратларини узлуксиз ривожлантирувчи кенг ва юқори даражада дифференциациялашган ижтимоий тизимдир.

Таълим социологияси - таълим тизимини, янада кенгроқ ижтимоий тизимларни кичик тизим сифатида ва унинг бошқа кичик тизимлар ва бутун бир жамият билан ўзаро нисбати ва ҳаракатини ўрганувчи социология соҳасидир, бу таълим ижтимоий тамойилларини, таълим тизимларининг ўзаро ҳаракати қонуниятларини ижтимоий институт ва жамият, ижтимоий гуруҳлар ва шахслар бўлган ижтимоий ташкилотлар сифатида ўрганувчи фандир.

Таълим социологияси, даставвал, таълим тизими ва жамиятнинг ўзаро ҳаракати ва ўзаро муносабатлари умумий масалалари, унинг ўрни ҳамда ижтимоий тизимидаги ролини ўрғанади. Таълим социологияси таълим ва социумнинг чуқур ва мустақил ўзаро боғлиқлигини тан олишдан келиб чиқади. Бир томондан, айнан ижтимоий шароитлар ва омиллар бевосита таълим тизимининг хусусияти, турини аниқлайдилар ва шунинг сабабли таълимнинг оптимал тизимига эришиш учун мос ижтимоий дастлабки шарт-шароитлар ва фикрлар зарурдир; бошқа томондан буларнинг керакли ўзгаришсиз таълим тизимини такомиллаштирмасдан эришиб бўлмайди.

Таълимнинг ижтимоий роли ва ижтимоий функцияларини ўрганиш ушбу соҳанинг қуйидаги муҳим функцияларини ажратиб кўрсатишга имкон беради:

а) маданиятни тарқатиш ва авлоддан авлодга ўтказиш функцияси;
б) жамият маданиятини сақлаш ва генераторлик функцияси;
в) шахснинг ижтимоийлашуви функцияси;
г) ижтимоий танлов ҳамда жамият аъзоларини дифференциациялаш функцияси;

д) ижтимоий маданият ўзгаришлари функцияси, айти пайтда таълим тизимида янги технологияларни тадбиқ қилишга қаратилган назариялар;

е) ижтимоий назорат функцияси ва ҳақозо.

Таълим ўзига хос структурага эга. Унинг асосий элементларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) Таълим-тарбия муассасалари ижтимоий ташкилотлар, ижтимоий умумийликлар (педагоглар, ўқувчилар);

2) ўқув жараёни ижтимоий маданий фаолият сифатида.

Таълим тизими, шунингдек, ўз ичига қатор тизимларни олади:

- мактабгача тарбия тизими;

- умумтаълим мактаби;
- касб-техник таълими;
- ўрта махсус таълим;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- малакани ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизими;
- қизиқишларга кўра таълим.

Мустақил Ўзбекистонда таълим соҳасида бўлаётган ўзгаришлар таълимнинг ижтимоий структурасига катта таъсир кўрсатди. Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлашни замон талаблари даражасига кўтариш соҳасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ҳукумати таълимга ислохотларнинг барча босқичлари учун ҳам устувор соҳа деб қараб келмоқда. 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун ижросини таъминлаш мақсадида Республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 30 дан зиёд фармон ва қарорлари эълон қилинди.

1997 йил 27 август куни Олий мажлиснинг IX сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида” Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мамлакатимизда таълим ислоҳоти ўтказишдан кўзда тутилган мақсад, таълимнинг вазифалари, дастурни руғбга чиқариш босқичлари, кадрлар тайёрлашнинг миллий модели асослаб берилди. Миллий дастурда таълим ислохотларини уч босқичда амалга ошириш назарда тутилди.

Биринчи босқич (1997-2001 йиллар). Бу даврда мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жихатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган.

Иккинчи босқич (2001-2005 йиллар). Бу даврда Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, шунингдек, мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига, ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтишни тўлиқ амалга ошириш мақсад қилинган.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) да қуйидаги масалалар режалаштирилган: Тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш; таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш; ўқув-тарбия жараёнини янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш; таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизимини жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер тармоғи билан тўла қамраб олиш кабилар.

Олий мутахассислик таълими икки босқичдан иборат: бакалаврлик - базавий олий таълим бериш бўлиб, ўқиш камида 4 йил, у олий маълумот ва таянч мутахассислик дипломини беради; магистратура - аниқ мутахассислик бўйича олий касбий таълим бўлиб, бакалаврлик негизида камида 2 йил давом

этади. Ундаги таҳсил якуний квалификациявий давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан ниҳоясига етказилади.

Узлуксиз таълим тизимининг яқунловчи босқичи аспирантура ва докторантура (олий квалификацияли илмий ва илмий педагогик кадрларни шакллантириш) ни ўз ичига олади.

2. Оила социологияси. Оиланинг вазифалари, тарихий ривожланиши, турлари.

Оила социологияси – умумий социологиянинг асосий йўналишларидан бўлиб, у оилани никоҳ асосида ташкил топган, жамият тараққиётига муҳим ижтимоий вазифаларни бажарувчи социал институт сифатида ўрганади. Оила социологиясининг алоҳида вазифалари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

- жамият тараққиёти давомида оиланинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, ҳамда мавжудлик қонуниятларини ўрганиш;
- оиланинг моҳияти ва фаолияти ўзгариб боришини аниқлаш;
- никоҳ ва оила турлари эволюциясини ўрганиш;
- оила ташкил топиши ва тараққиётида авлодларнинг ўзаро таъсирини аниқлаш;
- оила тарбияси;
- оиланинг рекреатив фаолиятини ва оила ҳуқуқининг ижтимоий моҳиятини очиқ бериш;
- меҳнат тақсимотида оила ўрнини ўрганиш.

Оила социологияси оиланинг жамият билан ўзаро боғлиқлигига ҳам эътиборини қаратади. Чунки жамият ташкил топишида, унинг давомийлигини таъминлашда оила асосий ижтимоий, демографик манба ҳисобланади.

Оила асосини эркак билан аёл ўртасидаги никоҳ бирлиги ва насл ташкил этади.

Оила тараққиёти тўғрисида қатор назариялар мавжуд. Қуйида биз АҚШлик этнограф Л.Морганнинг оила тараққиёти босқичлари тўғрисидаги фикрини келтирамиз:

- Промискуитет - гввойиликнинг қуйи босқичига хос бўлиб, бунда айрим оилалар бўлмаган, оилавий ҳаёт ижтимоий ҳаётга тенг бўлган.

- Қон-қариндошликка асосланган оилада никоҳ қабила ва уруғ аъзолари орасида бўлади. Бундай оила эндогам бирликни ташкил қилади (гуруҳий никоҳ).

- Пуналуаль оила ва она авлоди бўйича яқин қариндошлар билан никоҳ ман қилинад (гуруҳий никоҳ).

- Моногам оила бир эркак ва бир аёл орасида бўлиб, у оталикни тан олиш ва оила мулкига эгалик қилишга асосланади. Моногам оила эски уруғчилик тузумининг емирилиб, янги кишилиқ ҳамжамиятларининг вужудга келиши билан боғлиқ.

Оиланинг вазифаси унинг структураси билан узвий боғланган.

Оила функцияси социолог М.С.Мацковский томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, уларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

- 1) Репродуктив (насл қолдириш) функция;

- 2) Тарбиявий функция;
- 3) Хўжалик-маиший функция;
- 4) Иқтисодий функция;
- 5) Бирламчи ижтимоий назорат функция;
- 6) Маънавий муносабат ва алоқалар функцияси;
- 7) Ижтимоий мақомий функция;
- 8) Хордиқ чиқариш функцияси;
- 9) Эмоционал функция.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оиланинг жамият тараққиётидаги, маънавий баркамол ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашдаги катта аҳамиятини ҳисобга олиб, оилага дахлдор бой ҳамда чуқур мазмунли миллий анъаналарни асраш мақсадида 1998 йил 2 февралда "Оила" республика илмий-амалий марказини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Марказ Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси ҳузурида Тошкент Давлат университети ва Тошкент Давлат педагогика университетининг оила муаммоларини ўрганиш бўйича лабораториялари негизида тузилган.

"Оила" марказининг фаолияти қуйидаги асосий йўналишлар билан белгиланган:

- бой миллий анъаналарни, миллий қадриятлар асосларини, аждодларимизнинг оила ва жамият, оила ва маҳалла билан боғлиқ меросини ўрганиш ҳамда тарқатиш;

- умуминсоний қадриятларнинг миллий оилавий тарбиядаги ролини ошириш ва уларнинг оилада уйғунлашувини таъминлаш;

- оиланинг педагогик, психологик, ижтимоий-психологик, этнопедагогик, этнопсихологик муаммоларини ўрганиш, шунингдек уларни ривожлантириш бўйича таклифлар ва тавсияларни тайёрлаш;

- оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини, унинг демографик хусусиятларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш;

- оила, аёллар ва болаларнинг ижтимоий-иқтисодий мақомини акс эттирувчи статистика ахборотини тўплаш ва умумлаштириш;

- оилани режалаштиришни, унинг соғлиғи тиббий-биологик асосларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этиш, услубий тавсияларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш;

- ёшларни оила ҳаётига тайёрлашни яхшилаш учун никоҳ аҳди саройлари ва саломатлик марказлари ҳузурида махсус ўқув-тарбия курслари ташкил этиш;

- оиланинг ҳуқуқий билимларини тубдан ошириш ва уни муҳофаза қилиш бўйича илмий-амалий фаолият олиб бориш;

- боланинг оиладаги қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш, ота-оналарнинг болалар соғлиғини мустаҳкамлаш ва уларни мактабга тайёрлаш масъулиятини оширишдаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- маънавият, маданият ва маорифни янада ривожлантириш орқали оилада уйғун камол топган авлодни тарбиялашнинг самарали, мақбул усулларини ишлаб чиқиш;

- оила ва жамият муаммолари ҳамда уларни хал этиш бўйича ўқув-услубий қўлланмалар, илмий-оммабоп рисоалар яратиш;

- оила ва жамият муаммолари бўйича халқаро алоқаларни ўрнатиш.

3. Жамоатчилик фикри социологияси.

Жамоатчилик фикри социологияси - ижтимоий гуруҳларнинг мавжуд ижтимоий воқеликка нисбатан баҳоловчи муносабатининг шаклланиши ва амал қилиши қонуниятларини ўрганади.

“Жамоатчилик фикри” атамаси инглизча public opinion сўз бирикмаларидан олинган бўлиб, у XVII асрда дастлаб Англияда қўлланилган, кейинчалик бу атама бошқа мамлакатларга ҳам ўтиб, XVIII аср охирида кенг тарқалган.

Жамоатчилик фикри - халқ истайдиган нарсани билишнинг ноорганик услубидир. Гегель фикрича, жамоатчилик фикрида ҳамиша ҳақиқий ва ҳақиқий бўлмаган нарсалар чатишиб кетса-да, у ҳар бир даврда катта кучга эга бўлади.

Жамоатчилик фикри ижтимоий онг шакллари, масалан фан ёки мафкурадан ноаниклиги билан фарқ қилади. Чунки фикрнинг ўзида у ёки бу ҳолатга нисбатан таҳминий, эҳтимолий оғиш бўлгани учун ҳам кўпинча инсонлар онгида вужудга келадиган ўткинчи, ўзгарувчан фикр-мулоҳаза, ҳис-туйғулар мавжуд бўлади. Лекин бу жамоатчилик фикри билан ҳисоблашмаслик керак, деган гап эмас.

Жамоатчилик фикрини социологик тадқиқ этишнинг предмети - бу жамоатчилик фикрининг ижтимоий моҳияти, унинг жамият ҳаётининг турли томонларига таъсири, шаклланиши, ифодаланиши ва амал қилиши механизмлари масаласидир.

Жамоатчилик фикри - кишилар онги ва хатти-ҳаракатининг ўзига хос кўриниши бўлиб, у ижтимоий онгнинг барча шакллари билан боғлиқ бўлган кундалик ва назарий онг бирикмаси ҳисобланади. Жамоатчилик фикри доимо кишилар томонидан у ёки бу ходиса жараёнини баҳолашлари билан боғлиқ.

Жамоатчилик фикрининг объектини аниқлашда икки муаммо эътиборга молик:

1. Жамоатчилик фикрини унда акс эттирилаётган воқеликнинг ўзига хослиги нуқтаий назаридан таҳлил қилиш.
2. У ёки бу ходиса жамоатчилик фикрининг объектига айланишининг мезонларини аниқлаш.

Жамоатчилик фикрининг объекти бўлиб, ҳам объектив воқелик, ҳам субъектив реаллик фактлари бўлиши мумкин. Шу билан бирга жамоатчилик фикри маълум даражада чегаралангандир, муайян бир ҳолатларгина жамоатчилик мулоҳазаларининг объекти бўла олади.

Булар:

- а) воқеа ва ходисаларнинг ҳаққоний мавжудлиги;

- б) воқеа ва ҳодисалар ўртасидаги муносабатлар;
- в) воқеа ва ҳодисаларнинг кишилар онгида акс этиши.

Ушбу ҳолатлар жамоатчилик фикри социологиясида “аниқлик чегараси” дейилади. Бу “чегара” ташқарисида бўлган нарсалар тўғрисида жамоатчилик фикри мулоҳазага эга бўла олмайди. Дуч келган ҳар бир нарса, ҳодиса, воқеа, жараён ёки факт жамоатчилик фикри объекти бўлавермайди.

Жамоатчилик фикрини уйғотишнинг биринчи омили ижтимоий манфаат бўлиб, бевосита манфаат туғдирадиган ҳодиса ва нарсаларгина мулоҳазага сабаб бўлади.

Жамоатчилик фикри 3 хил ифодаланиши мумкин:

- 1) жамоатчилик фикрининг стихияли ифодаланиши;
- 2) сиёсий институтлар ташаббусига кўра бирор бир қонунни муҳокама қилиш жараёнида жамоатчилик фикрининг билдирилиши;
- 3) махсус социологик тадқиқотлар ёрдамида жамоатчилик фикрининг аниқланиши.

Жамоатчилик фикрига таъсир қилиш 2 йўл билан амалга оширилади:

- 1) манипуляция қилиш;
- 2) илмий шакллантириш.

Жамоатчилик фикри ўз табиатига кўра динамик хусусиятга эга ижтимоий ҳодисадир. У жамиятда узоқ йиллаб статик ҳолатда яшаб келувчи пассив ижтимоий фикрлардан, энг аввало мақсаднинг конкретлиги, ижтимоий фикр реал-моддий кучга айланиб борганлигига, қатнашчиларнинг потенциал ва реал сони нисбати, масалани ҳал этиш қуввати-ҳосиласига кўра фарқланиб туради. Айни чоғда у жамиятда муайян мақсадларга эришиш йўлида интилувчи турли хил аморф йиғинлардан ҳам фарқ қилади.

Мустақил давлатчилик шароитида жамоатчилик фикрининг ижтимоий аҳамияти янада муҳим касб эта бошлади. Унинг амалий аҳамият фаолият сарҳадлари кенгайиб, жамият ҳаётида кўрсатадиган таъсир кўламлари кескин орта бошлади.

Мазкур ижтимоий ҳодисанинг мустақиллик шароитидаги янги вазифа ва йўналишлари Президентимиз И.Каримовнинг қатор асарларида илгари сурилган катта назарий масалалар мазмунидан янада ойдинлашади. Шу асосда жамоатчилик фикрининг бугунги долзарб йўналишлари қаторида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш жоиздир:

— ўзбек халқининг бир ярим аср давомида маҳрум этилган ўз ҳақ-ҳуқуқларини ўзи белгилаш орзусини ҳаётга жорий эттириш билан боғлиқ ижтимоий ҳаракат йўналиши;

— ҳар томонлама мустаҳкам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг барпо этилиши, барқарор бозор иқтисодиёти ошқора ташқи сиёсатни амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий - сиёсий ҳаракат йўналиши.

Мазкур бош йўналишлар мамлакат ички ва ташқи сиёсати бобида қуйидаги масалаларни ўз ичига қамраб олади;

— ўзбек халқининг миллий, ҳудудий, ҳиссий-эмоционал ва анъанавий ўзига хосликларидан келиб чиқувчи халқ демократияси тамойилларининг ижтимоий сиёсий ҳаёт мазмунидан кенг ўрин олиши;

— ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш, кишилар ўртасида қонун-қоидалар ва анъаналарга ҳурмат туйғуларини шакллантириш, қонун олдида катта ёшдагилар, амалдорлар, ишчи ва хоказо шахсларнинг тўла тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, аҳоли турли қатламлари хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш, қонун - қоидалар, анъаналарга нисбатан мустақкам ички интизом фазилатларини қарор топтириш;

— ватанга муҳаббат ва чин одамгарчилик тамойилларини қарор топтириш;

— Ўзбекистон ҳудудида туғилиб ўсган ва бу заминга меҳр қўйган ҳар бир фуқарода миллий ўзига хослигидан қатъий назар юксак ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш;

— мамлакатимизда ўзбекистонликлар учун ягона давлатчилик барпо этилганлигини назарда тутиб, Ўзбекистондан ташқарида яшовчи ҳар бир ўзбек учун бу давлат унинг учун ҳам она Ватан эканлигини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, ватандан ўзга давлатларда яшовчи ҳар бир ўзбек Ўзбекистон обрўсини юксалтиришга масъул эканлигини тушунтириш;

— мамлакатимизда яшовчи бошқа миллат вакилларига ҳурматда бўлиш, ўзбек тили тўғрисидаги қонунни ва ўзбек тилини ўзлаштиришларига кўмаклашиш, миллий ва ҳуқуқий чекланишларидан юқори бўлиш;

— умуминсоний кадриятлар асосидаги ахлоқий-эстетик қарашлар устуворлигини таъминлаш, ҳеч қандай мафкура, сиёсий қарашлар ва нуқтаи назарларнинг устун ижтимоий мавқе эгаллашига йўл қўймаслик, зеро, ҳеч қандай мафкура сўнги ҳақиқатни ифодалашга кафолат бера олмайди;

— ҳақиқий демократия кўзгуси ҳисобланувчи кўп партиявийлик тартиботини жорий этишни қўллаб-қувватлаш, айни чоғда давлат тузумини, мавжуд ҳокимиятни зўрлик ва куч билан ўзгартиришни мўлжалловчи, Ўзбекистон давлат суверенитети, мамлакат яхлитлиги ва даҳлсизлигига раҳна солувчи, миллий, диний, ирқий ёхуд ҳудудий айирмачиликка ундовчи, мамлакат конституциясига хилоф иш юритувчи барча партиялар, уюшма ва ижтимоий ҳаракатлар фаолиятларини қатъиян чеклашни ёқлаш.

Ижтимоий-маданий соҳаларда:

— гуманизм ғояларига садоқат, инсон шахси ва турмуш тарзи билан боғлиқ масалаларда ижтимоий ҳимоя воситаларини кенг қўллаш, шахснинг ҳақ-ҳуқуқлари, инсоний ғурури, ор-номусини ҳурматлаш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Декларация талабларига риоя қилиш;

— халқ маънавияти ва анъанавий ахлоқий қарашларини тиклаш, миллий меросни асраш, эҳтиёт қилиб авлодларга етказиш чораларини кўриш, қадимий тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, Ўзбекистонда асрлар давомида яратилган беқиёс санъат асарларини излаб топиш ва қайтариш чора-тадбирларини кўриш;

— ўзбек тилининг Ўзбекистон халқларини ўзаро ҳамжиҳатликка ундовчи ва уюштирувчилик ролини кенг тарғиб этиш, давлат тили тўғрисидаги қонун

талабларини тўла бажариш, Ўзбекистон халқлари тақдири, маданиятига хурмат билан муносабатда бўлишга даъват этиш;

— сўз, дин ва фикр эркинлигини таъминлаш, ислом ва бошқа динлар инсоннинг маънавий шаклланиш манбалари эканлиги, диний эътиқод давлат томонидан хурмат қилиниши, мўмин-мусулмонларнинг муқаддас ҳаж сафарларига кенг имкониятлар яратилиши;

— ҳар бир фуқарога умумий таълим, махсус билимлар ва олий маълумот олиши учун тенг ва барабар шарт-шароитларнинг яратилиши, мафкура ва миллий фетишизмдан холи бўлган янги демократик маориф концепциясининг ишлаб чиқилиши;

— илмий, ижтимоий, бадиий ва бошқа ижодиёт турлари такомилли учун етарли шарт-шароитларнинг юзага келтирилиши, иқтидорли ёшларга кенг йўл очилиши, интеллектуал мулк ҳимояси хусусида қарорлар қабул қилиниши:

Мазкур масалалар юзасидан давлат муассасалари, ишлаб чиқариш ва жамоат ташкилотларида, обрў-эътиборли шахслар кўмагида қуйидаги йўналишларда ялпи жамоатчилик фикрини шакллантириш мақсадга мувофиқдир:

— эзгулик йўлида хизмат қилувчи шахслар, меҳнат илғорлари, пиру-бадавлат инсонлар обрў-эътиборини оширишга қаратилган ижобий жамоатчилик фикрини шакллантириш;

— ижтимоий муносабатлар тизимида тоталитар тузум шароитида шаклланган ижтимоий зарарли одатлар, хусусан, сурбетлик, ҳафсизлик, жамоат мулкани менсимаслик ва топташ, космополитизм, ватанга беқадрлик, миллий маънавий кадриятларга хурматсизлик, хусусий мулкка нафрат сингари ижтимоий салбий ёндошувларни жамоатчилик фикри орқали нейтраллаш;

— Ўзбекистон Республикасининг инсонпарвар ички ва ташқи сиёсатини ялпи қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш.

Шундай қилиб, жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг муайян ҳолати сифатида кенг халқ оммасининг алоҳида шахслар, гуруҳлар ва реал борлик воқеа-ҳодисаларга нисбатан билдирувчи нуқтаи назаридир.

Ўз-ўзини текшириш учун муаммоли саволлар:

1. Таълим социологиясининг ўрганиш объекти.
2. Таълимнинг ижтимоий роли ва объекти.
3. Таълим структураси.
4. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил “Таълим” тўғрисидаги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”.
5. Таълим тўғрисидаги ислохотларнинг босқичлари.
6. Оила социологияси ва унинг вазифалари.
7. Оиланинг функциялари.
8. Жамоатчилик фикрининг объекти.
9. Жамоатчилик фикрининг ифодаланиши.

7 – мавзу: Девиант ва делинквент хулқ-атвор (2 соат)

Режа:

1. Ижтимоий меъёр тушунчаси.
2. Девиант ва делинквент хулқ-автор, уларнинг шакллари ва моҳияти.
3. Шахс хусусиятларининг шаклланиши

Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар: Ижтимоий меъёр тушунчаси, унинг моҳияти, ижтимоий меъёрларнинг ўзгарувчанлик характери, ижтимоий меъёрдан четга чиқиш, девиант ва делинквент хулқ-атвор, уларнинг намоён бўлиши, шахс хусусиятларининг шаклланиши. Гиёҳвандликка қарши кураш муаммоси.

Мавзуга доир таянч сўз ва иборалар: Ижтимоий меъёр, меъёрий қадриятлар, конформизм, суггестия, девиация, делинквент хулқ-атвор, инновация, ритуализм, ретретизм.

Адабиётлар: 1,3,4,5,6,7,9 (3,14,15,16,20,22,25)

1. Ижтимоий меъёр тушунчаси.

Ижтимоий меъёрлар бошқа қадриятлар каби шахс ва умумийликларни баҳолаш функциясини бажаради. Меъёрлар хулқ-авторни тартибга солиди ва ижтимоий назоратни амалга оширади. Бунда фақатгина фикр эмас, ирода ҳам ифодаланади. Ифоданинг индивидуал ифодаланишидан фарқ қилиб меъёр типик ижтимоий алоқаларни ифодалайди. Меъёр ғоялар ва идеаллар каби баҳолаб, йўналтириб қолмайди, балки буйруқ, фармойиш ҳам беради. Унинг характерли хусусияти қатъийлик ва кескинликдир.

Ижтимоий меъёрлар - жамият бошқарувининг ажралмас қисми бўлиб, шахс ёки ижтимоий гуруҳ хулқ-авторини муайян ижтимоий муҳитга мослаштирувчи қоидалар мажмуидир. Меъёрлар хулқ-авторнинг чегараси, шарт-шароити, шаклини муносабатлар характери ва унга эришиш мақсад ҳамда усуллари белгилайди. Меъёрлар хулқ-авторнинг умумий тамойиллари ва унинг конкрет параметрларини белгилагани учун ҳам бошқа қадриятларга қараганда кераклилик, даркорликнинг тўла модели, ўлчовини бериши мумкин.

Девиант хулқ-атвор социологияси муаммолари бўйича Ўзбекистонда кўплаб ишлар қилинган. Девиант хулқ-авторнинг турли кўринишларини республикамиз олимлари ўз тадқиқот объекти доирасида ўрганганлар. Республика файласуфлари Х.Шайхова, Ў.Назаров, М.Холматова, Н.Комилов (шахс тарбиясида маънавий-ахлоқий тарбия таъсири масалалари), социолог М.Б.Бекмуродов (ижтимоий меъёрларга жамоатчилик фикрининг таъсири жараёнлари), хуўуўшунослар А.Қулахметов, Ў.Каракетов, М.Усмоналиев (жиноятчиликнинг умумий жиҳатлари ва ўсмирлар жиноятчилиги масалалари),

психолог олимлар Б.Шоумаров, Н.А.Соғинов, С.А.Ахунжонова, З.Р.Қодирова, Э.Ш.Усмонов, Б.М.Умаров (ўз жонига қасд қилиш ва жинойтчилик муаммоларининг рухий-психологик асослари), педагог-олимлар О.Мусурмонова, Д.Ж.Шариповларнинг (оилада баркамол шахсни тарбиялаш ҳамда гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, чекиш каби иллатларнинг олдини олиш муаммолари) олиб борган илмий ишларини шундай ишлар жумласига киритиш мумкин.

Меъёрнинг бузилиши ижтимоий гуруҳ, жамият томонидан аниқ салбий муносабатни вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам меъёрлар девиацияга қарши кураш воситаси, тартиб ўрнатиш ҳамда ижтимоий барқарорлик воситаси бўлади.

Меъёрлар муайян хулқ-атворга бўлган талаб оқибатида вужудга келади. Ижтимоий реаллик ва талабларнинг турли-туманлиги меъёрлар турли-туманлигини келтириб чиқаради. Меъёрларни турли асосларга таяниб тасниф қилиш мумкин. Социология учун меъёрларни субъектга, шу меъёрни ташувчиларга кўра ажратиш катта аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб умуминсоний меъёрлар, жамият, гуруҳ ва жамоа меъёрларини ажратиш кўрсатишимиз мумкин. Замоनावий жамиятда ушбу меъёрлар узвий, боғлиқ ва бир-бирига таъсир кўрсатади.

Объектга ёки фаолият соҳасига кўра муносабатларнинг муайян турида амал қилувчи меъёрларни ажратиш мумкин. Булар - сиёсий, иқтисодий, эстетик, диний ва бошқа меъёрлардир.

Мазмунига кўра мулкчилик муносабатларини тартибга солувчи, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи, муассасалар фаолияти ҳамда давлатлараро ўзаро муносабатларни муайян тартиб - қоидаларга бўйсундирувчи меъёрлар бўлиши мумкин.

Меъёрий - қадриятлар иерархиясидаги ўрнига кўра асосий ва иккинчи даражали, умумий ва конкрет меъёрлар бўлади.

Ташкил бўлиш ва қайд этиш шаклига кўра қатъий белгиланган, қатъий қайд этилган ва ўзгарувчан, эгилувчан меъёрлар мавжуд.

Қўлланиш кўламига кўра меъёрлар умумий ва маҳаллий меъёрларга бўлинади.

Таъминланиш усулига кўра ички ишонч, жамоатчилик фикри ёки мажбурлаш, давлат аппарати кучига таянувчи меъёрлар бўлади.

Функциясига кўра баҳоловчи, йўналтирувчи, назорат қилувчи, жазоловчи, рағбатлантирувчи меъёрлар мавжуд.

Барқарорлик даражасига кўра ижтимоий кўникмалар, урф-одатлар, анъаналарга таянувчи ва аксинча, шундай асосга эга бўлмаган меъёрлар бор.

Аксарият ҳолларда ижтимоий меъёрдан четга чиқувчи хулқ-атвор ижтимоий санкциялар ёрдамида тартибга солинади. Меъёрдан четга чиқишнинг эпизодик шакллари кишилар орасидаги ўзаро таъсир тартибининг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, улар жамоатчилик фикри томонидан қайд этилади ва шу ўзаро таъсир иштирокчилари томонидан таҳрир қилинади. Ижтимоий меъёрдан четга чиқишга қарши кураш усули ва воситалари ижтимоий онг ва ҳукмрон

элита томонидан четга оғиш қай даражада ҳавфли эканлигига қараб белгиланади.

Кўпинча, ижтимоий меъёрдан кучли четга оғиш тизимнинг ривожланиш воситаси бўлади. Консерватив ва реакцион хулқ-атвор стандартларидан воз кечишга ёрдам беради, яъни позитив роль ўйнайди.

2. Девиант ва делинквент хулқ-атвор, уларнинг шакллари ва моҳияти.

Жамиятнинг меъёрий тизими ўзгарувчан характерга эга. Жамият ривожланиши билан меъёрларнинг ўзи ҳам, уларга бўлган муносабат ҳам ўзгариб боради. Меъёрдан четга чиқиш, меъёрнинг бузилиши табиий ҳол ҳисобланади. Меъёрларни тўла қабул қилиш конформизм дейилса, меъёрдан четга чиқиш девиация, девиант хулқ-атворнинг турли кўринишларида ифодаланади. Жамият ҳар доим инсони хулқ-атворининг номаъўул кўринишларига қарши чиқўан. Ўртача меъёрдан четга чиқиш, у хоҳ ижобий томонга, хоҳ салбий томонга бўлмасин жамиятнинг барқарорлигига ҳавф солган.

Девиант хулқ-атвор муаммосини социология фани доирасида дастлаб Э.Дюркгейм махсус ўрганган бўлса-да, жамиятнинг энг қадимий муаммоларидан бири сифатида девиант ҳолатларга муносабатлар қадим даврлардан шаклланиб келган. Қадимги халқларнинг диний-мифологик тасаввурлари, хусусан, Миср, Хиндистон ва Хитой диний қонун-қоидаларидаги ахлоқий меъёрлар бу соҳадаги дастлабки қарашлар эди. Қадимги Юнон ва Рим файласуфлари ҳам ўз асарларида мазкур муаммоларни таҳлил қилиб берганлар.

Ўрта асрларда ахлоқ меъёрлари диний қарашлар таъсири остига ривожланди ва улардан чекиниш диний нуқтаи назардан баҳоланган. Европада христиан дини барча соҳада ҳукмронлик қилган бўлса, шарқ дунёсида ахлоқий-ҳуқуқий меъёрлар ва улар ҳақидаги таълимотлар ислом фалсафаси таъсирида ривожланди.

XVII-XVIII асрларга келиб, Европада жамият ривожининг кучайиши ахлоқ меъёрларининг христианча талаблари доирасига сиғмай қолди. XVIII аср мутафаккирлари ижтимоий меъёр ва ундан чекиниш муаммосини янада чуқурроқ таҳлил қилдилар. Ш.Л.Монтескье, Ж.Ж.Руссо, Ч.Беккариа, Б.С.Гельвеций, Д.Дидро, П.Гольбах, Морелли ва Ш.Фурьелар ўз илмий изланишларида ижтимоий меъёрлар, ўадриятлар учун умумий бўлган қонуниятларни топишга интилдилар.

XIX аср охирларида табиий фанларда эришилган илмий ютуқлар ижтимоий фанлар тараққиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Хусусан, социологияда ижтимоий меъёрдан оғиш ҳолатларини тушунтирувчи дастлабки таълимот - Э.Дюркгеймнинг «аномия» ғояси яратилди.

Маълумки, социологиянинг фан бўлиб шаклланишида ижтимоий патология омилига эътибор қаратилиши муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Э.Дюркгеймнинг тўртта асари чоп этилган бўлиб, шулардан бири «Ўз жонига қасд қилиш» (1897) китоби девиантлик муаммосига бағишланган эди.

Америка социологиясида муҳим ўрин тутувчи таълимотлардан бири Э.Сатерленднинг дифференциал алоқалар таълимотидир. Бунга кўра, ҳар

қандай хулқ-атвор, шу жумладан, девиант хулқ-атвор ҳам ўрганилади, яъни мавжуд жамият аъзолари томонидан мазкур хулқ-атвор бошқаларга кўрсатилади.

Девиант хулқ-атвор муаммоларини тахлил қилишда Р.Мертон ишлаб чиққан таълимот социологияда етакчи ўрин тутди. Э.Дюркгеймнинг аномия ғоясини ривожлантириб, Мертон девиант хулқ-атворга қуйидагича таъриф беради: «Девиант хулқ-атвор жамиятда эълон қилинган ўадриятлар ва расмий хулқ-атвор стандартлари билан аҳоли хулқ-атвор мотивлари ҳамда мавжуд имкониятларининг бир-бирига мос келмай қолиши натижасидир.

Девиант хулқ-атвор ёзилган ва ёзилмаган меъёрларга мос келмайдиган ҳар қандай хатти-ҳаракат ва фаолиятни назарда тутди. Айрим жамиятларда анъаналардан четга чиқиш жиддий хато, ножўя иш каби кескин қораланган. Масалан, айрим жамиятларда инсон сочининг узунлиги ҳам, кўриши ҳам, хулқ-атвори ҳам назорат остида бўлган.

Девиацияга қарши кураш аксарият ҳолда ҳис-туйғулар, фикр ва хатти-ҳаракатлар турли-туманлигига қарши курашга ўсиб ўтган одатда бу нарса ҳеч қандай натижа бермаган, яъни девиация янада ёркинроқ ифодаланиши мумкин. Масалан, 80-йилларда ёшлар ғарб моделларига тақлид қилган, жамият бунга қарши ҳеч нарса қила олмади.

Кўп жамиятларда девиант хулқ-атвор носимметрик бўлади: ёмон томонга оғиш қораланади, яхши томонга оғиш қўллаб-қувватланади. Жамиятда одамларнинг аксарият қисми девиант бўлиши мумкин. (Бунга ўғрилар ҳам, солиқ инспекторини алдаганлар ҳам, ишга кечиккан, автобусда билет олмаган, мумкин бўлмаган ерда сигарет чекканлар ҳам киради). Бундай шароитда меъёрдан четга чиқиш миқдори ёки шаклига эътибор бериш керак. Девиант хулқ-атвор турлари кўп бўлиб, уларга оддий, элементар тартиб бузишдан тортиб катта жиноятларгача киради.

Тор маънода девиант хулқ-атвор деганда қонунга қарши бўлмаган меъёрдан четга чиқишлар тушунилади.

Қуйидагилар девиант хулқ-атворнинг нисбатан кенгроқ тарқалган кўринишларидан ҳисобланади:

а) жиноятчилик. Муайян давлатда ўрнатилган қонун ва меъёрларга нисбатан айрим шахсларнинг салбий муносабати туфайли жиноий фаолият келиб чиқади, мазкур шахс эса жиноятчи ҳисобланади.

б) ичкиликбозлик. Бу борада илмий адабиётларда бир неча таснифлар мавжуд: 1) Алкоголни ҳар-ҳар замонда истеъмол қилиш. 2) Алкоголни кўп истеъмол қилиш – спиртли ичимликларни мунтазам, яъни ҳафтада бир мартадан бир неча мартагача ёки, барваракайига ўртада танаффус билан кўп миқдорда (200 мл.дан ошиқ) ичиш. Бу кўпинча алкоголизмга олиб келади. 3) Алкоголизм – спиртли ичимликларга патологик (мутассил) ўрганиб қолиш билан тавсифланувчи касаллик.

в) гиёҳвандлик. Гиёҳванд ёки унга тенглаштирилган воситаларга мунтазам ружу қўйиш ва тиббий кўрсатмаларсиз истеъмол қилиш.

г) бюрократия. «Бюрократия» термини аслида «ҳокимиятга эга бўлган ходим» деган маънони англатади. Бироў даврлар ўтиши билан «бюрократия»

маҳаллийчилик, қоғозбозлик, тўрачилик, мансабни суиистеъмол қилиш каби салбий маъноларда қўлланила бошланди. Хозирги кунда кўплаб давлатларда «бюрократия» термини асл маъносини йўқотиб, бошқарувдаги ўзига хос идоровий услуб тарзида тушунилади.

Девиациянинг сабаблари нимада? Замоनावий социологияда жамиятнинг мақсадлари ва шу мақсадларни амалга оширишнинг ижтимоий қўллаб-ўувватлайдиган воситалари ўртасидаги узилиш девиацияга олиб келади, деб ҳисобланади. Америкалик социолог Р.Мертон бунга мувофиқ равишда жамиятга мослашиш тури деб ҳисобланган хатти-ҳаракат турини ажратиб кўрсатади. Мертон буни америкаликларнинг бойликка эга бўлиши мақсадлари муаммосини таҳлил қилиш орқали тушунтиради. Унинг фикрича хатти-ҳаракатнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. конформлик - маданий мақсадлар ва воситаларга мувофиқлик, яъни бойликка эга бўлиш учун ишлаш, ўқиш, бизнес қилиш ёки меърос олиш керак;
2. инновация - мақсадларни тан олади, лекин шу мақсадга эришишнинг ижтимоий қўллаб-ўувватланадиган воситаларини инкор этади (рэкет, наркотик сотиш, ўғрилик кабилар);
3. ритуализм - мақсадни инкор этиб, шу мақсадга эришишнинг жамият томонидан қўллаб-ўувватланадиган воситаларини маъўуллайди (бюрократизм, расмийликни мутлаўлаштириш);
4. ретретизм - ҳам мақсад, ҳам воситани инкор этади. (дайдилик, наркомания). Ретретизм жамиятдан ташўарида қолган кишиларга хос.
5. исён - ҳукмрон мақсад ва воситалардан бегоналашув ҳамда янги мақсад ва воситаларнинг шаклланишини назарда тутати.

Ижтимоий меъёрларнинг бузилиши жиддий, нојиддий, онгли ёки англолмаган ҳолда бўлиши мумкин. Қонунга тўғри келмайдиган хатти-ҳаракат тоифасига кирувчи онгли ёки англоб етилмаган барча жиддий хатти-ҳаракатлар делинквент дейилади.

Девиант ва делинквент хатти-ҳаракат ўйидагича фарқланади, яъни, девиант хатти-ҳаракат нисбий, делинквент хатти-ҳаракат мутлаў бўлади. Жиноятларга ўғрилик, фирибгарлик, вандализм, саноат шпионажи, қимор ўйнаш, ўт кўйиш, қалбаки хужжатлар тайёрлаш, порахўрлик киради. Делинквент хатти-ҳаракат мамлакатдаги қонунларга нисбатан мутлоқ бўлади.

3. Шахс хусусиятларининг шаклланиши.

Шахсларда юз берувчи девиант ҳолатларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишига кўплаб воситалар таъсир кўрсатади, бунда муҳим аҳамиятга эга бўлган учта омилни кўрсатиш мумкин. Булар шахс хусусиятлари, муаммоли ҳолат ва ижтимоий назорат институтлари. Айнан мана шу омиллар шахснинг қандай фаолият юритишини белгилаб беради.

Шахс хусусиятларининг шаклланишида асосан 3 та омил муҳим аҳамият касб этади, булар: 1) ирсий омиллар; 2) психо-физиологик омиллар; 3) шахснинг билим даражаси.

Шунингдек, ижтимоий меъёрдан оғишларнинг юз беришига шахснинг қатъийли ёки қатъиятсизлиги, принципаллиги ёки принципсизлиги, қоидаларга бўйсунмиш ёки бўйсунмаслик одатлари, бирон-бир қарорга кела олиш имконияти, ташқи таъсирга қанчалик берилиши, иродаси ва бошқа шу каби психофизиологик ҳолатлари, миждози ҳам катта таъсир кўрсатади.

Девиант хулқ-атворни ўрганишда муаммоли вазият муҳим аҳамият касб этади. Муаммоли вазият шундай ҳолатки, у субъектдан ечимини талаб қилади, унинг ечими ижтимоий меъёрларда кўрсатилган бўлса-да, у ёки бу сабабларга кўра, ушбу меъёрларни қўллаш қийинроқ бўлади.

Энг катта муаммоли вазият зиддиятли ҳолатларда, яъни турли шахслар ёки гуруҳларнинг манфаатлари бир-бирларига тўқнаш келганда юз беради. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ўз жонига қасд қилишларнинг 40%и оилавий зиддиятлар оқибатида содир этилади.

Зиддиятли ҳолатларнинг юзага келишига баъзан шахс хусусиятлари сабаб бўлса, баъзан кичик ижтимоий гуруҳлар, оила, маҳалла, ишлаб чиқариш бригадаси аъзолари, синфдошлар орасидаги салбий муносабатлар сабаб бўлади.

Жамиятда шахс шаклланишига таъсир этувчи муаммонинг ва уни ҳал қилиш имкониятларининг мураккаблиги даражасига кўра муаммоли вазиятнинг тўртта асосий ҳолати кўзга ташланади: 1) ҳеч қанақа муаммо йўқ ҳолат, бунда ҳолат ҳеч қандай қарор қабул қилишни талаб қилмайди; 2) муаммо бор, бироқ қийинроқ ёки осонроқ бўлса-да, унинг ечими ҳам ижтимоий меъёрларда кўрсатилган ҳолат; 3) мавжуд муаммони субъект ижтимоий меъёрлар доирасида ҳал қила олмайдиган ҳолат; 4) муаммони ҳеч қанақасига ҳал қилиб бўлмайдиган ҳолат. Ушбу турлича ҳолатлар кенг кўламда биридан иккинчисига ўтиб туради.

Муаммоли вазиятнинг мазмуни субъектнинг индивидуал мақсадлари билан жамият манфаатлари орасидаги мақсадлар ва унга эришишнинг мумкин бўлган воситалари орасидаги, фаолиятнинг кутилаётган оқибатлари ва унинг кўшимча натижаси (ижобий ёки салбий) орасидаги, шунингдек ижтимоий меъёр талаблари ва шахс хусусиятлари орасидаги зиддиятларнинг (кўпинча ўйлаб чиқарилган) пайдо бўлишидан иборатдир.

Жамият аъзолари шахсий нуқтаи назарларининг шаклланишида, уларнинг девиант хулқ-атворга нисбатан ижтимоий фаол муносабатларининг таркиб топишига тарбиявий жараёнлар учун бевосита мутасадди шахслар, ташкилотлар раҳбарларининг ўрни ва роли каттадир. Баъзи одамларга ортиқча имтиғларнинг берилиши жуда хавфлидир. Шу боисдан, ҳар қандай ҳолатларда ҳам мансабдор шахслар, турли жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоаларининг раҳбарлари, педагог ва тарбиячилар, қонунни ҳимоя қилувчи ташкилотлар вакилларининг хулқ-атвор меъёрларини бузиши қатъий қораланади.

Девиант хулқ-атвор турларига кирувчи ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўз-ўзини ўлдиришлар билан борлиқ ижтимоий иллатларнинг ҳар бири юзага келиши ва социал оқибатларига кўра моҳиятан фарқли жиҳатларга эгадир.

Биринчи фарқ, ижтимоий зарарли одатларнинг узоқ давом этиши девиант хулқи турмуш тарзининг узвий бўлагига айланиб кетишидан иборат бўлади. Доимий оилавий келишмовчиликлар, оила ва атроф-муҳитдан норозилик,

ишдаги тушунмовчиликлар ва ҳоказолар — буларнинг барчаси субъект руҳиятини жароҳатлайди ҳамда у мавжуд вазиятни ўзгартиришга уринади. Бу ўринда ижтимоий институтлардаги камчиликлар, шу жумладан, зиддиятлар ривожланишининг оддини олувчи ва уларга қарши курашувчи ижтимоий назорат тизимлари ҳам салбий роль ўйнайди.

Буларнинг иккинчи фарқли жиҳати юқоридаги ҳолатларни ҳал қилишнинг маълум қийинчиликларга эгалигидир. Маълумки, ҳар қандай ҳолатда ҳам, кўп «қурбон» бериб бўлса-да, тўғри ечимга эришиш мумкин. Лекин ҳамма гап шундаки, субъект «қурбон» бера оладими: хотини (ёки эри) билан ажралиб кета оладими, янги касбга эга бўла оладими ёки йўқми. Қатъий қарорга кела олмай, кўпинча субъект «ўринбосар» воситаларга, ичкилик ва гиёҳванд моддаларга мурожаат этади.

Бундай ҳолатларнинг кейинги фарқи шундаки, кўпинча субъект уларни ҳал қилишнинг нотўғри йўллари танилади. Оилавий ва ишдаги жанжаллар одатга айланиб қолганда бундан «қутулишнинг» нотўғри хаёлий йўллари, ичкиликбозлик, гиёҳванд воситалар ва бошқаларга мурожаат этилади. Бироқ бу йўл зиддиятнинг чуқурлашувига ва турмуш тарзини зарарлантирувчи омилга олиб келади.

Хозирги пайтда бутун дунёда гиёҳвандлик ва у билан боғлиқ жиноятлар кўпайиб кетгани, ёшларни гиёҳвандлик балосидан асраш мақсадида кўплаб ишлар қилиняпти. 1999 йил 16 сентябрда Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Унда наркобизнесга қарши кураш, ёшларни бундай аср вабосидан асраш чора-тадбирлари атрофлича кўриб чиқилган, шунингдек, ёшларнинг бўш вақтини қандай ўтказиш бўйича қатор тавсиялар берилган.

Ўз-ўзини текшириш учун муаммоли саволлар:

- 1) Ижтимоий ҳатти-ҳаракат деганда нимани тушунасиз?
- 2) Ижтимоий меъёр нима?
- 3) Ижтимоий меъёрдан четга оғиш.
- 4) Шахс хусусиятларини вужудга келтирувчи омиллар.
- 5) Муаммоли вазиятнинг вужудга келиши.
- 6) Девиант хулқ-атвор.
- 7) Делинквент хулқ-атвор ва унинг кўринишлари.
- 8) Девиациянинг сабаблари.
- 9) Шахс хусусиятларининг шаклланишига таъсир қилувчи омиллар.

**8 – мавзу: Амалий социологик тадқиқотларни ташкил
этиш ва умумлаштириш
(2 соат)**

Режа:

1. Социологик тадқиқотлар дастури.
2. Социологик тадқиқот усуллари.
3. Социологик маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаш- тириш.

Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар: Социологик тадқиқотларни эмпирик даражада ташкил этиш, социологик дастурнинг аҳамияти, дастурнинг таркибий қисмлари, социологик тадқиқот усулларида оғзаки сўровлар, ёзма анкеталар, интервью, кузатиш ва унинг шакллари, ҳужжатларни таҳлил қилиш ва илмий ҳисобот тузиш.

Мавзуга доир таянч сўз ва иборалар: Социологик тадқиқот, социологик дастур, анкета, респондент, корреспондент, ахборотни кодлаш, интервью, гипотеза, танлаш, мониторинг.

Адабиётлар: 1, 3,4,5,6,7,9,10 (3,6,7,11,15,23)

1. Социологик тадқиқотлар дастури

Социологик тадқиқотлар бўлажак изланишларнинг илмий асосланган режа ва дастурини тайёрлашдан бошланади. Дастур ҳақиқатдан келиб чиққан ва илмий-назарий жиҳатдан пухта ишланган бўлиши лозим. Зеро, тадқиқот натижалари қандай бўлиши ана шу омилларга бевосита боғлиқдир.

Дастур бўлажак тадқиқот материалларини тўплаш, қайта ишлаш ва маълумотларни таҳлил қилишни ўз ичига олади. дастур тадқиқ этилувчи ижтимоий муаммо моҳиятини аниқлаш, тадқиқот объекти ва предметини белгилаш, мақсад ва вазифаларини характерлаб бериш, иш фарази (илмий тахмин)ни белгилаш, усулларни аниқлаш, маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш тарҳини чизиб олиш каби қисмларни ўзида мужассамлаштиради. Шундай қилиб, дастур, асосан икки катта бўлим, яъни-назарий методологик ва амалий-услубий бўлимлардан иборатдир.

Назарий-методологик бўлим мавзу танлаш, тадқиқот объектини характерлаш, мақсад ва вазифалар, фараз ҳамда предметни аниқлаш каби қисмларни ўз ичига олса, амалий-услубий бўлим маълумотларни тўплаш усулларини баён этиш, йиғилган материалларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тавсиялар сингари амалий фаолиятларни мужассамлаштиради.

Дастурни ишлаб чиқиш жараёнида икки асосий талабга риоя қилиш муҳимдир. Биринчидан, ишлаб чиқилган назарий уюшмалардан реал тадқиқот жарёнларига ўта билиш ва иккинчидан, олинган натижалар, фактлар, йиғилган эмпирик материаллардан назарий умумлашмаларга, илмга қайта билиш, кўникмаларга эга бўлиш ана шу талаблар мазмунидир. Бу икки талабга риоя қилиш, бир жиҳатдан, социологик тадқиқотлар ўтказишни тизимли йўлга

қўйиш, жамият ижтимоий муаммоларини тадқиқ этиш ишларини узлуксиз амалга ошира боришни таъминласа, иккинчи жиҳатдан, илм-фан турли соҳаларининг узвий ривожлана бориши учун кенг имкониятлар очади.

Социологик тадқиқотларда илмий мақсад муҳим аҳамият касб этиб, тадқиқотларнинг назарий ёки амалий йўналишларда боришини кўрсатади. Мақсаднинг амалга оширилиш жараёнида тадқиқотчи уч анъанавий вазифани ўз олдига қўяди. Аввало мавзунини илмий-назарий жиҳатдан атрофлича тадқиқ этиш, иккинчидан, бу илмий - амалий мавзунинг бошқа илм ва ҳаёт жабҳалари билан нечоғлик боғлиқлиги, уларга таъсири масалаларини ўрганиш ва ниҳоят, учинчидан, ижтимоий зиддиятли ҳолатлардан чиқишнинг мантиқли асосланган йўллари белгилаб беришдан иборат.

Социологик тадқиқотлар илмий атамалари ва тушунчалари қаторида объект ва предмет тушунчаларига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Тадқиқотчи ижтимоий муаммо вазиятини самарали ҳал этиши учун объект ва предметни тўғри белгилаши муҳим аҳамиятга эга. Объект одатда мустақил тушунча сифатида тадқиқотчи илмий-амалий фаолиятларининг умумий сарҳадларини ифода қилади. Предмет эса тадқиқотчи томонидан муайян шаклга солинади ва махсус тадқиқот кўлами сифатида ўрганилади. Объект предметдан маъно жиҳатидан анча кенг, предмет объектнинг ҳосиласидир. Объект бу субъект ўрганиши керак бўлганнарса ёки воқеликни англатса, предмети эса объектнинг қай жиҳатларини ўрганишимиз кераклигини билдиради. Зеро, биргина объект замирида бир неча алоҳида тадқиқот предметларини ажратиб олиб ўрганиш мумкин.

Илмий муаммо объектини тизимли таҳлил этиш тадқиқотчи учун уч фаолият йўналишини очиб беради. Улар қуйидагилар: тадқиқот предметини аниқлаб олиш, асосий тушунчаларни ажратиб олиш ва уларга изоҳ бериш ҳамда тадқиқот учун иш гипотезасини яратишдир. Кўпинча ана шу талабнинг уччаласи бир пайтда юзага келади, шу боисдан ҳам юқоридаги уч талабнинг дастур босқичлари деб эмас, балки дастурнинг узвий қисмлари деб қараш мақсадга мувофиқдир.

Изланишга қаратилган тадқиқот режаси уч босқичдаги тадқиқот турини (хужжатларни ўрганиш, экспертлар билан маслаҳатлашув, кузатиш ўтказишни) ўз ичига олади. Бу босқичларнинг биринчисидан илмий муаммо хусусидаги маълум бўлган барча илмий, публицистик ва архив ҳужжатларини чуқур ўрганиб чиқиш назарда тутилса, иккинчи босқичда шу соҳа бўйича таниқли олимлар, тажрибали кишилардан иборат экспертлар гуруҳи фикрини ўрганишга эътибор қаратилади. Сўнгги босқичда эса тадқиқотчи муайян илмлар тасаввурларига эга бўлган ҳолда объект хусусида кузатиш ишларини олиб боришни кўзда тутади. Изланиш режаси илмий муаммони аниқ номлаб олиш ва асослайдиган гипотезани илгари суриш билан якунланади.

Баён этиш режаси бир қатор социологик тадқиқот режаларини қўллаш, олинган маълумотларни таҳлил этиш орқали қабул этилган фарзнинг ҳаётийлигини текшириб кўриш ва ўрганилаётган объект хусусида аниқ миқдорий ва сифат характеристикасига эга бўлишни тақозо этади. Баён этиш режаси асосида иш кўрилганда илгари маълум бўлган кўпгина фактларни

тартибга тушириш ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар қандай эканлиги хусусида кўпгина маълумотлар қўлга киритилади. Бундай тадқиқотлар объект тузилишига алоқадор барча эмпирик маълумотларни классификация қилиш билан якунланади. Социологик тадқиқотларнинг экспериментал режаси объект ҳақида маълумотлар асосида изоҳловчи фаразни илгари суриш имконини беради. Мазкур тадқиқот режасидан мақсад объект замиридаги сабаб оқибат алоқаларини аниқлаш, объектнинг айни ҳолати ва ривожланиши хусусидаги шарт-шароитларини аниқ билиб олишдан иборатдир. Социологик тадқиқотлар ўтказишнинг реал тажрибасида муайян илмий тадқиқот жараёнида юқорида тилга олинган ҳар уч режа ҳам ўзаро уйғун ҳолатда кетма-кет қўлланилиб боради.

2. Социологик тадқиқот усуллари

Социологик тадқиқот усуллари ичида ҳозирги кунда энг кўп тарқалгани сўров усулидир. Сўров усулининг қулайлиги шунда намоён бўладики, тадқиқотнинг кузатиш ва эксперимент усуллари фақат мутахассис социологлар қўллаши мумкин бўлса, сўров усулида тадқиқот ўтказишга қисқа муддатли тайёргарликдан ўтган ёрдамчиларни ҳам жалб қилиш ва улар ёрдамида респондентларнинг катта миқдорини қамраб олиш мумкин. Сўров усули бошқариш учун қулай усулдир. Бундан ташқари, тадқиқот кўламини кенгайтиришда сўров усулининг имкониятлари жуда катта. Бу усул қўлланилганда катта корхона ва муассасалар, соҳалар, минтақалар ва ҳатто, мамлакат миқёсида ҳам тадқиқот ўтказиш мумкин. Кузатиш усули фақат ҳозирги даврда юз бераётган ҳодисалар ҳақида маълумот берса, сўров усули респондентга бевосита мурожаат қилиб, унинг хулқ-атвори, ҳаракатдан кўзлаган ниятлари ўтган даврда қилган ва ҳозир қилаётган ишлари, келажакка мўлжаллаган режалари тўғрисида батафсил маълумот олиш имконини беради. Айниқса, кишининг ҳис-туйғулари, кечинмалари, ҳаракат мотивлари тўғрисида маълумот тўплаш керак бўлганда бу усул қўл келади. Чунки бу ҳодисалар кузатувчи нигоҳидан яширин бўлиб, уларни кузатиш усули билан аниқлаб бўлмайди.

Сўров усулининг моҳияти шундан иборатки, тадқиқот олиб борувчи савол беради ва респондент ўзининг дунёқараши, маълумоти, билими ва хоҳишидан келиб чиқиб, саволларга жавоб беради. Тадқиқотчи респондентга савол беришдан аввал ўзи бир неча саволларга жавоб топиши керак. Бу саволлар қуйидагилар:

1. Саволни кимга ёки кимларга бермоқчи?
2. Респондент саволларга жавоб беришни хоҳлайдими ёки йўқми?
3. Респондент қўйилган саволларга жавоб бера оладими, йўқми?
4. Респондент ҳаққоний жавоб бериши учун саволларни қай йўсинда, қай тарзда ва қай шаклда бериш керак?

Мана шу саволларга жавоб топа олган социолог тадқиқотнинг муваффақиятли чиқишини кўп жиҳатдан таъминлаган бўлади.

Тўпланиши керак бўлган маълумот характери ва уни тўплаш усулига қараб сўровлар икки турга бўлинади:

1. Анкета сўрови.
2. Интервью.

Савол берилиши мумкин бўлган одамлар ёки потенциал респондентларни қай даражада қамраб олишига қараб сўровлар яна икки турга бўлинади:

1. Ялпи сўровлар.
2. Танлаб ўтказиладиган сўровлар.

Булардан ташқари, очик ва ёпиқ сўровлар, юзма-юз ва сиртдан сўров сингари турлари ҳам мавжуд.

Социологияда кенг қўлланиладиган усуллардан бири интервью бўлиб, у анкета билан кўп умумийликка эга. Анкетада саволлар ёзма тарзда берилса, интервьюда оғзаки саволлар берилади. Интервью респондент билан бевосита мулоқотни тақозо қилади. Интервьюнинг оддий суҳбатдан фарқи яна шундаки, суҳбатдошлар бир-бирини қизиқтирган масалалар тўғрисида гап юритса, интервью жараёнида фақат бир томон – тадқиқотчи савол ва респондент жавоб беради. Интервью билан оддий суҳбат ўртасида тафовут яна шунда кўринадики, суҳбатдошлар, одатда, таниш одамлар бўлади, интервью эса деярли икки нотаниш одамнинг суҳбатидир.

Кузатиш усули фақат социология ёки ижтимоий фанлардагина эмас, балки фаннинг барча соҳаларида ҳам кенг қўлланилади. Кузатиш турли мақсадларда, турли шаклда, турли қамровда, турли воситалар ёрдамида олиб борилади. Барча одамлар ўз ҳаётларида кузатиш усулидан у ёки бу даражада фойдаланадилар. Лекин улар фойдаланадиган усул илмий кузатиш усули эмас, балки оддий кузатиш усулидир. Оддий турмушдаги кузатиш ҳам аксарият ҳолда муайян мақсадга йўналтирилган ва муайян даражада ташкил этилган бўлади. Лекин бу кузатишлар илмий мақсадни кўзламагани ва итмий муаммони ҳал этишга қаратилмагани учун илмий кузатиш бўла олмайди.

Илмий кузатишлар **байан** назария ёки фаразни тасдиқлаш, тўлдиришни, ёки бўлмаса рад этишни мақсад қилган ҳолда олиб борилади. Илмий кузатишнинг маиший турмушдаги кузатишдан туб фарқ қиладиган хусусиятларидан яна бири унинг назарий, илмий асосларидир. Кундалик турмушдаги кузатиш кишиларнинг ҳаёт тажрибасига асосланиб олиб борилса, илмий кузатиш илмий билимлар асосида олиб борилади.

Ижтимоий фанларда кузатиш усулининг қўлланилиши унинг табиий фанларда қўлланилишидан анча фарқ қилади. Табиатда тадқиқотчининг кучли ҳис-туйғуларини уйғотадиган воқеалар юз бермайди. Жамиятда юз бераётган ҳодисаларни кузатаётганда эса тадқиқотчи ҳис-туйғуларга берилиб кетиши, бўлаётган ҳодисаларга ижобий ёки салбий муносабатда бўлиши ва бу ҳол тадқиқот натижаларига, хулосаларнинг илмий ва объектив бўлишига таъсир ўтказиши мумкин. Шунинг учун ижтимоий ҳодисаларни кузатишга ҳаракат қилаётган тадқиқотчи ўз ҳис-туйғуларини тизгинлай олиши, хулоса чиқариш пайтида шу ҳис-туйғулардан юқорироққа кўтарила олиш қобилятига эга бўлиши лозим.

Социологик кузатиш олиб боришнинг шарт ва талаблари қуйидагилар:

1. Кузатиш керакли савияда ва даражада ташкил қилиниши керак. Бу шарт социологик тадқиқотлар тараққиёти билан боғлиқ бўлиб натижаларнинг объективлигини таъминлашга қаратилган. Кузатиш олиб борилганда шундай ҳолатлар вужудга келадики, уларни техника воситаларида тасвирга туширилмаса ёки овозлар ёзиб олинмаса, бу ҳолатларни табиий ҳолда қайтариш мумкин эмас. Шунинг учун кузатишни техник жиҳатдан таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

2. Кузатишнинг мунтазамлилиги. Бу шарт ҳам тадқиқот натижаларининг объективлигини таъминлашга қаратилган. Кузатиш мунтазам олиб борилмай, ўлда-жўлда ва ахён-ахёнда олиб борилса тадқиқот объекти учун характерли ҳолатлар кузатилмай қолиши ва оқибатда кузатиш натижалари объектив бўлмай қолиши мумкин.

3. Кузатувчининг холислиги. Бу шарт таъминланмаса, тадқиқот жараёнида кузатувчи ўзи ўрганаётган жараёнларга ижобий ёки салбий муносабат билдириши ва бунинг оқибатида воқеаларни субъектив талқин қилиши мумкин.

4. Кузатилаётган объект тўғрисида мумкин қадар кўпроқ маълумот тўплаш. Объект қанчалик батафсил кузатилса, чиқарилган хулосаларнинг ҳақиқатда шунчалик яқин бўлиши учун имконият яратилади. Хулосалар етарли бўлмаган маълумот асосида чиқарилса, объектнинг маълум хусусиятлари кузатувчи эътиборига тушмай қолган бўлиши мумкин. Бу эса хулосаларнинг нотўғри бўлишига олиб келади.

5. Кузатишнинг боришини ва натижаларини батафсил қайд қилиб бориш. Агар шундай қилинмаса, хулоса чиқариш пайтида кузатишнинг муайян натижалари эътибордан четда қолиши мумкин. Бу эса хулосанинг чала ёки нотўғри бўлишига олиб келади. Юқорида айтилганидек, кузатиш жараёнини қайд қилиб боришда техника воситалари катта ёрдам бериши мумкин.

Социологик кузатишларни шартли равишда икки турга бўлиш мумкин:

1. Четдан кузатиш.

2. Ичкаридан кузатиш.

Объект четдан кузатилганда ундаги жараёнларнинг иштирокчилари ўзлари кузатиш объекти эканликларидан мутлақо бехабар бўладилар. Масалан, харидорлар хулқини ўрганмоқчи бўлган тадқиқотчи сотиш залида ёки пештахта ортида туриб харидорларни кўпроқ қайси буюм қизиқтираётгани, уларнинг белгиланган нархларга муносабати ва бошқаларни кузатиши мумкин. Бунда харидорлар ўзларининг кузатиш объекти бўлганликларини билмайдилар. Агар улар ўзлари социологик кузатиш объекти бўлганликларини билиб қолсалар, уларнинг хулқида маълум ўзгаришлар юз бериши, демак, бу хулқ табиий бўлмай қолиши мумкин.

Четдан туриб кузатаётган тадқиқотчи ўрганилаётган объектга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди ва уни табиий ҳолда ўрганади. Ичкаридан кузатилганда тадқиқотчи икки хил усулдан фойдаланиши мумкин:

1. Очиқ кузатиш.

2. Яширин ёки хуфя кузатиш.

Илмий билишнинг бошқа усуллари сингари кузатиш усулининг ҳам афзалликлари ва камчиликлари мавжуд. Бу усулнинг энг асосий афзалликларидан бири шуки, у тадқиқ қилинаётган объектдаги жараёнларнинг кечишига таъсир ўтказмай ёки жуда кам таъсир ўтказган ҳолда ўрганиш имконини беради. Социологик кузатиш илмий эмпирик билиш усули сифатида ва моҳият эътибори билан мураккаб жараён бўлгани учун режа асосида олиб борилади. Кузатиш режаси усулнинг хусусиятлари ва асосий босқичларини назарда тутган ҳолда тузилади.

3. Социологик маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш

Маълумотларнинг таҳлил босқичи ўрганилаётган объект ҳақида олинган ахборотни шу объект ҳақида олдиндан мавжуд бўлган ахборот билан солиштиришдан иборатдир. Социологик маълумотларни таҳлил этиш босқичининг маъноси ва мақсади натижаларининг маъносини тушунтириб бериш, фикрларни умумлаштириш ва ягона назарий тизимга келтиришдир. Шунинг учун таҳлил натижасида ҳосил бўладиган ҳисобот, биринчидан, ўрганилаётган ижтимоий объектнинг миқдорий параметрларини ўзида мужассамлаштирган бўлиши, иккинчидан, унинг ривожланиш суръатларини ва йўналишларини (ўсиш ёки пасайиш) кўрсатиши, учинчидан, ижтимоий ходисалар орасидаги ўзаро алоқадорлик қонуниятларини ишончли кўрсаткичлар ёрдамида очиқ бериши керак. Яна шуни таъкидлаш зарурки, ишлов бериш ва математик таҳлил қилиш босқичидан кейин маълумотларни ўртача қийматлари ҳосил бўлади, улар умумий тасниф этилиб, тадқиқ этилаётган объектнинг хилма-хил элементларини яхлит тизимда ифодалайди. Тўпланган эмпирик ахборотларни тўғри изоҳлаш ва маълумотлар мантиғига мос хулоса ва тавсияларни шакллантириш тадқиқотчидан катта ақл ҳамда илмий-назарий абстракциялаш қобилиятини талаб этади.

Социологик тадқиқотнинг натижаларини тўғри изоҳлаб берувчи қатор илмий-услубий ечимлар тизими мавжуддир, аммо ҳар бир конкрет ҳолатда бу нарса бир бутун кишилар жамоаси (социологлар, ташкилотлар маъмурияти, маъмурий ва маърифий соҳаларда ишловчи шахслар, сўралувчиларнинг ўзлари) иштирокида амалга оширилади. Социологик тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш жараёнидаги айрим босқичларни ажратиш тавсифлашга ҳаракат қиламиз.

Биринчиси - тадқиқот гипотезаларига мос ва мувофиқ ҳосил қилинган эмпирик маълумотларни тартибга солиш, гуруҳларга ажратиш, таснифлашдир. Бу босқичда тадқиқ этилувчи ходисаларнинг миқдорий таснифлари тадқиқот томонидан қамраб олинмаган, объектлар тез-тез такрорланиши эмпирик маълумотларни статистик гуруҳларга ажратиш имконини беради.

Ижтимоий ахборотлардаги маълумотлар, ҳамда социологик тадқиқотларнинг вазифалари ва мақсадлари хилма-хиллигини инобатга олиб, ҳар хил гуруҳларга ажратиш усуллари қўллаш мумкин. Гуруҳларга ажратишнинг энг содда кўринишларидан бири - типологик қурималар, яъни кузатилувчи бирликларни бирон бир аломат бўйича махсус синчиклаб

ўрганишдир (масалан, ёши, жинси ва ҳ.к.). Хозирги пайтда ЭХМдан фойдаланиш натижасида бу усулнинг имкониятлари анча кенгайди. Ўзгарувчиларнинг типологиясини амалга ошириш ва барқарор гуруҳларни ажратиб олиш учун факторли, дисперсион таҳлил усуллари қўлланилаёпти.

Интерпретация ва таҳлилнинг иккинчи босқичи - сонли таснифларнинг ишончлилигини ва ўртача қиймат холислигини текшириш, маълумотларни умумлаштиришдир. Бу босқичда турли тасодифий таснифга эга бўлган ахборотлар бир-биридан ажратиб олинади.

Учинчи босқичда ҳосил қилинган сонли тавсиф орқали мавжуд бўлган тадқиқотнинг гипотезалари текширилади. Эслатиб ўтамизки, тахмин (гипотеза) деганимизда бирор-бир далил, ҳодиса ва жараёни тушунтириб (ёки рад этилади, ёки қабул қилинади) берадиган илмий мулоҳазани тушунамиз.

Социологик тадқиқотни ташкил қилишга ва ўтказилишига катта сарф-харажатлар кетиши туфайли ўрганилаётган муааммони иложи борица тўлароқ қамраб оладиган бир нечта гипотеза илгари сурилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва гипотезаларнинг ҳаётийлиги энг самарадор восита сифатида кишиларнинг ижтимоий фаолиятини яхшилашга хизмат қилади. Шу сабабли гипотезани синаш жараёнда тадқиқотчи кўпроқ реал ҳодисаларга таяниши, хилма-хил маълумотларни бирлаштириши, эмпирик материаллардан ўрганилаётган объектнинг зарурий, муҳим жиҳат ва хоссаларини ажратиб беришга интилиши керак.

Гипотезаларни эмпирик синашнинг энг яхши усулларида бири социологик экспериментдир. У гипотезаларни синаш усулларида энг ишончлиси бўлсада, ўрганилаётган субъектлар орасидаги боғланишлар мураккаб ва кўп қиррали бўлганлиги сабабли ҳозирги пайтда кам ишлатилади.

Хозирги замон социологиясида энг кўп қўлланиладиган усуллардан бири статистик усулдир. Гипотезаларнинг ишончлилигини аниқлашнинг типик усули сифатида миқдорларнинг ўртача қийматларини ҳисоблаш, ўзаро боғлиқ коэффицентларни аниқлаш ва ҳ.к. ни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Илмий ҳисоботни тузиш. Социологик таҳлилнинг натижалари тизимлашган ва гуруҳларга ажратилган кўринишда илмий ҳисоботда намоён бўлади. Ҳисоботни тайёрлашда шуни эсда тутиш керакки, у кейинчалик назарий ишларни давом эттиришга асос бўлиши ва ижтимоий бошқарув амалиётида социологик тадқиқотлар натижаларини акс эттирувчи моҳият ва шаклга эга бўлиши керак. Ҳисоботга изоҳловчи хат киритилиши илмий таомилга кирган бўлиб унда қисқача асосий хулосалар ва натижалар келтирилади.

Ҳисоботнинг иловаси сифатида жадваллар, графиклар, сўровномалар, бланклар, тестлар ва бошқалар келтирилади.

Ҳисоботнинг бўлимлари. Ҳисоботнинг таркиби тадқиқотнинг турига, назарий ёки амалий эканлигига боғлиқдир.

Даставвал ҳисобот тузилаётганда муаамонинг қўйилиши, тадқиқ этилувчи масалаларнинг таърифи, асосий тушунчаларнинг назарий интерпретацияси, муаамонинг қай даражада ўрганилганлиги ва унинг ечимига эътибор берилади. Алоҳида эътиборни тадқиқотнинг услублар таснифига, танловнинг тузилиши,

ахборотларни йиғиш тартибларига ажратиш керак. Охирида алоҳида бўлим орқали ўтказилган тадқиқот натижаларининг ҳар томонлама таҳлили ва қўйилган масалаларнинг ечим даражаси таснифланади. Бу бўлимнинг охирида тадқиқотнинг мавжуд бўлган амалий натижалари кўрсатилади ва аниқ хулосалар шаклланади, янги ахборотни олиш зарурлиги аниқланади ва уни ҳосил қилиш учун техникавий услубий тавсиялар берилади.

Иккинчидан, ҳисоботнинг ҳар бир бўлимида тадрижий бир-бирини тўлдирувчи икки қисмнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш зарур. Биринчи қисмда муаммолар ва натижаларни, иккинчи қисмда эса хулосаларни чуқур илмий асослаб бериши шарт. Бу эса, тадқиқотчини ҳозирги аҳволни шарҳлаш ва умумлаштиришдан ташқари, уни таҳлил ва башорат қилишга ундайди.

Учинчидан, ҳисобот сўровномадаги саволлар кетма-кетлигидан мустасно, респондентларнинг социал-руҳий портрети, интеллектуал имкониятлари воқеликка муносабати умумий манзарасининг ифодасидан иборат бўлиши керак. Ҳисоботда сўровноманинг барча саволлари ва уларга мос натижалари илмий мантқиқ талабларига биноан таҳлил этиб берилади.

Тўртинчидан, ҳисоботнинг техник жиҳатдан юқори савияда расмийлаштирилиши ва тўғри тузилиши катта аҳамиятга эга. Кўпи билан ҳисобот (иловасиз) 50-60 бетдан иборат бўлганлиги маъқул. Ҳисоботга доир тушунтириш хати 10 бетгача бўлиши мумкин. Ҳисоботда тадқиқот ишларига жалб этилган барча ташкилотлар, ўтказилиш муддати ва жойлари, тадқиқот услубиёти бўйича кўрсатма берувчиларни тайёрлашнинг тартиби ва таркиби, маълумотлар йиғишнинг такомиллаштирилиши, ахборотларни кодлаштириш учун ишлатилган тизим ва математик ишлов беришда қўлланилган усуллар кўрсатилиши лозим. Жадваллар керагидан ортиқча рақамларга эга бўлмаслиги керак.

Бундан ташқари ҳисобот ёзиш жараёнида буюртмачига тадқиқотнинг энг муҳим натижалари бўйича тезкор ахборотларни экспресс-ревью кўринишида топшириш мақсадга мувофиқдир.

Ўз-ўзини текшириш учун муаммоли саволлар:

1. Социологик тадқиқотларнинг режалаштирилиши.
2. Социологик тадқиқот дастури.
3. Респондентларни танлаш усуллари.
4. Ижтимоий буюртма.
5. Сўров усули нима?
6. Кузатиш ва унинг шакллари.
7. Социологик кузатишнинг зарур шартлари.
8. Интервью усулининг хиллари.
9. Аналитик таҳлилнинг ўзига хослиги.
10. Илмий ҳисобот тузиш.

9 - мавзу: Ижтимоий технологиялар (2 соат)

Режа:

1. Ижтимоий технологиялар, уларнинг моҳияти ва таснифи.
2. Ижтимоий технологиялардан ҳудудий даражада фойдаланиш.
3. Федерал ва ҳудудий иқтисодий сиёсатда ижтимоий технологияларнинг роли.

Мавзу бўйича қўйилаётган муаммолар: Ижтимоий технологиялар, уларнинг моҳияти ва «кишиларни бошқариш»дан фарқи, ижтимоий технологияларнинг объекти, улардан ҳудудий даражада фойдаланиш, ижтимоий технологияларнинг иқтисодий сиёсатдаги роли, мақсадга эришиш учун ҳаракат принциплари.

Мавзуга доир таянч сўз ва иборалар: Ижтимоий технологиялар, ижтимоий муҳандислик, макротехнологиялар, микротехнологиялар, мезотехнологиялар, Парето бўйича оптималлик ғояси, эмержент самараси.

Адабиётлар: 1,3,4,5,6,7,9,10 (18,23,24,28,29)

1. Ижтимоий технологиялар, уларнинг моҳияти ва таснифи.

“Кишиларни бошқариш” ўзининг технологик принциплари ва стратегик мақсадларига кўра “ресурсларни бошқаришдан фарқ қилади. Ижтимоий технологиялар бошқариш назарияси ва ижтимоий муҳандислик доирасида ХХ аср бошларидан ривожланди. Ижтимоий муҳандисликнинг вужудга келиши социологик фанлар хулосаларининг амалиётда қўлланиши, ижтимоий технологияларнинг ташкил этилиши билан боғлиқ.

АҚШ, Франция, Англияда 20-йилларда ўзаро муносабатларнинг турли технологиялари, ташкилий технологиялар ва ўз-ўзини бошқариш технологиялари ишлаб чиқилди. Улар 1929-1930 йилларда Э. Мейонинг инсоний муносабатлар ғояларида акс этган. Ижтимоий муҳандислик А.Гостев, П.Керженцев, М. Бирштейн, О. Ерманский номлари билан ҳам боғлиқ.

“Ижтимоий технология” атамасига доир таърифлар кўп бўлса ҳам, улар аниқ эмас. Технология атамасини ишлаб чиқариш соҳасига тадбиқ қилганда, у материалларни фойдали нарсага айлантириш усуллари, воситалари, бу борадаги хизматлар ва информациялар мажмуини англатади.

Кишилар турмуш даражасини кўтариш билан боғлиқ бўлган ижтимоий ўзгаришлар янги ижтимоий структуралар, институтлар, ижтимоий ўзаро таъсир шакллари ташкил қилиш чора-тадбирлари таъсирида бўладиган инвестициялар жараёнини ўзида ифодалайди. АҚШлик менежмент П.Друкер фикрича, “Ижтимоий янгиликлар пар локомотиви ёки телеграфни жорий

қилишга қараганда кўпроқ аҳамиятга эга”. Ижтимоий технологиялар эса инновацияларни амалга оширишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Ижтимоий технологиялар ҳозирги пайтда маъмурий буйруқбозлик тизимидан сиёсий ва иқтисодий эркинликка асосланган жамият қураётган Ўзбекистон учун катта аҳамият касб этади. Барча соҳаларда ижтимоий ҳаётни ташкил этишнинг янги шакл ва усуллари излаб топиш турли ижтимоий технологияларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Жамиятимиздаги барча фуқаролар янги иқтисодий муносабатларга етарли даражада тайёр эмас. Шунинг учун ҳам ижтимоий технологиялар ҳозирги пайтда қуйидагиларни тақозо этади:

а) аҳолининг айрим объектив сабабларга кўра янги шароитга мослаша олмаётган қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш;

б) иқтисодий ва ижтимоий тизимларни ўз-ўзини ташкил қилиш технологияларини яратиш;

в) минимал вақт ва минимал куч сарф қилиб кишиларни янги фаолият соҳалари учун тайёрлашга имкон берадиган таълим технологияларини ишлаб чиқиш.

Социология фанларида тўпланган билим ва тажриба ижтимоий технологияларни ривожлантириш учун асос бўлади.

Яқин пайтларгача социологияда кенг қўлланиладиган усуллар, асосан, билим олиш усуллари сифатида ривожлантирилган, ходисанинг моҳияти ҳақида етарли хулосаларга эга бўла туриб, муаммоларни ҳал қилиш йўлини кўрсатиб бераолмаганлар.¹

Социологияда ижтимоий технология тушунчаси қуйидаги маъноларни англатади:

1. Ижтимоий технология инсон фаолиятининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадга эришишдаги муайян усул.

2. Усулнинг моҳияти фаолиятни иш тартиби ва маросимлар ҳамда операцияларга оқилона равишда бўлиш, уларнинг ўзаро мувофиқ ва мутаносиблигини таъминлашдир.

3. Бундай тақсимот аввалдан, онгли ва режали тарзда илмий билимлар, илғор тажрибага асосланган ҳолда амалга оширилади.

4. Ижтимоий технология икки шаклда: дастур - иш тартиби ва операциялар ҳамда шу дастурга асосланган фаолият шаклида бўлади.

5. Дастур технологиялаштирилаётган фаолият йўналишини белгилайди.

6. Ижтимоий технология инсон маданияти элементи бўлиб, ижтимоий маданий муҳитда эволюцион йўл билан “ўсиб чиқади” ёки унинг қонуниятлари асосида қурилади.¹

Ижтимоий технология атамасига В.Г.Афанасьев, Э.Маркарян, С.Брусов, Э.Капитонов каби қатор олимлар таъриф берганлар. Илмий адабиётларда “ижтимоий технология” атамаси қуйидаги тўрт маънода ишлатилади:

¹ Қадаіа: Ааіаеёі І.Ѕ. Оаідаёе-аёеа ё іаіаёе-аёеа іііаіу дақдааіоёе оаоіеіаёе піоёеуііаі оіааеаіёу. Ааоідао. Аіёо-аёё. І.: 1994, п. 4

1. Ижтимоий технология, ижтимоий жараён ва тизимларга таъсир кўрсатиш бўйича инсон фаолиятини ташкил қилиш усуллари, воситаларининг мажмуидир. У ижтимоий субъектлар ўзаро таъсири уйғунлигини ташкил қилади.

2. Юқорида кўрсатилган усул ва воситаларнинг баён этилиши.

Ижтимоий технологияларни қўллашни ўрганиш 1-3 ойдан 2 йилгача вақт олади.

3. Ижтимоий технология деганда, шунингдек, қайта ташкил этилган фаолиятнинг усул ва иш тартиби, маросимларини ташкил этиш, ундан фойдаланиш ва тарқатишни ўзида ифодаловчи билим соҳаси тушунилади.

4. Ижтимоий технология ижтимоий субъектларни қайта куриш фаолияти характеристикасини англатади.

Хар қандай жараённи технологиялаштириш учун бир неча шартни бажариш зарур. Биринчидан: жараённинг ўзи шундай мураккабликка эга бўлиши керакки, уни айрим бўлақларга ажратиш мумкин бўлсин. Иккинчидан: минимум даражадаги саъйи-ҳаракат билан максимал натижага эришиш учун субъект фаолиятини бир тизимга солишга имкон берувчи воситаларни қидириб топиш.

Хар қандай технологиянинг биринчи белгиси ушбу жараённи ўзаро боғлиқ бўлган босқичлар, операцияларга ажратишдан иборат. Иккинчи белгиси мақсадга эришишга йўналтирилган фаолиятнинг ўзаро мувофиқлиги ва босқичма-босқич амалга оширилиши. Учинчи белгиси шундан иборатки, хар бир технология ундаги маросим ва операцияларни бажаришда бир хиллик бўлишини тақазо этади.

Ижтимоий технологияларда маънавий ва моддий ишлаб чиқариш орасида инсон қобилияти ва талабларининг алмашуви воситаси назарда тутилади.

Инсон, одамларнинг ўзаро таъсири, катта ва кичик ижтимоий гуруҳлар, шунингдек, турли институт ва ташкилотлар ижтимоий технологиянинг объекти бўлиб ҳисобланади.

Ижтимоий-технологик ёндошув маъмурий буйруқбозлик муносабатининг муқобили ҳисобланади. У ижтимоий ходисалар ички ва ташқи алоқалари турли-туманлигини, ўзгартиришларнинг кўп вариантлилиги ва табиийлигини, инсоннинг шахс сифатида ривожланишини таъминлашни, хар бир инсоннинг ўз имкониятларини ривожлантириш учун шароит яратишни тақазо этади.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда чуқур ишлаб чиқилган технологияга, жамиятни авторитар тазйиқдан ҳоли ривожлантиришга, шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқлари муҳофаза қилишга талаб катта ва барча шароит мавжуд. Ушбу давлат аҳамиятидаги муомалани хар қилиш учун ўрта ва микродаражадаги ижтимоий технологияларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш керак.

Бозор иқтисодиёти хар бир одам меҳнатининг самарали бўлишига имкон берувчи бошқариш ва ташкил қилишнинг замонавий технологияларини, турли фаол ижтимоий гуруҳлар орасида ишчан алоқаларни ташкил этишни талаб қалади.

Реал ҳаётда турли технологиялардан фойдаланилади. Инсон фаолияти ва ижтимоий жараёнинг ҳар бир тури учун турлича технологиялар ишлаб чиқарилган. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Бугунги кунда бошқариш ва ахборот технологиялари шунингдек таълим ва касбий тайёргарлик, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда фаол инсонни ривожлантириш технологиялари, низоларни ҳал қилиш каби технологиялар ишлаб чиқиляпти. Инсон ва унинг фаолиятини ўрганувчи ҳар бир тармоқ ижтимоий жараёнларни такомиллаштиришга ёрдам берувчи ўз ижтимоий технологиясини яратмоқда.

Ижтимоий технологияларнинг қандай ижтимоий муносабатлар даражасида ишлаб чиқилиши ва жорий этилишига қараб, уларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

— макротехнологиялар, яъни макротизимлар (жамиятнинг ҳудудий тизимлари, синфлар, партиялар, катта ижтимоий гуруҳлар ва б.) технологияси;

— мезотехнологиялар, яъни ўрта даражада – шаҳар, бошқа аҳоли пунктлари, йирик меҳнат коллективлари ва б. ларда қўлланиладиган технологиялар;

— микротехнологиялар, яъни кишиларнинг катта бўлмаган бирлашмалари, микродаражадаги ижтимоий жараёнлар, шунингдек, шахс имкониятларини ривожлантириш ва ундан оқилона фойдаланишга мўлжалланган технологиялардир.

Ижтимоий технологияларни жамият ҳаётининг асосий соҳалари ва инсон фаолияти турларига кўра яна қуйидагича тасниф қилиш мумкин: ишлаб чиқариш ва меҳнат, сиёсий, таълим фаолияти, спорт соҳаси, оилавий турмуш соҳаси бўйича.

Фаолият йўналиши бўйича ижтимоий технологияларни 4 турга ажратиш кўрсатамиз:

1. Ижтимоий тизимларни шакллантириш технологиялари (масалан, ижтимоий лойиҳалаш).

2. Ижтимоий тизим ва жараёнлар барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган функционал технологиялар (масалан, ижтимоий бошқариш).

3. Ижтимоий тизимларни ўзгартириш ва ривожлантиришга қаратилган технологиялар (очиқ турдаги ўйин усуллари).

4. Ижтимоий кураш технологиялари ижтимоий тизимни муҳофаза қилиш ва кераксиз ҳодисаларни бостириш технологиялари (жамиятдаги ҳавфсизлик ва тартибни муҳофаза қилиш)¹.

Шундай қилиб, ижтимоий технология мавжуд тажрибани танқидий таҳлил қилиш асосида ижтимоий жараёнлар ва кишилар фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи инновациядир.

2. Ижтимоий технологиялардан ҳудудий даражада фойдаланиш.

¹ Аоа-аіеі А.Њ., Іаеадаае- А.І. Њоёеіеаіади́ау а́уо́аеуі́но́у, ъоёаеуі́а і́оіаеоёд́іааіе́а, ъоёаеуі́ау о́аоі́еіае́у. // Њоёеіае́у І., 1989, ъ. 166-167.

Ижтимоий технологиялардан ҳудудий даражада фойдаланиш катта аҳамиятга эга бўлиб, у қуйидаги сабаблар билан боғлиқ.

Ҳудудий иқтисодиётда мураккаб ҳудудий структуралар учун мақсадни шакллантириш асосий концептуал – услубий муаммолар қаторига киради. Глобал даражада ҳудудий фаннинг мақсадли параметрлари инсон мавжудлиги ва жамият фаолиятининг меъёрий мақсадлари ҳамда онтологик категориялари билан бирлашади. Ўйилган мақсадлар уни амалга ошириш учун мувофиқ бўлган тизимда намоён бўлади ва моддийлашади.

Шунинг учун ҳам бу мақсадларни ўз вақтида ва беҳато қидириб топиш ва конкретлаштириш муҳимдир. Чунки ҳудудий ривожланиш мақсадлари бозор иқтисодиёти мақсадлари билан тўғри келмайди. Ҳудудий мақсадларда инсониятнинг кўп асрлик глобал интилишлари акс этган¹.

Замонавий ҳудудий дастурлаш ва тартибга солишга мувофиқ мақсадли дастурларда уч асосий турдаги пировард мақсадлар қўйилган бўлиши керак.

Биринчи тур мақсадлар ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштиришга қаратилган. У ресурсларнинг янги турларини хўжалик оборотига жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, ҳудудий хўжаликларни ихтисослаштириш, турли мажмуаларни шакллантириш, шаҳар ва қишлоқларни тўғри жойлаштиришни ўз ичига олади.

Иккинчи тур мақсадлар мамлакатнинг турли ҳудудларида бир хил ижтимоий-иқтисодий яшаш тарзини таъминлашга йўналтирилган. Бу эса турли ҳудудларда даромад ва бандлик даражаси ҳамда ишсизлик салбий оқибатларини камайтириш, меҳнат ресурсларини керакли йўналишда кўчиришни рағбатлантириш, кам ривожланган ҳудудлар деградациясининг олдини олиш билан боғлиқ.

Учинчи тур мақсадлар ресурс-иқтисодий мақсадлари ҳисобланади. У табиий ресурслардан ишлаб чиқаришда фойдаланишнинг оқилона кўламини ўрнатиш, табиатга салбий антропоген таъсирни бартараф қилиш ёки камайтириш, туризм ва аҳолининг хордиқ чиқариши учун шарт-шароит яратишга йўналтирилган.

Ишлаб чиқариш кучлари ва жамият ҳаёт фаолияти ривожланишининг объектив талабларидан келиб чиқадиган ушбу мақсадлар ҳудудий дастурларнинг кўпмақсадли ва комплекс характерини белгилайди.

Кўп тадқиқотчилар ҳудудий ривожланишни ҳудуд иқтисодий имкониятлари ўсишига тенглаштиришни рад этганлар. Ҳудудий ривожланиш ҳудуд туман фаолияти тартиби сифатида талқин қилинади. У аҳоли юқори турмуш даражаси параметрларининг ижобий ривожланишига ҳамда ҳудуднинг ижтимоий, хўжалик, ресурс, экологик имкониятларини мувозанатли қайта ишлаб чиқаришга йўналтирилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, бошқариш ҳудудий даражасининг асосий вазифаси – ижтимоий масалалар устуворлигида иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш уйғунлиги, бирлиги ҳисобланади. Бу шуни англатадики, ҳар бир қабул қилинаётган қарор ўзининг кишилар яшаш

¹ Iacoboni I. A. Dããeñiaëuñã ïðãñçedããããã è ðããeñiaëuñã ðãçãeðeã Ðĩññe. Ì.: 1995, ñ. 47.

шароитига таъсир кўрсатиши нуўтаи назаридан баҳоланиши керак. Яна шуни қайд этиш керакки, ижтимоий масалаларни олдинма-кетин ҳал қилиш уларнинг ҳудуднинг иқтисодий ривожланиш самарадорлигига таъсир этиш даражасига кўра ҳам баҳоланиши лозим.

Худуддаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солишда иқтисодий ташхис (диагностика) катта аҳамият касб этади, у худуднинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини атрофлича таҳлил қилади ва унга баҳо беради.

Худудий хўжаликни тартибга солиш ва бошқариш иқтисодий механизмининг мақсадли модели худудий иқтисодиёт ривожланишининг фақатгина қайта ишлаб чиқариш эмас, балки муаммоли аспектини ҳам ўз ичига олади.

Биринчи маротаба худуд муаммосини ҳал қилишга дастурий-мақсадли муносабат АҚШда Теннесси дарёси водийсидаги «фалокат районлари»нинг иқтисодиётини кўтариш бўйича кенг миқёсдаги давлат тадбирини амалга оширишда қўлланилди. Ушбу худуд ва мамлакат илғор штатлари орасидаги иқтисодий тафовутни бартараф этиш «Теннесси дастури»нинг бош мақсади бўлган. Теннесси дарёси водийсини бошқариш федерал агентлигининг асосий вазифаси – Теннесси дарёси ҳавзасини тартибга солишнинг ягона тизимини ташкил этиш, дарёда кемалар ўатнови шароитини яхшилаш, ўрмон экиш ва худудда ернинг аҳволини яхшилаш, электроэнергия ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан иборат.

Умуман олганда, хорижий мамлакатлар ижтимоий технологиялардан худудий даражада фойдаланишда катта тажрибага эга. Лекин ўйламасдан фойдаланиш хавфлидир. Бошқа менталликка хос бўлган ижтимоий технологияларни бошқа маданий заминга ўтказиш қутилмаган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва психологик реакцияни келтириб чиқаради¹.

Турли салбий жараёнлар шароитида худудий дастурларнинг мураккаблашуви билан иқтисодий, ижтимоий, экологик жараёнларни бошқариш ошади, яъни, бошқариш фаолиятининг махсус воситаси сифатида ижтимоий технологияларнинг роли ўсади. Хордиқ ва маданият соҳасидаги ижтимоий технологияларга катта эътибор бериш керак. Ўйламасдан тарихий биринчи ижтимоий маданий технологиялардан – миллий анъанавий урф-одат, тартиб, таомиллар, замонавий ижтимоий-педагогик амалиётда эса – экспериментал мактаб-дастурлари (Д.Кабалевский, Б.Неменский) эстетик ва бадий тарбиянинг комплекс дастурлари, халқ ижодиётининг ривожланиши, тарих ва маданият ёдгорликларини қўриқлаш, оиланинг хордиқ чиқаришини ташкил этиш кабилардан воз кечиб бўлмайд.

Кўплаб замонавий ижтимоий-маданият институтларининг фаолияти замонавий прогрессив ижтимоий технологиялар учун асос бўлиб хизмат қилади. Одатда улар шароитга қараб, қатор омиллар худуддаги маориф, маданият, санъат, спорт марказларининг мавжудлиги, аҳолининг ижтимоий хордиқ чиқариши характери ҳамда уларни амалга ошириш шароитлари,

¹ Социальное управление. Словарь-справочник. С. 152.

худуддаги ижтимоий-демографик, иқтисодий, этник ва бошқа вазият билан боғлиқ равишда шаклланади.

Худудий ривожланиш мақсадлари бозор иқтисодиёти мақсадлари билан бир хил эмас, чунки уларда инсоннинг онтологик, кўп асрлик интилишлари мужассамланади. Худудий ривожланишнинг умумжаҳон анъаналари жамиятнинг кадриятга оид кўрсатмалари ва стратегик вазифаларига йўналтирилгандир.

3. Федерал ва худудий иқтисодий сиёсатда ижтимоий технологияларнинг роли.

Федерал марказ ва худудлар ўртасида айрим иқтисодий ва бошқа дастурларни амалга оширишдаги ўзаро муносабатда марказ юқоридан ўрин олган бўлиб, қатор устуворлик ва имтиёзларга эга, худудлар эса бошқаришнинг куйи даражасида жойлашган.

Мақсадга эришиш ва дастурни муваффақиятли амалга ошириш учун марказ куйидаги ҳаракат принципларини амалга оширади:

- 1) мувозанат ва тартибга солинадиган мувозанат;
- 2) Парето бўйича оптималлик;
- 3) кафолатланган натижа принципи;
- 4) огоҳлантириш сценарийси;
- 5) куйи даражадаги параметрларни марказнинг аниқ билмаслигида бошқариш;
- 6) кооператив тарзда биргаликда қарор қабул қилиш.

1) Мувозанат ва тартибга солинадиган мувозанат. Хар бир субъект ўз мақсадига эришиш учун муайян ресурс ва имкониятларга эга бўлади; мавжуд вариантлардан конкрет биттасини танлаш унинг стратегия (бошқариш)сини қайд этади. Барча субъектлар ўз стратегиясини танлагач, ҳамма мақсадли функцияларнинг аҳамияти маълум бўлган вазият вужудга келади. Субъектларнинг ўзаро таъсири ва алоқаси шу билан белгиланадики, ҳамма иштирокчилар фақат ўз стратегиясига эга бўлади, мақсадли функцияларнинг аҳамияти эса қолган субъектларига тегишли стратегияни танлашига боғлиқ. Мувозанатли концепциянинг моҳияти жамоа бўлиб қарор қабул қилишда, иштирокчиларнинг бирортаси учун мувозанатли стратегиядан якка ҳолда четга чиқиш ижобий роль ўйнамайди. Мувозанатли концепция кўп субъектлар фаолият кўрсатган вазиятда қарор қабул қилиш учун энг кенг тарқалган восита ҳисобланади. Масалан, мамлакатдаги бирор бир шаҳар ҳокимиятида бир томонлама тартибда қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

Тартибга солинадиган мувозанатдаги бошқаришнинг иерархик структураси ва унинг юқори даражасидаги марказ катта аҳамиятга эга.

Марказ ва худудлардан иборат бошқариш структураси бўшлиқда эмас, балки муайян ташқи муҳитда фаолият кўрсатади. Аксарият ҳолларда, марказ четдаги худудларга қараганда ташқи муҳит параметрлари ҳақида кўпроқ маълумотга эга. Марказ худудларни мавжуд ахборот билан таништириши мумкин, лекин барча нарса ҳақида гапириши шарт эмас. Масалан, хом ашёни экспорт қилишда давлат худудлардан уни арзонга олиш учун ташқи бозордаги

нарх-навони камайтириб кўрсатиши мумкин. Шундай қилиб, ҳудудларга ахборотни узатиш марказнинг стратегик бошқаруви бўлади, бундай стратегия ахборотни тартибга солиш дейилади.

Ахборотни тартибга солиш натижасида мувозанатли вазият вужудга келса, у тартибга солинадиган мувозанат вазифаси ҳисобланади. Ахборотни ўзгартириб кўрсатиш марказ учун ҳам, ҳудудлар учун ҳам фойдали бўлади, чунки мувозанатдаги «ўалбаки» вазиятда мақсадли функциянинг аҳамияти ошади. Бундай бошқариш ғояси (яхшилик учун ёлғон сўзлаш)ни хом ашёни экспорт қилиш масаласига ҳам тадбиқ этиш мумкин: агар ҳудудлар ташқи талабдаги баҳолардан хабардор бўлмаса, уларнинг ҳар бири кўпроқ хом ашё топишга ҳаракат қилади, натижада хом ашёнинг нархи пасаяди. Ташқи талабнинг марказ томонидан камайтириб кўрсатилиши нархни юқори даражада ушлаб туришга имкон беради, бу эса барча иштирокчилар учун фойдадан ҳоли эмас.

2) Парето бўйича оптималлик ғояси кўплаб субъектлар билан бўлган вазиятда қарорларни баҳолашда қўлланилади. Иштирокчилардан бири бошқа иштирокчилар ҳисобига кўпроқ нарсага эга бўлса, бундай вазият Парето вазияти дейилади. Федерал дотацияларни ҳудудлар орасида тақсимлаш Парето шартига кўра қуйидагича бўлади: бирон бир ҳудуднинг дотацияларни ошириш ҳақидаги талабининг марказ томонидан бажарилиши бошқа бир ҳудуд ҳисобига амалга оширилади. Агар тақсимланиш Парето оптималлигига кўра бўлмаса, масалан, марказ томонидан режалаштиришдаги хатолик ўтгани туфайли ҳудудлар қўшимча равишда ўз талабини ўйиши мумкин.

Конкрет иктисодий дастурни таҳлил қилишда маблағ ва воситаларни ҳудудлар орасида тақсимлашнинг бир қанча парето-оптималлиги бўлиб, марказ бунда қўшимча далилларга, аниқроғи ижтимоий-сиёсий вазиятга алоҳида эътибор бериши мумкин. Масалан, табиий офат ёки талофот кўрган ҳудудларга алоҳида ёрдам кўрсатилади.

3) Кафолатланган натижа принципи махсус иерархик структурали вазиятда қарор қабул қилишга қаратилган. У қуйидаги хусусиятларга эга: Таҳлил марказ нуқтаи назаридан ўзи учун энг салбий ва ноқулай ҳисобланган ҳудудни танлаш орқали амалга оширилади. Бундай ноқулай вазиятда марказ ўзининг мақсадли функциясини максималлаштиришга ҳаракат қилади. Марказ, табиий равишда, бошқариш стратегиясига эга. Бу имтиёз марказга қўшимча имкониятлар беради.

Аввало, марказнинг функцияси ҳудудларга маълум бўлгач, улар ўз мақсадларини аниқ бир вазиятда амалга оширадilar. Шунинг учун ҳам марказ стратегияни танлашда ноаниқликни камайтиради, натижада ҳудудлар мақсадли функцияни максималлаштирадиган бошқариш стратегиясини танлайди.

Иккинчидан, ҳудудлар ўзининг бошқариш стратегиясидан манипуляция учун фойдаланишлари мумкин. Масалан, нотўғри ахборот узатиш. Бошқа манипулятив технология рефлексив стратегияни қўллаш бўлиб, бунда марказнинг бошқариш стратегиясини танлаши ҳудудлар танловига боғлиқ. Айтайлик вазифани бажарганлик учун мукофот, шартни бузганлик учун жарима солиш, ишлаб чиқариш дастурига қараб ресурсларни ажратиш ва ҳоказо.

Бундай манипулятив технологиядан марказ ҳудудларига таъсир кўрсатиш воситаларига эга бўлгандагина фойдаланилади.

Кафолатган натижа принципи бошқаришнинг иерархик структурасида қарор қабул қилишдаги энг умумий ёндошувдир.

4) Огоҳлантириш сценарийси. Оптималликнинг ушбу принципи ўзаро таҳдид солиш орқали вазият барқарорлигини таъминлашга имкон беради. Айрим иштирокчига таҳдид солиш шуни билдирадики, агар у барча иштирокчилар томонидан барқарорлаштириладиган вазиятга олиб келувчи стратегиядан четга чиқмоқчи бўлса, унга шу вазиятда олиши мумкин бўлган маблаъни олишга йўл бермайдилар. Барча субъектлар таҳдид солишдан фойдалансалар, унда огоҳлантириш сценарийси вужудга келади, яъни барча иштирокчилар бир-бирини барқарорлаштириладиган вазиятдан четга чиқишдан огоҳлантириб турадилар.

Айтиб ўтиш керакки, таҳдид солиш ҳар доим ҳам самарали бўлавермайди, бунда «четга чиқувчи»ни жазолаш учун иштирокчилар ўзларининг шахсий манфаатларидан воз кечишга мажбур бўладилар. Шунинг учун ҳам огоҳлантириш, яъни «четга чиқувчи»нинг мақсадли функцияларини минималлаштириш эмас, балки бошқа иштирокчиларнинг мақсадли функцияларини максималлаштириш ҳам катта аҳамият касб этади.

5) Қуйи даражадаги параметрларни марказнинг аниқ билмаслигида бошқариш. Ушбу вазият тартибга солинадиган мувозанатда таҳлил қилинган вазиятга қарама-қарши туради, яъни марказ ҳудудлар, уларнинг муаммолари ва имкониятлари ҳақида аниқ маълумотга эга эмас.

Бундай шароитда номаълум параметрлар тўғрисида ахборот алмашув имкониятлари катта аҳамиятга эга, чунки у марказнинг ҳам, ҳудудларнинг ҳам фаолиятини оширади. Кўпинча, мувофиқлаштирилган бошқарув катта амалий натижа беради, бунда марказ турли ҳудудлардаги шарт-шароит ҳақидаги маълумотларни аниқлаштириб боради. Ўзбекистонда суств ахборот инфраструктураси шароитида ушбу вазиятни концептуал ўрганиш ва мос келувчи қарор қабул қилиш механизмини ишлаб чиқиш жуда ҳам муҳимдир.

6) Кооператив тарзда (биргаликда) қарор қабул қилиш аввалги барча қарашлардан фарқ қилади. Уларда субъектлар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда, мустақил равишда ўзларининг индивидуал фаолиятини максималлаштириш учун мақсад стратегиясини танлаган бўлса, ушбу охириги қарашда иштирокчилар бирдамлиги биринчи ўринга чиқади. Иштирокчилар ўзаро моддий ва ахборот ресурсларини алмашиб, олинган даромадни ўртада бўладилар. Янги коалициянинг даромади икки субъектлар даромадининг оддий йиғиндиси бўлиб қолмайди, балки янги бирлашманинг хусусиятлари ҳисобига янада катта бўлади. Бу эса эмержент самараси дейилади.

Мазкур оптималлик принципида даромадни тақсимлашда бир қатор шартларга риоя қилиш талаб қилинади:

- ҳар бир иштирокчи даромад тақсимотида мустақил фаолият юритганда оладиган даромадидан кам улуш олмаслиги керак;

- бирлашма даромадлари иштирокчилар орасида қолдиксиз тақсимланади (Паретога кўра оптималлик).

Бу талабларнинг моҳияти шундаки, бирон-бир субъект учун индивидуал рационаллик принципи бажарилмаса, унинг бундай тақсимотда иштирок этишига ҳожат қолмайди. Агар Паретога кўра оптималлик бажарилмаса, у қандайдир яширин имкониятлар борлигидан далолат беради.

Шуни айтиб ўтиш керакки, амалда, кўпинча, тақсимотга кенг маънода қараш керак яъни тақсимотнинг конкрет вариантыни танлаш учун қўшимча таҳлилларга эътибор қаратиш лозим.

Биргаликда қарор қабул қилиш бундан аввалги принципларга қараганда анча юқори даражадаги принципдир. Марказ ҳудудлар билан ахборот, молиявий ва бошқа ресурсларни ҳамда ҳамкорликда қарор қабул қилишни мувофиқлаштиролса, эмержент самарасини олиш имкониятлари пайдо бўлади. Афсуски, кўпинча худбинлик ва сепаратистик тенденциялар оқилона фикр юритишдан устун туради, бунда ҳудудий бошқаришнинг ижтимоий технологиялари муҳим роль ўйнаши керак.

Хулоса қилиб айтганда, кўриб чиқиляётган муаммо аспектида ижтимоий технология деганда, барча ҳудудлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда федерал дастурни амалга оширишга қаратилган усуллар ва маросимлар мажмуи тушунилади.

Иқтисодий муносабатлар соҳасида ижтимоий технологияга федерал, ҳудудий ва маҳаллий бюджет томонидан йиғилган солиқларни тақсимлашни мисол қилишимиз мумкин. Маълумки, ҳудудий ва маҳаллий бюджет ҳисобига катта фоизда маблағ ажратилиши солиқ йиғишни рағбатлантиради, аксинча, марказнинг тушумни ўзлаштириши ҳудудларнинг даромадни яширишига, оқибатда, федерал бюджетдаги камомадга сабаб бўлади.

Таянч сўз ва иборалар:

Ижтимоий технология, ижтимоий бошқариш, макротехнология, мезотехнология, микротехнология, ҳудудий ва федерал даража, мувозат ва тартибга солинадиган мувозанат, Парето оптималлиги, қафолатланган натижа принципи, огоҳлантириш сценарийси, биргаликда қарор қабул қилиш, эмержент самараси.

Назорат учун саволлар.

1. Ижтимоий технология атамасининг таърифи.
2. Ижтимоий бошқариш тушунчаси.
3. Ижтимоий технологиянинг белгилари.
4. Макро-, мезо-, микротизимлар технологияси.
5. Ижтимоий технологияларнинг ҳудудий даражада тутган ўрни.
6. Мувозанатли вазиятнинг моҳияти.
7. Парето бўйича оптималлик.
8. Марказ ва ҳудудлар орасидаги муносабат.
9. Кооператив тарзда қарор қабул қилишнинг ўзига хослиги.
10. Эмержент самараси.

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этишининг асосий принциплари тўғрисида" ги Конституциявий қонун - Т.: Ўзбекистон, 2002.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Бунғдорлик йўлидан. Т.4. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
9. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
10. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт -пировард мақсадимиз. Т.8. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. -Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
13. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
14. Каримов И.А. Хаётимизнинг тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси. //Халқ сўзи, 2002 йил 6 декабрь.
15. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "2002 йил 27 январдаги Референдуми яқунлари юзасидан қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги қарори. - Т.: Ўзбекистон, 2002.
16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Э.Х.Халиловнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис еттинчи сессиясидаги Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказиш тўғрисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2001 йил 11 декабрь.
17. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
18. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
19. Каримов И.А. Жамиятни ислоҳ қилиш йўлида. - Т.: Шарқ, 1999.
21. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
22. Каримов И.А. Эғали юрт эркини бермас. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
23. Каримов И.А. Адолат - қонун устуворлигида. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
24. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш - бош йўлимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2002.

25. Каримов И.А. Одамлар ҳақида ғамхўрлик, истикболни ўйлаб иш тутиш - ҳар бир раҳбарнинг бурчидир. /Халқ сўзи. 2002, 1 июнь.
26. Мустафоев Б. Халқимиз ақл-заковати ва донишмандлиги самараси. //Халқ сўзи, 2002 йил 10 декабрь.
27. Саидов А. Конституция ва фуқаролик жамияти. //Ўзбекистон овози, 2002 йил 3 декабрь.

Қўшимча адабиётлар:

1. Андри Линдра. Основы социологии. Учебник для вузов.- М.: МОТА ВЕМЕ, 2002.
2. Алиқориев Н.С. Социология ва таълим тараққиёти. Илмий услубий ютуқлар ва илғор тажрибалар. - Т., 1997.
3. Алиқориев Н.С. ва бошқалар. Умумий социология. - Т.: ТошДУ, 1999.
4. Алиқориев Н.С., Убайдуллаева Р. ва бошқалар. Умумий социология. - Бишкек, 1999.
5. Каримов М.С. Введение в социологию. - М.: Наука, 1994.
6. Кравченко А.И. Основы социологии. - М., 1998.
7. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. – Т.: “Ўқитувчи”, 2001.
8. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.: Фан, 1993.
9. Носирхўжаев С. Ва бошқалар. Социология асослари. Маърузалар матни. – Т.: 2000.
10. Радугин А.А., Радугин К.А. Социология. Курс лекций. - М, Центр, 1999.
11. Социологик тадқиқот методи ва техникаси. - Т.: ТошДУ, 1999.
12. Социология тарихи. - Т.: ТошДУ, 1999.
13. Социология. Маърузалар матни. (Каримова В. таҳрири остида). - Т., 2000.
14. Социология асослари. Маърузалар матни. - Т., 2000.
15. Социология. Ўқув қўлланма. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002.
16. Социология. Курс лекций. Ростов-на-Дону. Феникс, 1999.
17. Сулаймонова Ф. Шарқ ва ғарб. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
18. Умумий социология. - Т.: ТошДУ, 1999.
19. Хан С., Хан В. Социология. Курс лекций. - Т.: Адолат, 1999.
20. Хариева В. Основа социологии. Учебник. - М.: Логос. Высшая школа, 1999. - 302 с.
21. Холбеков А., Идиоров У. Социология. Луғат. - Т.: Ибн Сино, 1999.

22. Холбеков А. Шарқ ва ғарб мутафаккирларининг социологик қарашлари. - Т., 1999.
23. Шарифхўжаев М, Шодиев Н. и др. Сила - в справедливости. //Труд, 27 сентября 2001 г.
24. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон: янги ғоялар, янги ютуқлар. – Т.: Шарқ, 2002
25. Шарифхўжаев М. Становление открытого гражданского общества в Узбекистане. – Т.: 2002.
26. Шарифхўжаев М. Императив времени.//Труд, 11 июня, 2002 г.
27. Шодиев Н., Гофуров З., Сиддиқов Б. Миллий мафкура ва ғоя. - Т.: ТДТУ, 1999.
28. Шодиев Н. Ўзбекистон миллий тикланиш босқичида. - М.: Вега, 1999.
29. Шодиев Н., Гофуров З., Сиддиқов Б. Миллий мафкура ва ғоя. - Т.: ТДТУ, 1999.
30. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тарихидан. - Т.: Фан, 1995.